

БОБУР БОБОМУРОД

*Ўзбек
Дамонавий
адабиёти*



ЎРГИМ КЕЛАР
ЎЗНИ НЕГАДИР

10	2020/114
48358	A44
3 Боболуңу 5	
Жаңы Казак...	
11	2020. 312-5

2020/114-A44



ТОШКЕНТ – 2020



Курчи келер
Сизни негедер...

Абдул Абдул

Бобур БОБОМУРОД

КЎРГИМ КЕЛАР СИЗНИ НЕГАДИР

Шеърлар

Ғафур Гулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи

ТОШКЕНТ – 2020

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5У)6

Б 79

Нашрга тайёрловчи:

Тарих фанлари номзоди, доцент

Гулбаҳор УМАРОВА

Бобомурод, Бобур

Кўргим келар сизни негадир: *(Шеърлар)* Б. Бобомурод –
Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2020. – 312 б.


Шеър – инсон қалбининг энг нозик пардаларида янговчи
оҳанрабо куй. Бу куй кечмишлар ва келмишлар силсиласида
тобланган. Унда башарий орзу-умидлар, армонлар яшайди.
Шоир эса бу куйнинг бастакори, қалб торларининг чертув-
чиси.

Бобур Бобомурод ана шундай куйлар муаллифи. У севги
ва садоқатни, ғам ва ҳасратни, алам ва нафратни, иймон ва
инсофни тараннум этади.

Ушбу тупламдан жой олган ижод намуналари қалбин-
гизга кўчади, деган умиддамиз!

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5У)6



ISBN 978-9943-6110-0-9

© Б. Бобомурод, 2020

© Гафур Гулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2020

Ю 48358
391

ШОИРНИНГ ОЛАМИ

БОБУР БОБОМУРОД ШЕЪРИЯТИГА БИР НАЗАР: ИЖОД ВА ИЖОД МАДАНИЯТИ

Шоирнинг олами... Уни тула-туқис, бутун борлиғича англаш қийин, ифодалаш мушкул. Зотан, ҳар бир қалбнинг фақат ўзигагина хос бўлган ўз кечинмалари, севинчу изтироблари булади. Уша қалбнинг ўзгалар ҳис қила олмайдиган, ўзгалар тасаввурига сиғмайдиган жиҳатлари эса ўзигагина маълум. «Ичимдан утганини ўзим биламан-у, Аллоҳ» деган гап шундан келиб чиққан бўлса керак.

Ҳар бир одам алоҳида олам. Ўз қарашлари, ҳаётга мустақил муносабатлари бор. У турмуш икир-чикирларини ўзича ҳис этадиган ва ўзича уни баҳолайдиган оламдир. Бироқ шоир олами, шоир қалби бутунлай ўзгача. У ўзининг ғоятда нозиклиги, ғоятда нафислиги, майинлиги ва назокатлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Шоир оламининг энг фусункор, энг нафис ва ўта нозик жиҳатларини, бутун моҳиятини англаш ўзгалар учун анча мушкул. Ҳассос шоир Бобур Бобомурод қалби, унинг олами хусусида гап борар экан, бир адабиёт мухлиси, оддий бир шеърхон сифатида камина ҳам ана шундай безовталикни, беҳаловатликни чуқур ҳис қилмоқдаман. Зотан, Бобур Бобомурод туйғуларининг бесаранжомлигини, беҳаловатлигини, улкан тафаккур, катта фалсафий мушоҳада билан йўғрилган драматик ҳолатларини тулақонли англаш ва унга баҳо бериш осон эмас.

Аммо масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам бор. Агар ўқувчи шоир асарларини ўқиш жараёнида унинг ҳар бир сатрида, оҳангида, ҳиссиётлар бўхро-

нида, туйғулар тулкинида узини курса, худди унинг кечинмаларини шоир сезгандай, ифодалагандай қабул қилса, бошқача ҳолат юзага келади. Умуман олганда, ҳар бир шеър мустақил ва тугал асар сифатида ҳажмидан қатъи назар укувчининг кечинмаларига яқин бўлиб, унинг руҳиятини ифодалагандай бўлса, бу асар жамоатчилик томонидан эътироф этилган қадриятга айланади.

Адабиёт – инсон тафаккурининг қайроғи, инсон қалбини, ҳис-туйғуларини мудроқликдан уйғотадиган, унга рағбат, ҳаётини куч, яшашга иштиёқ уйғотадиган беназир маъво. У ҳаёт фалсафасини, турмуш моҳиятини, инсоннинг буюк қадриятини бадий суз орқали ифодалаб, туйғуларига таъсир этади. Табиийки, инсон феномен сифатида чуқур фалсафий мушоҳадаларни ақл билан идрок этишдан кура, ҳиссиёт орқали қабул қилишни афзал куради. Ана шунда адабиётнинг ижтимоий моҳияти нақадар юксак эканлигини яққол кураимиз.

Ҳақли савол туғилади. Нега одамлар асрлар мобайнида Шекспир, Пушкин, Лермонтов, Гёте, Жомий, Навоий, Бобур, Огаҳий, қолаверса, буюк замондошларимиз Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов (охиратлари обод бўлсин) асарларини бот-бот соғинч билан, катта эҳтиёж билан уқишади. Чунки уларнинг ҳар бир асарида ҳар қандай инсон уз аксини, уз дардини, қувончу изтиробларини куради. Зотан, даҳолар учун бутун инсоният миллатидан, элатидан, диний эътиқодидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар битта одам эди. Улар одамларнинг бир-бирига ухшамаган, ҳар бири бир олам бўлган қалбини умумлаштирган ҳолда ифодалаган эди. Ифодалаганда ҳам қиёмега етказиб, ғоятда юксак даражада, катта нафосат ва фасоҳат билан, улуғ бир эҳтирос-у, жушқин бир туйғулар билан ифодалашган. Шунинг учун китобхон уларнинг асарларида араб ё япон бўладими, инглиз ё ҳинду бўладими, хитой ёки фаранги бўладими,

қатъи назар узини куради. Назаримизда, улуғ шоирларнинг буюклиги, бетакрорлиги, улмаслиги, абадиятга дахлдорлиги ана шунда. Буюклик – ярагилган асарнинг инсоният маънавий эҳтиёжига, умуминсоний қадриятга айланишда! Бошқача эмас!

Бобур Бобомурод таниқли шоир. У ўзбек адабиётида ўз овозига, ўзининг илиқ ва ёқимли нафасига, бетакрор ифода услубига эга. Юзлаб қушиқлари таниқли хонандалар томонидан куйланган.

Санъат оддий буюм, мисли бозор мулкига айланиб, хорланиб, хўрланиб кетаётган, «шоу-бизнес» буюк ўзбек маданиятини оёғости қилаётган бир пайтда Бобур Бобомурод шеърлари билан янграётган қушиқлар ҳаётбахшлиги, ҳузурбахшлиги, бадий такомилли ва эстетик юксаклиги билан алоҳида ажралиб туради. Бобурнинг сатрлари ниҳоятда нафис, беозор, майин, латофатли, унинг ўзи каби камтар, камсуқум, айни пайтда, бироз дардчил, ғамбода... Уларда даҳоликка даъво йўқ.

Бир қарашда шоир тушкун ҳолатларга тушгандай, ҳаётдан норизодай, армон тула қалби зардобга айланган ғамғусор одамдай куринади. Бироқ унинг сатрларини қайта-қайта, такрор ва такрор ўқиганингиз сари, ўша майинлик, ғамгинлик, тушкунлик остида бахтли, саодатли ҳаётга интиқлик эртанги кунга юксак ишонч ва журъат билан ингилиш туйғуларини яққолроқ ҳис этасиз.

Юқоридагидай ҳиссий олам, ижодий кайфият – ижодкорга хос хусусият. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Бобур Бобомуроднинг бир фуқаро, бир миллатнинг вакили, шиддат билан тобора кучга тулиб бораётган юртнинг фарзанди сифатида она юртига, Ватанига бағишлаган шеърларида ҳам юқорида баён этилган майинликни, ўзига хос латофатни, камтар ва камсуқум муҳаббатни кура-миз. Жумладан:

Балки бойман, балки фақир,
Розидирман – шудир тақдир.
Бору йўғим сенсан ахир –
Кулбам ўзинг, кошонамсан,
Бу оламда яғонамсан.

Ушбу сатрларда шоир қалбининг назокатини, фасоҳатини, бир фарзанд сифатидаги муҳаббат изҳорини кўришимиз мумкин. Ватан ҳақидаги сўз Ватан каби салмоқли, Ватан каби дилбар! Кўз ўнгимда мўйсафид Бухоро, донишманд Бухоро, файласуф, ҳар ғишти ҳикматга тўла, айна пайтда, камтар, камсуқум, хокисор Бухоро гавдаланди. Шеърнинг оҳанги шунақа.

Сатрлар ниҳоятда самимий, содда, равон. Уқувчи бир ўқиганда шоир оламига осонгина кириб олади, унинг туйғулар уммонида завқу шавқ билан, озгина армон аралаш дардчиллик билан енгил сузади. Хотира қуввати уртача бўлган ўқувчи бир ўқишда сатрларни ёдда сақлайди ва ҳар доим такрорлаб юради. Чунки унда ўзини кўради. Ўзбекистонни кўради. Дардчил, ғамбода, муштипар Она сайёрани кўради.

Ҳаммамиз шу битта Ватаннинг фарзандларимиз. Ҳаммамиз шу мўътабар маконнинг соҳибларимиз. Баъзан жушқин, ҳайқириқли, баланд пардаларда ифодаланган Ватан ҳақидаги ашъорларни ўқиганмиз. Бироқ Бобур Бобомурод камсуқум, камтар, ўзи айтганидай «Балки бой, балки фақир», кимлигидан қатъи назар Ватанга муҳаббат изҳорини ўта майинлик билан ифодалайди. Бу ифодада юрт учун ўзидан кечмоқлик, у учун фидо бўлишга тайёрлик туйғулари яққол кўзга ташланади:

Кўзга суртиб тупроғингни,
Кўлингдаги қадоғингни,
Айлай дейман ардоғингни –
Мушфиқ отам, ҳам онамсан,
Бу оламда яғонамсан.

Ана шу тарзда шоир «Дардларингни териб ётсам, меҳринг билан эриб ётсам – бошим узра парвонамсан» деган хулосага келади. Ва охир-оқибатда Ватанни ардоқлаган, дарду ғамларини ўзига олиб, меҳрдан эриб, унинг бағрига сингиб кетган чоғида бошидаги парвона мисол улуғлайди. Камтаринлик, мушфиқлик, фақирлик остида жуда катта фидойиликни, узидан кечиб яшашдек жасоратни, Она тупроқ учун қурбон бўлишга тайёрлик кайфиятини сезиш мумкин.

Шоир кайфияти баҳор ҳавосига ўхшайди, у ўзгарувчан. Гоҳ сокин ва майин, гоҳ булутли, ёмғирли лаҳзалар, гоҳ дилларни ҳаприқтирадиган эпкинли ҳолатлар, баъзида жонбахш, ҳузурбахш офтобнинг ҳароратли ҳолатлари. Бу ҳолат фақат Бобур Бобомуродга хос эмас. Жамики шоирлар – инсон руҳиятининг ашъордаги мусаввирларига хос хусусият. Ана шу руҳий ҳолатдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Бобур Бобомуроднинг Ватанга муносабати, унга бағишлаган шеърлари ҳам турлича, хилма-хил. Уларнинг вазни, қофиялари шоир нафасининг руҳий ҳолатидан табиий ҳолда келиб чиққан; узун-қисқалиги қалб тулғоқлари шаклининг ифодаси; ута самимий, камтар:

Ёзинг анис, кузинг мунис, қишинг тинчим,
Ватан, сулув баҳорингга арзит мени.

Киндик қоним ҳаққи сендан зўр ўтинчим –
Юмушингга, бир корингга арзит мени.

Бу ерда оҳанг узгача, ифода бошқача, лекин муносабат узгармас. Она тупроққа муҳаббат уша-ўша камтарона. Уша майинлик, ўша нафосат ва фасоҳат... Анис – дўст, ҳамдард, ҳамфикр. Шоир ёзининг иссиқ, ҳароратли дамларида қалб ҳароратини, дўст тафтини, меҳрини кўради. Бу дўст, бу ҳамдард – Ватан. Ахир «Ватандин яхши ёр бўлмас», дейишган-ку улуғ шоирлар. Инчунун, Ватансизлик – ғарблик, Ватансизлик – бахтсизлик, бахтиқаролик.

Ватан меҳри, ҳарорати, тафти ҳар нарсадан улуғ. Кунглини сайрагадиган, қалбингни қувонтирадиган, руҳиятингга куч-қувват берадиган руҳиятингга сокинлик ва хотиржамлик берадиган сирли ва си-ноатли қудрат – Ватан. Шоир юртнинг кузида ма-йин бир мунисликни, қишида эса сокинликни ҳис этади. Сулув баҳорни соғиниб яшайди. Оламга жон бағишлаб, дунёни уйғотиб яшашга даъват этадиган, янги орзулар, умидлар ва мақсадларни вужудга кел-тирадиган келинчак баҳорга, сулув бир фаслга му-носиб айланишни илтижо қилиб сураётгандай туй-илади, кишига. Бунда дардчилликни, қандайдир армонни сезгандай булиб кейинги сатрларни уқий-миз ва унда «Киндик қоним ҳаққи, сендан зур ўтин-чим – юмушингга, бир корингга арзит мени» сатр-ларини уқиб, шоирда катта бир шиддатни, аниқ мақсадни, жушқинликни кураимиз. Ана шу маъ-навий қудратнинг ҳосиласи сифатида шоир «Туп-роғингни шунчаки бир упиб бўлмас, саждагоҳим, туморингга арзит мени», деган қатъий хулосага келади.

Бобур Бобомурод айрим ҳолатларда улуғ аж-додларимиз образи орқали, уларнинг сиймосини, қалб тулғонишларини, изтиробли кечинмаларини ифодалаш орқали ўзининг юртга муҳаббатини, Ватанга садоқатини ўзига хос ёқимли нафас билан илиқ ва бетакрор оҳангда ифодалайди. Уқувчи беихтиёр ҳар икки ҳолатда – ҳам шоир туйғула-рига, ҳам улуғ сиймолар оламига гувоҳ бўлади. Шоирнинг шахсияти, хусусий ҳис-туйғулари даҳо-лар руҳияти билан синтезлашиб кетади. Нати-жада яхлит ижтимоий ҳодиса, ижтимоий моҳият касб этади. Жумладан, «Аҳмад Яссавий» шеърда

Дунё, сендан кунглим қолди,
Йиғлайвериб кузим толди,
Маҳшар ваҳми дилим олди,
Охир чиқиб кетдим маню.

Туркий элда инсон юрсин,
Туркий тилга дармон кирсин,
Туркий дилга иймон берсин,
Юртни дуо этдим мано! –

дейди. Яссавийона оҳанг, дарду ҳасратлар, изтироблар, шоир туйғулари билан ана шу тарзда сингиб кетади. Натижада, оҳорли, ухшаши йуқ фалсафий мушоҳада, туфаккурнинг рангин ва сержило шакли қуйма ҳолатда вужудга келади. Унда сунъийлик йуқ. Аксинча, самимият, жушқин муҳаббат, қайноқ меҳр ўқувчи қалбини эгаллайди, уни чангу ғуборлардан тозалайди. Эзгуликка, яхшиликка, истиқболга даъват этади. Шеър маърифати, унинг маънавий қудрати ана шундай синтезлашган ҳолатда дунёга келади ва беқиёс қудратини намоён этади. Қодирий, Чулпон, Фитрат билан боғлиқ сатрларда ҳам ана шундай бетакрорлик, ўзига хос ифода, образли мушоҳада ва қайноқ қалб туғёнлари намоён булади.

Бобур Бобомурод лирикасида, айтиш мумкинки, ҳаёт фалсафаси, инсон моҳияти ўзига хос тарзда ифодасини топган. Унинг тор ҳиссий олами ифода этилган, фақат ўзигагина эҳтиёжга айланган туйғулари шу даражада қуйма ҳолатда юзага келадики, ҳар қандай ўқувчи юқорида айтганимиздек ушбу сатрларда ўзини кўради. Худди ўзининг образи шоир томонидан яратилгандек кўринади. Яъни Бобур Бобомуроднинг энг «хусусий» шеърларида ҳам катта ижтимоий моҳият, ижтимоий кўлам ва дард ётади. Жумладан:

Боққа умр, сахрога булут,
Зурга ҳиммат, заифга қувват,
Бойга виждон, қашшоққа умид,
Ғам бўлса ҳам менга муҳаббат
бергин, Худойим.

Туғрисини айтайлик. Кимда шундай туйғу йуқ? Кимда шундай умид, илинж йуқ? Ана шундай туйғудан бегона қалб қалб эмас. Ана шундай туйғуси йуқ одам одам эмас, одам шаклидаги бошқа жонзот. Шоирнинг қувваи ҳофизаси кенг, тоза, шаффоф, гузал, умидбахш, айни пайтда, ута самимий ва қалбга яқин. Бу, айтиш мумкинки, генетик асосга эга бўлган, табиатан маърифатли, ҳаётдан ҳамиша эзгулик ва гузаллик излаб юрадиган инсон қалбининг бегакрор оҳанглари. Бу оҳанг давом этавергани сари авжига чиқиб боради. Бу авж охир-оқибатда юксак пардалардаги қатъий хулосага олиб келади:

Бадга неклик, яхшиларга бахт,
Юрганга йул, утирганга тахт,
Менга... менга... фақат муҳаббат
бергин, Худойим.

Фикрлар кетма-кет, тулик, булик, мазмундор. У бир-бирини тулдириб яхлит ҳаётни узида мужассам этган, кишилик моҳиятини ва инсон олами эзгуликка йуналтирадиган табиий ва тирик жараён. Шоир қалби ана шундай кучга, қудратга эга. Муҳаббатга ташналик, Аллоҳга илтижолар жуда катта ижтимоий, маънавий, маърифий ва ахлоқий моҳиятга эга. Бу, айтиш мумкинки, Бобур Бобомурод шеърятининг бутун моҳиятини ва қадриятини белгилайдиган омиллардан бири ҳисобланади.

Қолаверса, шоирнинг муножотида, қалб изҳори ва таваллосида инсоният дардини, унинг ахлоқий упирилишлар, маънавий таназуллар, манфаатлар ва худбинликлар хуруж қилаётган ҳозирги шароитдаги изтиробларини куриш мумкин. Зотан, бутун инсониятни ва унинг нажот майдони бўлган Ер шарини фақат эзгулик ва муҳаббатгина асраши мумкин.

Инсоннинг ҳаёти давомида узига узи ҳисобот бериши, босиб ўтган умр йулига назар солиши, эришган қувончлари-ю изтиробларини сарҳисоб қилиб туриши табиий ҳол. Шоир Бобур Бобомурод ҳам баъзан узи билан узи сузлашади, узи билан узи олишади, узидан узи баъзан рози, баъзан норози бўлади. Бундай бетизгин драматизм, кучли руҳий тўқнашувлар ҳамманинг қалбида мавжуд ва биз ҳаммамиз, айтишимиз мумкинки, қалбимиздаги ишонч ва ишончсизлик, умид ва умидсизлик, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузликнинг туганмас жанги орасида яшаймиз. Қалбимиз фазилатлар-у, нуқсонларнинг узлуксиз кураш майдони ҳисобланади. Ана шундай ҳолатлардан келиб чиқиб, шоир:

Ким булардим, шоир бўлмасам,
Амалдорми, балки олимми.
Савдогарми ёки золимми...
Ким булардим, шоир бўлмасам? –

дейди ва узини ҳар куйга солиб, ҳар хил ҳолатларда ҳаёт йули, тақдири ва истиқболи ҳақида фикр юритади. Бундай кучли пуртана, руҳий изтироб, оғир кечинмалар охир-оқибатда катта ирода кучига, бетакрор маърифатли мақсадга айланади ва шоир қатъий ҳулосага келади:

Дилдан айтсам, гул рози бўлсин,
Дардин айтсам, эл рози бўлсин.
Ким нимадир – Ҳақ қози бўлсин...
Ким булардим, шоир бўлмасам? –

дейди-ю, тақдирдан рози бўлган, эл корига яраган, саодатли инсон сифатида узини намоён этади ва «Мен улардим шоир бўлмасам» деган ҳулосага келади. Бу шоирнинг ирода қувватидан, бой маърифати ва кишилик жамиятига дахлдор,

унинг тақдирига тақдирдошлик хисларидан далолат беради. У шоир сифатида ижтимоий фикрни эзгулик сари бураётганидан, адабиётдай улуғ, муътабар ва ғоятда қудрагли ғоявий маъвода оддий бир ижодкор сифатида тақдирдан мамнун эканлигини гаъкидлайди. Зотан, ҳар қандай ижодкор қобилиятидан ва кимлигидан қатъи назар, ижтимоий ҳодиса. Унинг жамоатчилик қалбига, ҳис-туйғуларига, руҳиятига таъсир этиши ва охир-оқибатда жамият маънавий-руҳий қиёфасини узгартирувчи омиллардан бири бўлиши ижтимоий моҳият касб этади. Бунини Бобур Бобомурод яхши тушунади ва узининг ижодкорлик тақдири билан фахрланади.

Бобур Бобомурод ҳаётий тажрибаси ҳам, бадий тафаккури ва ижодий маҳорати ҳам қиёмига етган паллада. Унинг шеърляти инсон ва инсоният, одам ва одамият, жамоа ва жамият бугуни ва истиқболи билан уйғунлашиб кетган, катта ижтимоий моҳиятга эга бўлган олам. Айтиш мумкинки, бу оламнинг уз таровати, уз нашъу намоси, уз жозибаси ва бетакрор қадрияти бор. Қўлингиздаги китоб, азиз ўқувчи, ана шу маҳобатли оламнинг бир бўлаги. У Сизнинг қалбингизга яқин, руҳиятингизга мадад ва қудрат бахш этишига ишонамиз. «Кўргим келар сизни негадир» деб қалбингиз эшигини қоқиб келган мажмуа ҳаммангизга муборак бўлсин!

Зотан, соғинч туйғуси – бу шоир наздида Сиз, мен, бошқалар, ҳаммамизга, яъни жамики инсониятга меҳр, муҳаббат! Соғинч, кайхоний ақидага интилиш – бу бутун борлиқ, еру кўк, осмону заминни қалбга жо этиш, қолаверса, Олий Хилқат жамолига интилиш!..

Нарзулла ЖУРАЕВ.



СЕН НАҲОТ

Гофил қолма, эй одам,
Умринг улчайди қадам.
Ҳаёт завқидан ҳар дам –
Сен наҳотки қонмасанг?!

Ўзгариб онглар энди,
Тозариб, диллар тинди.
Руҳий кишанлар синди,
Сен наҳотки тонмасанг?!

Бахтинг, ахир, ёнишда,
Маърифат – уйғонишда.
Ҳаракат – тўлғонишда,
Сен наҳотки ёнмасанг?!

Эл бахти бугун барҳак,
Сен наҳот ишонмасанг?!
Уйғонди бутун бир халқ,
Сен, ҳайҳот, уйғонмасанг?!

2011 й.



ВАТАН БУ

Момолари, боболари, уғил-қизлари...
Қош-күзимга ўхшаб кетар қошу күзлари.
Бешигимнинг чизилдилар шунда излари –
Юрагимнинг тубларида қолган Ватан бу.

Улкан халқ бу, бир тупроқда уруғ-аймоқдай,
Минг йилларким яшаб келар, жони уймоқдай.
Тақдири гоҳ түзғиб кетган момақаймоқдай –
Гиёҳларнинг чўпларида қолган Ватан бу.

Ул ҳам бизни фарзандим дер, дардлари ўлиб,
Бир куз билан боқар бизга, меҳрга тулиб.
Атрофида тизилишдик мужгондай бўлиб –
Киприкларнинг тупларида қолган Ватан бу.

Бир элки бу – ғайратидан қуёш ҳам шошган,
Қумни титса тилла топган, шуҳрати ошган.
Таёқ суқса ҳосил олган, ризқ-рўзи тошган –
Деҳқонларнинг «хўп»ларида қолган Ватан бу.

Қизларидан ортиқроқ йўқ, жонон сурасанг,
Йигитларин қадами чуғ, имкон сурасанг.
Күзга суртиб тупроғин уп, иймон сурасанг –
Яхшиларнинг хўбларида қолган Ватан бу.

Ай оғалар, балки ҳали ёшман, ғураман,
Лекин фақат «юрт» деганга элман, жураман.
Ким бўлсам ҳам, ўз еримда бекман, тўраман –
Шажарамнинг тупларида қолган Ватан бу!..



ХУДО БЕРГАН ЎЗБЕККА

Боболаринг ким деса,
Момоларинг ким деса.
Куҳна дунё жим келса –
Худо берган ўзбекка.

Тумарис-у, Широқни,
Бобур чеккан фироқни.
Мозийдан нур – чироқни,
Худо берган бизларга.

Улуғбекнинг кўзини,
Навоийнинг сўзини,
Шоҳ Темурнинг ўзини –
Худо берган ўзбекка.

Тиб пири Синосини,
Фаробий даҳосини,
Хос Ҳожиб закосини –
Худо берган бизларга.

Жалолиддин – мардини,
Яссавий пок гардини,
Машраб нола – дардини,
Худо берган ўзбекка.

Ал-Хоразмий зиёсин,
Ал-Беруний дунёсин.
Шайх Нажмиддин Кубросин –
Худо берган ўзбекка.

Бухорий «китобдор»ни,
Нақшбанд –«дил ба ёр»ни.
Валий Хужа Аҳрорни –
Худо берган бизларга.

Самарқандий ҳикматин,
Марғиноний ибратин.
Замахшарий фикратин –
Худо берган ўзбекка.

Термизийлар, Оллоҳёр,
Шоший, Насафийлар бор.
Фарғонийлар ҳам бедор –
Худо берган ўзбекка.

Фурқатнинг фурқатини,
Муқимий узлатини.
Одамлик хизматини –
Худо берган ўзбекка.

Нодирайи давронни,
Фитрат, Чўлпон, Усмонни,
Қодирийдек армонни –
Худо берган ўзбекка.

Ойбек – тили суюкни,
Қаҳҳор – дили куюкни.
Яна қанча буюкни –
Худо берган ўзбекка.

Боболаринг ким деса,
Момоларинг ким деса.
Кухна дунё жим келса –
Худо берган ўзбекка.
Худо берган бизларга!



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

О, одамлар, о, малъун дунё,
Кас қолмади мени қопмаган.
Мен ҳам инсон фарзанди-ку, о,
Онам мени ердан топмаган.

Мени излар Отабек уғлим,
Кумушбиби йиғлар бетиним.
Лекин мени юлқади улим,
Афсус, қолди ғафлатда элим.

Ўткан кунлар қайтмасин энди,
Ва чиқмасин меҳробдан чаён.
Тунғиз қўпган салтанат синди,
Ҳақиқат ҳам бўлғуси аён.

Мудом мени эслагай халқим,
Китобларим мендан хотира.
«Қодирий йўқ» – деганда ҳам ким,
Улганим йўқ. Ишонманг сира!

1989 й.



ЧЎЛПОН

Севимли бўлмаган Ватанда яшаш,
Узингники бўлмаган кўнгил
Эгаси бўлмоқдек оғир.

Қадрли бўлмаган тупроқда юриш,
Муқаддас-у, лек бой берилган
Туморга сиғинмоқ каби.

Ўз эрки бўлмаган халққа тик сузлаш,
Тонг олдида ғафлатда қолган
Юртни уйғотмоқдек шараф...

1991 йил, март



УСМОН НОСИР

Бир сенми, бир сенми қон қусаётган,
Бир сенми – куксига тиканлар ботган.

Ахир, қон ютгандан сунг қусасан ҳам,
Дона гулда қанча тикан мужассам.

Қонлар гумроҳларни бир кун этар ғарқ,
Ўлмаган чечаклар мангу урар барқ!

1992 й.



* * *

Қодирий, Чулпон, Фитрат,
Олтин бош, олмос фикрат.
Қулдан берилган фақат...

Фитрат, Қодирий, Чулпон,
Эрк-чун туланган улпон.
Бурилар булган чупон...

Чулпон, Фитрат, Қодирий,
Худо, ахир, бордир-ей,
Тирилтмоққа қодир-ей...

1991 й.



АҲМАД ЯССАВИЙ

Шукр қилдим пайдо бўлиб,
Ишқ йўлида гадо бўлиб,
Нафсни тийиб, фидо бўлиб –
Ҳаққа охир етдим мано.

Дунё, сандан кунглим қолди,
Ииғлайвериб кузим толди,
Маҳшар ваҳми дилим олди –
Охир чиқиб кетдим мано.

Туркий элда инсон юрсин,
Туркий тилга дармон кирсин,
Туркий дилга иймон берсин –
Юртни дуо этдим мано!

1991 й.



* * *

Кузимдаги гавҳарим узинг,
Сенсиз надир бу дунё менга.
Тутиёдир ҳар босган изинг,
Мен фарзандман аввало сенга.

Мурувватли бағрингда бугун,
Сукмоғимни солиб бораман.
Йулларингни ёритмоқ учун,
Юрагимни олиб бораман.

Халқим, ногоҳ кетсам қоқиниб,
Ҳар бир бошга бир курим дегин.
Бир уғлингга неклик соғиниб,
Шерим, зурим, Бобурим дегин...

1993 й.



ШУ ХАЛҚ УЧУН

Сен керакли одам бўлгин, шу халқ учун, шу халқ учун,
Ҳар дардига малҳам бўлгин, шу халқ учун, шу халқ учун.

Атрофингда минг бир ташна, бўлолмасанг магар чашма,
Ҳеч бўлмаса шабнам бўлгин, шу халқ учун, шу халқ учун.

Худписанд уч-тўртта «доно» чиқиб дейди:

«Маним дунё...»

Майли, дустим, бир кам бўлгин, шу халқ учун,
шу халқ учун.

Етмайин нури ҳақиқат, кимлар эрур хануз карахт,
Зулмат аро Сен шам бўлгин, шу халқ учун, шу халқ учун.

Эй Бобуро, айлаб наво, инсонийлик қилдинг даъво,
Сен керакли одам бўлгин, шу халқ учун, шу халқ учун.



ВАТАН

Дилдаги илк чизгимсан,
Алоҳида сезгимсан.
Илк қувонч, илк хурсиниқ,
Ва биринчи севгимсан.

Онам ҳиди, сут таъми,
Куклам ҳиди, тут таъми.
Олам дарди, юрт ғами –
Сендан бошланди, Ватан.

Кўрдим кесик боғларни,
Минорингда доғларни.
Булбулларинг қон қилиб,
Хониш қилган зоғларни.

Ёнардим бағринг кезиб,
Ўзимни ғариб сезиб.
Қароғимдан қон сизиб –
Кузим ёшланди, Ватан.

Эсди хурлик эпкини,
Унди узлик экини.
Мен ҳам бўлдим ниҳоят –
Инсонларнинг эркини.

Толе юлдузи порлар,
Нурли манзиллар чорлар.

Тақаланиб тулпорлар,
Эгар қошланди, Ватан.

Сенда хур яшаш хубдир,
Қилиш керак иш купдир.
«Элим» деган болангга –
Байроғингни бир упдир.

Осмонлардек кенгимсан,
Уммонларга тенгимсан.
Шимарилган енгимсан,
Сабрим тошланди, Ватан.

Рухим озодидурсан,
Юртлар ободидурсан.
Боболарим нияти,
Покиза ёдидурсан.

Шукрким, эл-юрт омон,
Кимлигим англар замон.
Буюк келажак томон –
Қадам ташланди, Ватан!..



МЕНГА АЗИЗ

Жоним яйраб усган маскан менга азий,
Жонимда жон мазкур Ватан менга азий.

Бағридаги чулу чаман менга азий,
Унда ҳатто хасу тикан менга азий.

Тоғларига тушган туман менга азий,
Боғларида гулу суман менга азий.

Тупроғида ҳар бир маъдан менга азий,
Кумирдан то дурри Адан менга азий.

Келажакдан умид улкан, менга азий,
Юртдошларим бир жон, бир тан – менга азий...



ТУМОРИНГГА АРЗИТ МЕНИ

Ёзинг анис, кузинг мунис, қишинг тинчим,
Ватан, сулув баҳорингга арзит мени.
Киндик қоним ҳаққи сендан зур утинчим –
Юмушингга, бир корингга арзит мени.

Хурлигингга мадад булар муштинг булай,
Ниҳол булсам, чинорингга арзит мени.
Сен юксалгин, мен-да битта ғиштинг булай,
Остона ё минорингга арзит мени.

Узга юртдан буйларингни топиб булмас,
Гулузорим, ифорингга арзит мени.
Тупрогингни шунчаки бир упиб булмас,
Саждагоҳим, туморингга арзит мени.

Сен ҳайратим, пок хаёлим, соф севинчим,
Меҳрим сенда – чин ёрингга арзит мени.
Иймон ҳаққи, Ватан, сендан зур утинчим –
Керак булса, бир дорингга арзит мени!..



ЯГОНАМСАН

Бир майизни бўлишган эл,
Ойдаи озиб, тулишган эл,
Дунё феълин билишган эл –
Бағри кенг-у, мардонамсан,
Бу оламда ягонаман.

Дунёга тик боқиб кетган,
Олов бўлиб оқиб кетган,
Этагини қоқиб кетган –
Шоҳ Машраби девонаман,
Бу оламда ягонаман.

Балки бойман, балки фақир,
Розидирман – шудир тақдир.
Бору йўғим сенсан, ахир –
Кулбам узинг, кошонаман,
Бу оламда ягонаман.

Кузга суртиб тупроғингни,
Қўлингдаги қадоғингни,
Айлай дейман ардоғингни –
Мушфиқ отам, ҳам онаман,
Бу оламда ягонаман.

Юрагимни бериб ётсам,
Дардларингни териб ётсам,
Меҳринг билан эриб ётсам –
Бошим узра парвонаман,
Бу оламда ягонаман.



ОҚ БУЛУТЛАР

Оқ булутлар, оппоқ булутлар,
Теран эрур сизнинг сукутлар.
Сизга тенгдир барча ҳудудлар,
Оқ булутлар, оппоқ булутлар.

Омонатдир бировнинг пинжи,
Уз чайлангда кунгилнинг тинчи.
Эзар экан уйинг соғинчи –
Оқ булутлар, оппоқ булутлар.

Дил ҳайратга яровсиз қолди,
Меҳрларим суровсиз қолди.
Онам қабри қаровсиз қолди,
Оқ булутлар, оппоқ булутлар.

Сиз ҳам йулчи – макондан йироқ,
Тупроғимдан ўтганда, бироқ,
Мен учун ҳам ёқинг бир чироқ,
Оқ булутлар, оппоқ булутлар.

Етганда ул гушага охир,
Майин-майин ёғдиринг ёмғир.
Саломимни етказинг бир-бир,
Оқ булутлар, оппоқ булутлар.

Оқ булутлар, оппоқ булутлар,
Диёримда пишди шотутлар.
Олиб боринг барака, қутлар,
Оқ булутлар, оппоқ булутлар...



СОҒИНДИМ

Киндик қоним туқилган –
Тупроғимни соғиндим.
Ниҳолимга кук илган –
Япроғимни соғиндим.

Мен бир қамиш – най бўлдим,
Тақдир сузган май бўлдим.
Тиз чўкмоққа шай бўлдим –
Булоғимни соғиндим.

Диёр қумсаб дил ётмас,
Хаёлисиз тонг отмас.
Ботирганда нон ботмас –
Қаймоғимни соғиндим.

Ҳар қадамда моҳпора,
Гулу гулзор, фаввора.
Кунгил экан, на чора,
Янтоғимни соғиндим.

Жайрон кузлар, жодулар,
Содда кунглим «ох» урар.
Тушларимда оҳулар –
Сукмоғимни соғиндим.

Эркалигим сиғишган –
Ардоғимни соғиндим.
Дуст-қадрдон, туғишган –
Аймоғимни соғиндим...



ОМОН БУЛАЙЛИК

2001 йил 11 сентябрдан кейин ёзилган

Кўзда ёшдай қалқиб турибди олам,
Ризку рузин териб юрибди одам.
Кимдир «уйим» дейди, ким эса «болам»,
Майли, яхши, майли, ёмон булайлик,
Омонат дунёда омон булайлик.

Тақдир баъзан ширин, баъзида тахир,
Кимни бой яратди, кимнидир фақир.
Барчамиз Оллоҳнинг бандаси ахир,
Бирда бугдой, бирда сомон булайлик,
Омонат дунёда омон булайлик.

Саломнинг алиги – қарзи қиёмат,
Кунгилнинг калити меҳру оқибат.
Хотиржамлик – давлат, тинчлик – ғанимат,
Ҳаммамиз соҳиби иймон булайлик,
Омонат дунёда омон булайлик.

Урушу низолар тухтасин энди,
Ер юзи жаннатга ушшасин энди.
Одам ҳам одамдек яшасин энди,
Аввало ҳазрати Инсон булайлик,
Омонат дунёда омон булайлик!..



* * *

Гоҳо дейдилар: «Офтоб»,
Гоҳо дейдилар: «Моҳтоб».
Куну Ойда йуқ ноёб,
Жамоли бор аёлнинг.

Ҳаловат бор розида,
Латофат бор созида.
Нозиклиги нозида,
Камоли бор аёлнинг.

Меҳрини айлаб нисор,
Меҳрдан боз умидвор.
Гар қолса беъътибор,
Уволи бор аёлнинг.

Эҳтиёт бул, кузинг оч,
Лоқайдлик тахтидан қоч.
«Эркакмисан?» деган уч –
Саволи бор аёлнинг.

«Эрни эр» қилай деган,
«Шерни шер» қилай деган,
Гулдай умрини еган,
Хаёли бор аёлнинг.

Дармон тутар чексанг дард,
Табибга ҳам ҳабиб шарт.
Мардлардан ҳам баъзан мард,
Аёли бор аёлнинг!..



ЎЗ ҒОЛИБИНИ КУТГАН АЁЛ

Баҳор пайти ғунча эди гул,
Дунё ҳали соф эди буткул.
«Бахт қушини тутсам дегандим,
Шаҳзодамни кутсам дегандим...»

Боғлар аста ҳосилга кирди,
Ҳаёт турфа сабоқлар берди.
«Дардларимни ичга ютдим-ку,
Султонимни узоқ кутдим-ку...»

Йул четида титрайди хазон,
Умидда ҳам қиш захри пинҳон.
«То қиёмат кутармиканман,
Ўз мардимга етармиканман...»



ЁЛҒИЗ ҚОЛГАН АЁЛ

*Бу аёлнинг ёстиқлари тош,
Бу аёлнинг тунлари увол.
Бу аёлнинг иймони бардош,
Бу аёлнинг борлиги савол!*

Турмуш жумбоқларин танҳоликда еч,
Ҳар босган қадамнинг гап-сузга нишон.
Ҳеч кимга ишонма, ишонмагин ҳеч,
Ёлғиз қолган аёл, ўзингга ишон.

Дунёнинг шафқатсиз ёмонлари куп,
Қалбинг ўртагучи гумонлари куп.
Қадринг ҳурлагучи томонлари куп,
Ёлғиз қолган аёл, ўзингга ишон.

Кўнглинг каби ёстиғингнинг ярми буш,
Қолган ярми тошдир, дардларингдир қуш.
Ёнингда мардинг йуқ – туғиб турган гуш,
Ёлғиз қолган аёл, ўзингга ишон.

Шайтонлар юрмаган осмонларинг бор,
Гуллари асралган бустонларинг бор.
Ҳали айтилмаган дostonларинг бор,
Ёлғиз қолган аёл, ўзингга ишон.

Неларни солмайди тақдир бошингга,
Тоғлар ҳайрон қолар зўр бардошингга.
Дилни ювмоқ керак туккан ёшингга,
Ёлғиз қолган аёл, ўзингга ишон...



АЁЛ МАКРИ

Утсам, майли, утай ғурбат шаҳридан,
Тотсам, майли, тотай йўқлик захридан.
Бисотимда борим – номусим хаққи,
Илоҳим, асрагин аёл макридан.

Аёл бор, макридан фалак хайрондир,
Фалак булганига минг пушаймондир.
Шайтонга дарс берар, гарчи инсондир,
Илоҳим, асрагин аёл макридан.

Панд берса – умрбод юзинг қародир,
Ҳар не қилсанг ҳамки кўнглинг яродир.
Кўнинг ғам-у, йулинг дузах ародир,
Илоҳим, асрагин аёл макридан.

Аёлнинг энг аввал ҳаёси булсин,
Ўзига, қадрига вафоси булсин.
Сўнг, майли, номардга жафоси булсин,
Илоҳим, асрагин аёл макридан.

Сўз дедим, қўллагин мени, Худойим,
Йигитга ёр булсин номуси доим.
Тириклай ўлдирма – шу муддаойим,
Илоҳим, асрагин аёл макридан...



Нима истар аёл баҳорда,
келтирса у гуллар наҳорда.
тутса танҳо унинг қўлига,
зор этмаса кейин йўлига.

Ёзда нима истайди аёл,
меҳр фақат булмаса хаёл.
омон бўлиб ёлғиз қояси,
боши узра булса сояси.

Аёл кузда нима истайди,
хазон куриб, вақтни қистайди.
бирга заррин боғларни кезса,
ҳаёт кадрин у билан сезса.

Аёл нима истайди қишда,
узилмаса дил тортган ришта.
елкасига унинг бош қўйиб,
тафти билан исинса тўйиб.

Аёл нима истайди доим,
қисмаса, бас, бахтдан Худойим.
қору ёмғир қўрқинчлимасдир,
гар севса-ю, севилса басдир...



* * *

Суроқ қилди Одам Атони:
– Севасанми Момо Ҳавони?
Куггирмабди узини жавоб,
«Ҳа» деб дарҳол бўлибди хитоб.

Суроқ қилди Момо Ҳавони:
– Севасанми Одам Атони?
Жавоб бермоқ бўлибди оғир,
«Йуқ» дебдилар онамиз охир.

Туширилиб Ерга икковлон,
Айрилиқда бўлишди сарсон.
Куришдилар фурсат утиб сал,
(Тақдирлари бўлган эди ҳал).

– Кундузлари қидирдим Сизни... –
Бошлабдилар отамиз сузни.
Момо Ҳаво, соғинч айлаб фош,
Сўзлабдилар кўзга олиб ёш:

– Изладим мен ҳар лаҳза, ҳар дам,
Кундузлари, кечалари ҳам... –
Шундан маълум булди дафъатан,
Аёл меҳри баландроқ экан!



* * *

Ҳар эркак ҳам булолмас,
Сазовори аёлнинг.
Ҳамма эр ҳам булолмас –
Вафодори аёлнинг.

Оро берур дostonга,
Ибрат эрур бустонга.
Офтобу Ой осмонга –
Гул рухсори аёлнинг.

Аёл борки, кўнгил бор,
Она, опа, сингил бор.
Нима оғир, енгил бор –
Бари кори аёлнинг.

Дунёнинг хуш лаззати,
Жаҳоннинг ҳам жаннати.
Раҳмати ё лаънати –
Бу дийдори аёлнинг.

Ҳолинг надир, бул огоҳ,
Тополмайсан ҳеч паноҳ.
Учраб қолса баногоҳ –
Гар маккори аёлнинг.

Борингни булдирмагай,
Иуғингни тўлдирмагай.

Шунчаки улдирмагай –
Чаён, мори аёлнинг.

Қулида жон риштаси,
Ҳаётинг сариштаси.
Дилгинанг фариштаси –
Чин дилдори аёлнинг.

Қалбинг ёритса кундай,
Дардинг аритса тундай.
Бўласан-да сўнг шундай –
Интизори аёлнинг.

Етолмайсан пул билан,
Зуру зар-у, гул билан.
Бўлгин аввал дил билан –
Харидори аёлнинг.

Гар кўнгилдан бўлса гард,
Ё кўнгилда бўлса дард.
Бу оламда ҳамма мард –
Гирифтори аёлнинг!



* * *

Юзлар ой-у, қошлар ҳилолий бўлсин,
Кузлар – юлдуз, нигоҳ зилолий бўлсин.
Майли, сүзим эриш, хаёлий бўлсин –
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Майли, нозлар бўлсин, карашма бўлсин,
Карашмалар дидга ярашма бўлсин.
Борган жойи жаннат, зар чашма бўлсин –
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Майли, туши чаппа таъбирли бўлсин,
Макри яхшиликка, тадбирли бўлсин.
Бахтини яратсин, тақдирли бўлсин –
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Майли, рашклар қилсин, қизғонсин, куйсин,
«Ёр бермоқ – жон бермоқ» – маъносин туйсин.
Лек аввал уз иффат, қадрини суйсин –
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Эрини эр қилсин, ерлар қилмасин,
Камин на қашқир, на шерлар билмасин.
Тилин бекор «беру бер»лар тилмасин –
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Эри сийлаганни сийлайди эли,
Ғийбатмас, ғазаллар суйлайди тили.

Угли ҳам мард усар, синмайди феъли –
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Меҳр нури ёғсин юзу кuzидан,
Дил ишқ томон оғсин ширин сўзидан.
Фаришталар ибрат олсин ўзидан –
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Биз Шарқданмиз, бизни деманг соддалар,
Урганганмиз ичиб ишқий бодалар.
Дил жомин синдирар эркакшодалар –
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Юзлар ой-у, қошлар ҳилолий бўлсин,
Кўзлар – юлдуз, нигоҳ зилолий бўлсин.
Майли, сўзим эриш, хаёлий бўлсин –
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин...



ЖИННИНГ ИХТИРОСИ

Гузал эди муҳаббат,
Муҳаббат ширин эди.
Назокат-у, латофат –
Унда яширин эди.

Хунук эди хиёнат,
Хиёнат аччиқ эди.
Унда макр-у, адоват –
Юз-кузи очиқ эди.

Муҳаббат олижаноб,
Жуда ҳаёли эди.
Хиёнат эса қаллоб,
Кибру ҳаволи эди.

Ишонч эди муҳаббат,
Қувонч эди муҳаббат.
Ёлғон эди муҳаббат,
Ёмон эди хиёнат.

Бири деди: Бу олам,
Яхшилик, нурга тўлсин.
Севсин, севилсин одам,
Кунгилда поклик бўлсин.

Бошқаси деди: Ҳайҳот,
Булар бари бекордир.

Минганники булар от,
Сурбетга омад ёрдир...

Улар солган ғулудан
Атроф йуқотди тинчин.
Ун минг йиллик уйқудан
Уйғонди кекса бир жин.

Жиннинг жини тутди-ю,
Булмай яхши-ёмонга –
Уни-буни тутди-ю,
Босди эски қозонга.

Қушди чину ёлғонни,
Меҳр, нафратдан солди.
Баланд қилиб оловни,
Бир пас уйланиб қолди.

Эзуликми, ёвузлик –
Нима пайдо буларкин.
Буюкликми, ожизлик,
Қандай бало буларкин?!

Қари жин мудраб оғир,
Уйқуга кетди хиёл.
Қозон ёрилиб охир,
Дунёга келди... Аёл!..



ЭНГ ГҮЗАЛ АЁЛ

Ҳар жойда бор тарози, меъёр,
Ҳар кимнинг ҳам ўз қаричи бор.
Аёлларга нисбатан мавжуд –
Шу жумладан турли эътибор.

Гузалик ҳам нисбий тушунча,
Ҳар ким айлар ўзича талқин.
Лек таърифлаб беролмас унча –
Ҳеч ким аниқ аёл хилқатин.

Гузалинг айт, дунё, деганда,
Балки кўпдир андаза, мисол.
Лек андиша, ҳаё деганда –
Кўз ўнгимда фақат бир тимсол.

Узрлиман шунда, эҳтимол,
Ҳар кимнинг ўз таъби, хаёли.
Дунёдаги энг гузал аёл –
Мен учун бу – Шарқнинг Аёли!



АЁЛ КҮНГЛИ

Майли, бошлаб кириг тақдир чулига,
Майли, дучор этинг турмуш дулига,
Майли, тоқат қилманг каму мулига,
Майли, қанот булманг унгу сулига,
Майли, гоҳ чуқтиринг куз ёш кулига,
Майли, юлдуз сепманг юрган йулига,
Майли, гул тутқизманг ҳар кун қулига,
Лек бефарқ қараманг аёл кунглига!..



«СЕВАМАН» ДЕНГ

«Севаман» денг аёлга,
Маст айтинг, хушёр айтинг.
«Севаман» денг аёлга,
Пинхон ё ошкор айтинг.

«Севаман» денг аёлга,
Бесабаб, бекор айтинг.
«Севаман» денг аёлга,
Босабаб, бакор айтинг.

«Севаман» денг аёлга,
Тунда ё наҳор айтинг.
«Севаман» денг аёлга,
Кунда бешумор айтинг.

«Севаман» денг аёлга,
Мисоли алёр айтинг.
«Севаман» денг аёлга,
Соғиниб, хумор айтинг.

«Севаман» денг аёлга,
Куп айтинг, бисёр айтинг.
«Севаман» денг аёлга,
Чарчаманг, такрор айтинг...



МЕҲРИБОН ОНАНГ БЎЛСА

Юрагингда ғам бўлмас,
меҳрибон онанг бўлса,
Ғам чеккани дам бўлмас –
меҳрибон онанг бўлса.

Бахтли кечар онларинг,
дард билмагай жонларинг,
Кулфатларинг ҳам бўлмас –
меҳрибон онанг бўлса.

Изингда қолиб кўзи,
асрагай дуо сўзи,
Кипригингда нам бўлмас –
меҳрибон онанг бўлса.

Наво солиб сеҳридан,
даво олиб меҳридан,
Рухинг учган шам бўлмас –
меҳрибон онанг бўлса.

Баланд билиб иззатин,
мудом қилгин хизматин,
Азиз бошинг ҳам бўлмас –
меҳрибон онанг бўлса.

Бобур, онангни ёд эт,
руҳи покини шод эт,
Парча кўнглинг кам бўлмас –
меҳрибон онанг бўлса...

1996 й.



ОТАНИ АСРАШ КЕРАК

Аллоҳ берган давлатинг –
отани асраш керак.

Қиблагоҳ ғаниматинг –
отани асраш керак.

Келтирган ким ҳаётга,
сунг кутарган қанотга,
Етай десанг муродга –
отани асраш керак.

Умр тоғинг устуни,
ҳаёт боғинг гулбуни,
Ҳам иймонинг бутуни –
отани асраш керак.

Ушалгай ҳар армонинг,
қуримагай дармонинг,
Булсин кунгил фармонинг:
«Отани асраш керак!»

«Бузруквор» де фаҳр-ла,
хизматин қил сабр-ла,
Тиригида қадрла –
отани асраш керак.

Олтин булар тупроғинг,
яқин булар йироғинг,
Ва учмагай чироғинг –
отани асраш керак.

Борига қилгин шукур,
рози этгин бир умр,
Дуосини ол, Бобур,
отани асраш керак...



* * *

Эй фарзанд, кўзингни оч,
Бахтинг ғафлат олмасин.
Бошингдаги тирик тож –
Отанг етим қолмасин,
Онанг етим қолмасин.

Кибр шаробин ютма,
Нодонлар йулин тутма,
Фарзандлигинг унутма –
Отанг етим қолмасин,
Онанг етим қолмасин.

Қадрин билгин муътабар,
Нетардинг, булмаса гар.
Булма ғофил, беҳабар –
Отанг етим қолмасин,
Онанг етим қолмасин.

Танисанг гар Худони –
Чин қози-ю, танҳони.
Билсанг қайтар дунёни –
Отанг етим қолмасин,
Онанг етим қолмасин.

Бобур сузи эмас бол,
Афсусда сунг колма лол.
Қарғиш эмас, дуо ол –
Отанг етим қолмасин,
Онанг етим қолмасин...



БУХОРО

Тупроғига қуёш тилло келтирар,
Пештоқида қадим имло милтирар.
Ҳар гиштида битта мулло ултирар –
Илму урфон, машғал макон – Бухоро.

Жамолидан ҳурлар кўзи камашган,
Шухратини Руму Макка талашган.
Ешин санаб рақамлар ҳам адашган –
Асрлардан келган карвон – Бухоро.

Қуббасида кўкни тилган Ойлари,
Хайёмни ҳам Хайём қилган лойлари.
Камбағални ини билган бойлари –
Хокисору, кўнгли осмон Бухоро.

Тарих сўйлар ҳар бир синчи, вассаси,
Минораси – гуруримнинг ҳассаси.
Тугамайди айтган билан қиссаси –
Ҳар бир ҳарфи минг бир дoston – Бухоро.

Авлиё бор ҳар маҳалла – кўйида,
Етти юлдуз – зарчопонли бўйида.
Оймуллолар «салом» ўқир тўйида –
Чимилдиғи нурли ошён Бухоро.

Хизр бува, ибн Ҳаттоб, Ҳотамлар,
Ва Афанди кўчаларда қадамлар.
Ихлос қилар иймони пок одамлар –
Заковати тоза уммон Бухоро.

Кўхна тутлар энди кимни йўргаклар,
Лайлак кетиб, қолибдими ўрдаклар.
Лабиховуз – сеҳрланган эртаклар –
Кўзгу тутиб қолган хайрон Бухоро.

У замондан англамаган севинчлар,
Замон ундан тингламаган утинчлар.
Деворида зангламаган қиличлар –
Томиримда покиза қон Бухоро.

Гумбазлардан садо улуғ оятлар,
Боболарим қилган қутлуғ ниятлар.
Толеимни этса ёруғ шоядлар –
Давронимдан топиб имкон Бухоро.

Қўлим бериб «элим» деган мардига,
Малҳам бўлсам юртнинг ҳар бир дардига.
Айлансайдим тупроғининг гардига –
Қолмас эди менда армон Бухоро.

Рухим тирик «ҳақдан юрган йўлим» деб,
Жоним фидо «қандай ширин ўлим» деб.
Бобурни гар суйса «шоир ўғлим» деб,
Жонимда жон, нурижаҳон Бухоро!..



ТАРК ҚИЛМАГИН

Дарахтдан айро хазонни барг билмагин,
Ватанни деб улим топсанг марг билмагин.

Ким бўлсанг ҳам эл билан бўл, тупроғинг сев,
Ҳақ ишидан халқ юмушин фарқ қилмагин.

Юрт хизмати билан бўлгин дилни поклаб,
Узни кибр ботқоғига фарқ қилмагин.

Кун бўлмасанг, Ой бўлмасанг, қуй, уринма,
Қалб осмонин бекор мисли барқ тилмагин.

«Зиё Шарқдан» дерлар, ростдир, замин гувоҳ,
Бухоросиз Шарқни, вале, Шарқ билмагин.

Иймоним бут бўлсин десанг, шукр қилгин,
Бухорони зинҳор, Бобур, тарк қилмагин.

1997 й.



* * *

Кўнглим қуши Бухорога учай дейди,
Минорларин, гумбазларин кучай дейди.
Айланибман тупроғининг гадосига,
Қалбим тулиқ хотиралар садосига.

Гурбатларда ўзимга ҳеч келолмайман,
Дарди ҳолим кимга айтай, билолмайман.
Тор бўлса ҳам азиз эди кўчалари,
Томларида Ой ётарди кечалари.

Ёмғир бўлиб ёғиб ўтсам осмонидан,
Менга парча жой бормикан бўстонида.
Соғинибман жаннатмакон лайлақларни,
Наврўзларда кийганим оқ кўйлақларни.

Бухоронинг дарди мени одам қилди,
Бухоронинг гарди мени Ҳотам қилди.
Бошим қўйсам – тилга кирур остонаси,
Қулоғимда буюк тарих афсонаси.

Ўзим бунда, кўзим унда, энди нетай,
Бу дунёдан наҳот шундай энди ўтай?!.
Кипригимда юриб бориб топсам эди,
Бешигимнинг изларини ўпсам эди...

Кўнглим қуши Бухорога учай дейди,
Мени билган инсонларни кучай дейди...



БУХОРО СОҒИНЧИ

Ўзга юртлар гул отса ҳам пойимга,
Сийласа ҳам оққанд солиб чойимга.
Таъзим айлаб она тупроқ жойимга –
Бухорога қайтаман, Бухорога.

Ортгани йук четда пулим ё молим,
Яхши шоир булмоқ эди хаёлим.
«Сочингизга оқ тушди» дер аёлим –
Бухорога қайтаман, Бухорога.

Тутганда гоҳ кимсасизлик ваҳмаси,
Мени қуллар азиз руҳлар даҳмаси.
«Зиёратда битсин» деб дил раҳнаси –
Бухорога қайтаман, Бухорога.

Эслаганда кузим олди нур булар,
Таърифида суз камида дур булар.
Унда юрган иймони пок, хур булар –
Бухорога қайтаман, Бухорога.

Кўнглимга ут, тоза илҳом солай деб,
Азизлардан эзгу дуо олай деб.
Насиб этса бир кун мангу қолай деб –
Бухорога қайтаман, Бухорога...



* * *

Ассалом муҳаббат, хайр муҳаббат,
Мисли йўқ сабрсан, асли йўқ тоқат.
Ҳамоғуш жабрсан, фаромуш роҳат.
Ассалом муҳаббат, хайр муҳаббат.

Гоҳ зебо ғунчанинг сенсан дилхоҳи,
Гоҳ шайдо булбулнинг узингсан оҳи.
Гоҳ танҳо юракнинг ёлғиз гуноҳи,
Ассалом муҳаббат, хайр муҳаббат.

Сен борсан – кунгиллар Қуёшли, Ойли,
Сен борсан – дунёлар рангли, чиройли.
Айрилиқ даштининг ғамлари сойли,
Ассалом муҳаббат, хайр муҳаббат.

Сен – Момо Ҳавонинг англаган дарди,
Мен – Одам Атонинг қолдирган марди.
Биз – буюк Меҳрнинг нурафшон гарди...
Ассалом муҳаббат, хайр муҳаббат.

Ассалом муҳаббат, хайр муҳаббат,
Асли йўқ тоқатсан, мисли йўқ сабр.
Фаромуш роҳатсан, ҳамоғуш жабр,
Ассалом муҳаббат, хайр муҳаббат!..



МЕНГА МУҲАББАТ БЕР

Боққа умр, сахрога булут,
Зурга ҳиммат, заифга қувват,
Бойга виждон, қашшоққа умид,
Ғам булса ҳам менга муҳаббат
бергин, Худойим.

Донога дуст, нодонга инсоф,
Очга ғайрат, тўққа қаноат,
Дардга шифо, муҳтожга паноҳ,
Менга эса тағин муҳаббат
бергин, Худойим.

Бадга неклик, яхшиларга бахт,
Бахтга қуним, кулфатга шафқат,
Юрганга йул, утирганга тахт,
Менга... менга... фақат муҳаббат
бергин, Худойим.



ЁШЛИҚДАГИ МУҲАББАТ

Умр ўтмиш солиб ажинлар,
Кун кечирмоқ – кундалик одат.
Ҳануз-ҳануз дилни ғижимлар,
Ёшлиқдаги тоза муҳаббат.

Хаёл каби, гузал туш каби,
Эсланади ҳар бир назокат.
Қўлдан учган уқпар қуш каби,
Ёшлиқдаги тоза муҳаббат.

Кўнгил мудом киприқдаги ёш,
Лек қуримас, узилмас фақат.
Юракларни илитар қуёш –
Ёшлиқдаги тоза муҳаббат.

Икки қалбнинг бирдир садоси,
Сурагани Оллоҳдан тоқат.
Икки қалбнинг мовий дунёси –
Ёшлиқдаги тоза муҳаббат.

Уртанма ҳам, куйма ҳам, жоним,
Борми бизда имкон ва фурсат.
Сен узингсан мангу армоним –
Ёшлиқдаги тоза муҳаббат!..



* * *

Чидамади азобга қалбим,
Ғуруримни охир енгдим мен.
Шоир сатрин такрорлар лабим –
«Бу жойларга нега келдим мен»*.

Бунда чекдим унсиз бир фарёд,
Оқсоч тунга дардимни айтиб.
Ва узимча қилдим қасамёд –
Бу жойларга келмасман қайтиб!..

* А. Орипов сатри.



* * *

Рухимга нопоклик қайдан илашди,
Қайдан ҳам кўнглимга тушди рутубат.
Сохталик жонимга заҳар улашди,
Мен сени соғиндим, асил муҳаббат.

Жайронкуз дардларим қолдилар сағир,
Дийдам ҳам тош қотиб, эзилди бағир.
Мен буни ўзимдан кўтмовдим, ахир,
Мен сени соғиндим, асил муҳаббат.

Танҳо сенинг тоза савдолар қани,
Дил оҳуси – озод маъволар қани.
Мени мажнун этар Лайлолар қани?!
Мен сени соғиндим, асил муҳаббат.

Майли, сарсон қилгин, майли, зор қилгин,
Дунёни қузимга, майли, тор қилгин.
Фақат беғам қўйма, мени бор қилгин,
Мен сени соғиндим, асил муҳаббат.

Покиза ҳисларга қайтгим келади,
Кўнглимни гулимга айтгим келади.
Қачон бир севилмоқ пайтим келади?!
Мен сени соғиндим, асил муҳаббат...



* * *

Дилим зада, ёқаси вайрон –
Муҳаббатсиз, муҳаббатингсиз.
Утар булдим ҳолимга ҳайрон –
Муҳаббатсиз, муҳаббатингсиз.

Балки оддий бахтли инсонман,
Узимга бек, узимга хонман.
Лекин мисли учган вулқонман –
Муҳаббатсиз, муҳаббатингсиз.

Кипригимда юрагим ётди,
Партушаклар жонимга ботди.
Мени ҳар тонг армон уйғотди –
Муҳаббатсиз, муҳаббатингсиз.

Меҳр – тортиш кучи оламнинг,
Кўнгли булсин экан одамнинг.
Ғамлиги йўқ ҳар қандай ғамнинг –
Муҳаббатсиз, муҳаббатингсиз.

Магар топсам ишқдан нишона,
Булар эдим далли, девона.
Умрим куйиб угмасди ёна –
Муҳаббатсиз, муҳаббатингсиз.



* * *

Кетаяпсиз. Оқ йул, маъбудам,
Бу дам ҳар ким узича ҳақдир.
Дийдор – қимор булган дунёда,
Видолашиб қолмоқ ҳам тақдир.

Йиғлаш шартмас. Куйинсак ҳам бас,
Ёлғиз орзум – булинг бағрикенг.
Ғам қулида ёпишганим хас –
«Хайр» эмас, «кӯришгунча» денг...



«Сиз ўшами?!»

«Ўткан кунлар»дан

Сиз ўшами – тушимда кўрган,
Хаёлимни олган малагим.
Сиз ўшами – Ой айтиб берган,
Юрагимда қолган эртагим.

Сиз ўшами – лаблари ғунча,
Дудоғига болни чектирган.
Сиз ўшами – кўзлари инжа,
Нигоҳида мени чўктирган.

Сиз ўшами – саси қўнғироқ,
Товланиши руҳим уйғотган.
Сиз ўшами – кўнглимга ўртоқ,
Жонларимдан дардни йўқотган.

Сиз ўшами – қўлим етмаган,
Армонимга айланган гузал.
Сиз ўшами – дилдан кетмаган,
Умрим бўйи куйланган ғазал.

Сиз ўшами...



НАЙЛАДИ ИШҚИНГ МАНИ

Кел-у, кўр, ишқ мани найлади...
(Юнус Эмро)

Ойпараст мафтундирман,
Найлади ишқинг мани?!
Мажнундан мажнундирман,
Найлади ишқинг мани?!

Кўзимда хобим йўқдир,
Жисмимда тобим йўқдир.
Тайин жавобим йўқдир –
Найлади ишқинг мани?!

Менга майхона керак,
Майи паймона керак.
Ҳушёр девона керак,
Найлади ишқинг мани?!

Дил бенаво, бенаво,
Ул бедаво, бедаво.
Кўр, бевафо, бевафо –
Найлади ишқинг мани...



* * *

Узим учун эгилмаган бош,
Сизнинг учун паст кетди, майли.
Қадрим учун тукилмаган ёш,
Томчилади сизнинг туфайли.

Булолмаймиз бирга ҳамиша,
Ҳижрон дилни қўймайди омон.
Умидга тиғ урар андиша,
Ноумидлик – улимдан ёмон.

Етолмаслик дардидан баттар,
Кетолмаслик азоби оғир.
Бахтни бера олмасам агар,
Қилолмасман бахтсиз ҳам, ахир.

Нафратларнинг калта қуллари,
Муҳаббатнинг хаёли узун.
Хотирамнинг гузал гуллари –
Сиздек Кунглим Аёли учун!..



КЎРГИМ КЕЛАР

Умр оқмас бир текисда тек,
Кимларнидир ҳасрат енгадир.
Мен топарман иродани, лек,
Кургим келар сизни негадир.

Ҳаёт кўҳна доно муаллим,
Садоқатли дўст бўлар ўлим.
Гарчи сиздан айродир йўлим,
Кургим келар сизни негадир.

Тун кутамадан ойдин, юлдузлик,
Кун кутамадан нурафшон излик.
Дилни ёмон эзди ёлғизлик,
Кургим келар сизни негадир.

Гоҳ севгидан тошган дарёсиз,
Гоҳ меҳрга ташна саҳросиз.
Мен биламан – сиз ҳам танҳосиз...
Кургим келар сизни негадир.

Муҳаббатда мазмун эрур эрк,
Бир армонга ҳар ким эгадир.
Сизсиз менга барча пуллар берк,
Кургим келар сизни негадир...

1995 й.



КЕЧИККАН КҮНГИЛ

Ёлғиз афсус чекиб, танҳо йиғлайсан,
Киприкда маржонсан, кечиккан кўнгил.
Ўзингга ҳам, ахир, ўзинг сиғмайсан,
Ўртанган бир жонсан, кечиккан кўнгил.

Буни ҳаёт дейди, унда армон кўп,
Тамизни билмаган аҳли нодон кўп.
Суйиб туриб, қуйиб юрган инсон кўп,
Кўксимда фиғонсан, кечиккан кўнгил.

Хул-қуруқ ёнади ут олса туқай,
Ҳар ким ҳам ўзича кун қуриб ўтгай.
Лекин сен барибир дунёга ўгай,
Адашган меҳмонсан, кечиккан кўнгил.

Умидни сўлдирар тақдирнинг қори,
Ҳижронда титрайди юраклар зори.
Не илож, суйганинг – бировнинг ёри...
Гул кўрмай хазонсан, кечиккан кўнгил.

Дардсиз санъат бўлмас, уйла, фикр қил,
Дилга ишқни солган Ҳақни зикр қил.
Ғамдан бахт топибсан, Бобур, шукр қил,
Муҳаббат томонсан, кечиккан кўнгил.

1995 и.



ЧИННИГУЛЛАР

Сенга томон йўллар ўтдим,
Кунлар, тунлар, йиллар ўтдим,
Тақдиримда эшик очдинг,
Қўлларингга гуллар тутдим.

Чиннигуллар, чиннигуллар,
Мағрур гуллар, «жинни» гуллар.
Менинг каби тенгин билмай,
Севиб қолган кимни улар.

Гулларимни отдинг йўлга,
Юрагимни сотдинг пулга.
Мен-ку, майли, мен-ку, майли,
Раҳминг келсин эди гулга.

Чиннигулда йўқдир тикан,
Чиннигулнинг атри йўқдир.
Суймаганга умид билан,
Суйкалганнинг қадри йўқдир.

Чиннигуллар, чиннигуллар,
Мағрур гуллар, «жинни» гуллар.
Тенгин топмай Бобур каби,
Севган эди кимни улар...

1995 и.



МУҲАББАТ

Ҳар кимни ҳам ўтга ёқиб,
шайдо қилган муҳаббат,
Куйдириблар, кулдан қайта
пайдо қилган муҳаббат.

Маъно булким, Лайлони ҳам
Лайло қилган муҳаббат,
Мажнунни ҳам саргаштайи
сахро қилган муҳаббат.

Синов айлаб садоқатинг,
жафо қилган муҳаббат,
Чин ошиққа у дунёда
вафо қилган муҳаббат.

Гулгунчага тиканни ҳам
ато қилган муҳаббат,
Бу туғрими, ҳамда ёки
хато қилган муҳаббат?

Кимни деса дарду ғамни
раво қилган муҳаббат,
Дардманд айлаб, ўзи тагин
даво қилган муҳаббат.

Кунгил ичра наво солган,
адо қилган муҳаббат,
Чун гадони султон, шоҳни
гадо қилган муҳаббат.

Дилдан тинни, бошдан хушни
жудо қилган муҳаббат,
Аё дўстлар, Бобурни ҳам
фидо қилган муҳаббат!..



* * *

Сокин хиёбонда қалбимни кўндим,
Азасиз, йиғисиз, қазимай қабр.
Жаноза ўрнида хаёлга чўндим,
Ўтган муҳаббатни эслаб бирма-бир.

Ҳисларимни ювиб ташлади туман,
Шеърят йўқотди катта дўстини.
Дарддан тобут қилдим, булутдан кафан,
Хазон билан ёпдим аста устини.

Яланғоч дарахтлар бунда бор чирой,
Уларни суғордим кўзим ёшига.
Шамчирокқа ўхшаб милтиллайди Ой,
Кимса йўқки, келса йўқлаб қошига.

Сокин хиёбонда қалбимни кўндим,
Азасиз, йиғисиз, қазимай қабр.
Жаноза ўрнида хаёлга чўндим —
Бечора улиб ҳам топмади қадр...



КЕЧИККАН АЛЁР

*Кошларингни териб-териб,
Қайирдилар, ёр-ёр.
Кузни нурдан, мени сендан,
Айирдилар, ёр-ёр.*

Юрагимга армон ботар,
Туй булибсан, ёр-ёр.
Бир умримга етиб ортар,
Ўй булибсан, ёр-ёр.

Хаёлимда ул кучангдан,
Ўтиб қайтдим, ёр-ёр.
Бахтлар тилаб, туй кечангда –
Ўлан айтдим, ёр-ёр.

Майли, эркам, икки дунё
Хор булмагин, ёр-ёр.
Мендай севмас булса, асло
Ёр булмагин, ёр-ёр.

Остонангдан ҳар кун ўтиб,
Куз кўрасан, ёр-ёр.
Ваъдаларни ёдда тутиб,
Қиз курасан, ёр-ёр.

Остонанга гумор булар,
Кузим менинг, ёр-ёр.
Ўғлимга бир кун ёр булар,
Қизинг сенинг, ёр-ёр...



БИЗНИНГ МУҲАББАТ

Гуноҳини билмаган қушдай,
Осмон булди бизнинг муҳаббат.
Оғизларда булмағур ишдай,
Достон булди бизнинг муҳаббат.

Дилдаги завқ, бошдаги ҳушдай,
Пинҳон булди бизнинг муҳаббат.
Ошиқликда қурилган тушдай,
Жонон булди бизнинг муҳаббат.

Лабдаги бол, кўздаги ёшдай,
Ҳайрон булди бизнинг муҳаббат.
Сиздаги қалб, меңдаги бошдай,
Сарсон булди бизнинг муҳаббат.

Тўйингизда терилган қошдай,
Камон булди бизнинг муҳаббат.
Тақдир узра отилган тошдай –
Армон булди бизнинг муҳаббат!..



ТУШИМДАГИ ҚИЗ

Бир гузал тушимда келдинг ёнимга,
Булдинг дўст кўнглимга, малҳам жонимга.
Исмингдан анқирди гулга яқин ис,
Исминг нима эди, тушимдаги қиз?!

Кўп сулув, сал эрка, шўх жонон эдинг,
Мен ғарибга ғоят меҳрибон эдинг.
Юракни қитиқлаб уйғотди бир ҳис,
Исминг нима эди, тушимдаги қиз?

Кулсанг, кулгичингда офтоб чумилар,
Сочларинг сойида елканг кумилар.
Малоҳат мулкида малика тенгсиз –
Исминг нима эди, тушимдаги қиз?

«Сиз менга атаб шеър ёзгансиз...» – дея,
Нозланган қиёфанг эсимдаку-я...
Фақат энди васлинг қўл етмас олис,
Исминг нима эди, тушимдаги қиз?

Бир ширин тушимда келгин ёнимга,
Булгин ёр кўнглимга, дармон жонимга.
Мени маст айласин дилга яқин ис,
Исмингни айт менга, тушимдаги қиз!..



* * *

Баҳоримсан кузда етган,
Йўқотганим тополмасдан.
Бинафшамсан тўзғиб кетган –
Пешонангдан уполмасдан.

Сен кечиккан шодлигимсан,
Сен адашган бахтим менинг.
Асли менинг тотлигимсан,
Осмондаги аҳдим менинг.

Атрофингда юз йил юрдим,
Ёнгинангдан кетолмасдан.
Юз йил ёниб хаёл сурдим,
Яна сенга етолмасдан.

Кузим менинг бўлди сахро,
Дарё бўлди сенинг кўзинг.
Юз йил, ахир, эдим танҳо,
Қайда эдинг юз йил ўзинг?!



БУЛБУЛ ХАТИ ШИКОЯТДИР

Хуснинг кўриб жоним ичра нур айланур,
Атрофида узингми ё хур айланур.
Кипригимда қатра-қатра дур айланур,
Жоним чиқмай васлинг курмак иноятдир.

Курмайсанми куздан оққан жоласини,
Қийнаюрсан мунча биров боласини.
Тингламайсан шайдо кўнгил ноласини –
Гул баргида булбул хати шикоятдир.

Керак эмас – шафқат этма аҳволимга,
Минг руёни алишмайман хаёлимга.
Жабринг чекиб, шукр айлай иқболимга –
Менга сенинг асли боринг кифоятдир.

Ёниб-ёниб интилсам ҳам етолмасман,
Куярман-у, шарҳи дардим этолмасман.
Бошим олиб, сендан йироқ кетолмасман,
Дил аҳлига ишқнинг йули ҳидоятдир.

Хушим ичра васлингдаги гўзал дамлар,
Ҳижронингда қуримади кузда намлар.
Бобурни ҳам шоир этди ўшал ғамлар –
Дилда ҳали минг бир кеча ривоятдир...



* * *

Муҳаббат турига диллар илинди,
Биз гавҳар эканмиз, энди билинди.
Диллар бутун булди, тиллар тилинди –
«Севаман» демадим, «севдим» демадинг.

Оқаётган кунглим қироғисан сен,
Гоҳ яқин, гоҳида йироғисан сен.
Нур истаб талпинган чироғисан сен –
«Севаман» демадим, «севдим» демадинг.

Сочларинг сиртмоғин силаб ечдим мен,
Савобу гуноҳдан бир дам кечдим мен.
Аслида сен учун балки ҳеч ким мен –
«Севаман» демадим, «севдим» демадинг.

Бахтлидир дил очиб, кузни ёпганлар,
Тоза нигоҳ ила гулни упганлар.
Мол-дунё топганмас, кунгил тошганлар –
«Севаман» демадим, «севдим» демадинг.

Кимлардир севгисиз эгик паит, тик биз,
Бирга кукка чиқиб, ерга қайтдик биз.
Ҳар неки тингладик, ҳар не айтдик биз –
«Севаман» демадим, «севдим» демадинг...



ЖИМ СЕВАМАН

Юрагимда арслон яшайди,
Қалбимда тоғ борга ухшайди,
Кунглим дарё бўлиб яшнайти –
Жим севаман, сокин севаман.

Ўзим билан ўзим қолганман,
Буюк Дардни дилга солганман,
Фойдаси йўқ уйга толганман –
Жим севаман, сокин севаман.

Ёниб туриб, куйиб туриб ҳам,
Йиғласам ҳам, кулиб туриб ҳам,
Севмаслигинг билиб туриб ҳам -
Жим севаман, сокин севаман.

Доноларга дарс эрур ишқим,
Хом эканман – оташда пишдим,
Тиригимда дузахга тушдим...
Жим севаман, сокин севаман.

Сени жондан, секин севаман,
Қуп севаман, тукин севаман,
Ёмон кўриб... лекин севаман!
Жим севаман, сокин севаман...

28.11.2006.



СИЗНИ СОҒИНМАЙ

Кузнинг ёмғирида учрашгандик, ёр,
Қишнинг кечасида ўйнагандик қор.
Сизни эслатмайди, дейсизми, баҳор,
Яшашим мумкинми сизни соғинмай?

Табассум ёйилса куннинг юзига,
Камалак ўхшаса унинг изига.
Қараб ёмғир тула дилнинг кўзига –
Яшашим мумкинми сизни соғинмай?

Булутлар тоғларни топиб кетсалар,
Қўл ушлашиб еллар чопиб кетсалар.
Дардлар қалб эшигин ёпиб кетсалар –
Яшашим мумкинми сизни соғинмай?

Сизсиз кўриб рўзу шабларимни мен,
Кўзимдай юмаман лабларимни мен.
Худога айтаман гапларимни мен!..
Яшашим мумкинми сизни соғинмай?

Қўйсам ҳам жонимни бекор уволга,
Умримни бераман, майли, заволга.
Фақат жавоб беринг битта саволга –
Яшашим мумкинми сизни соғинмай?!.

13.02.2007.



ҚАЙДАЛИГИНГ АЙТАЙМИ

Фаришталар тушиб осмондан,
Изласалар боғу бустондан,
Сурасалар ҳар бир инсондан –
Қайдалигинг айтайми Сенинг?!

Изласалар энг гузал қизни,
Таърифлари минг ғазал қизни,
Қалби дарё – кенг азал, қизни –
Қайдалигинг айтайми Сенинг?!

Сурасалар доно, дилбарни,
Ҳар бир сузи дуру гавҳарни,
Ва одобда шамсу қамарни –
Қайдалигинг айтайми Сенинг?!

Фариштага ухшайсан, ахир,
Меҳрдан нур тушайсан, ахир,
Юрагимда яшайсан, ахир –
Қайдалигинг айтайми Сенинг?!

Фаришталар тушиб осмондан,
Изласалар боғу бустондан,
Сурасалар ҳар бир инсондан –
Қайдалигинг айтайми Сенинг?!

17.02. 2008.



БИР САВОЛ

Куламан дейман-у, йиғлайман нега,
Қалбим дарзларига бормикан чега,
Дардли бир армонга наҳот мен эга,
Бир савол ёдимдан бўлмас фаромуш –
«Севаман» демаган нимага Кумуш?

Ҳижрон ойларини алмашиб йилга,
Ҳавасга берилмай, қулф уриб дилга,
«Чидолмайман» демай, эрк бермай тилга,
Ориятни асраш – бу қандай юмуш,
«Севаман» демаган нимага Кумуш?

Қолоқ бўлганми ё – четга юрмаган,
Сериал кўрмаган, «чат»га кирмаган,
Интернет, «сотка»да кўнгил бермаган,
Кийиб жинси шим-у, кузга қўйиб «тушь»,
«Севаман» демаган нимага Кумуш?

Шаддод неварога ёқармиш «бири»,
Буни ҳамма билар, йуқ эмиш сири.
Не дейишин билмас чолга кампири...
Дунёнинг ҳолига боқаман хомуш –
«Севаман» демаган нимага Кумуш?

«Ўткан кунлар» – орға тикланган бино,
Такрор китоб қараб, кўраман кино,
Қанча назокат-у, қанча истиғно,
Қанча одоб билан дилни айлаб хуш,
«Севаман» демаган нимага Кумуш?



* * *

Биллур илиб, зар пояндоз тушаш мумкин,
Дур лаганда тансиқ таом ошаш мумкин.
Одам қилган ишни одам уддалар-ку,
Муҳаббатсиз фақат қандай яшаш мумкин?!.

Куксингдаги кесак эмас, юрак бўлса,
Инсон деган кимгадир сал керак бўлса.
Бу дунёда яшашдан бир тилак бўлса –
Муҳаббатсиз, айтинг, қандай яшаш мумкин?!.

Тош бўлса ҳам меҳр кўрса кетгай ийиб,
Ошиқ кўнгил ўз ёрига етгай суйиб.
Севмас бўлса Бобур умри ўтгай куйиб,
Муҳаббатсиз, билмам, қандай яшаш мумкин?!.

Тақдир этса, йигит мингай юз саманни,
Ёш ўтди, деб совутгайми куз танамни.
Саксонда ҳам севиб қолгум қиз санамни!..
Муҳаббатсиз, ахир, қандай яшаш мумкин?!.



«ТИТАНИК»

Видо айтар менинг юрагим...

(«Титаник» к/ф даги қушиқдан)

Кема чўқар қўққисдан гўё –
Ханжар еди ногоҳ курагим.
Кўз ўнгимда дарз кетди дунё –
Видо айтар менинг юрагим.

Бойлик чўқар, хашамат чўқар,
Ҳасад чўқар, хушомад чўқар.
Не-не гўзал, хушқомат чўқар –
Видо айтар менинг юрагим.

Дил ачинмас оққан зарларга,
Ўлим шайдир мудом чорларга.
Тақдир ташлар кунда жарларга –
Видо айтар менинг юрагим.

Кўнгил қўймас, куяр барибир,
Дийдам юмшаб, хун бўлар бағир.
Севишганда не гуноҳ, ахир!..
Видо айтар менинг юрагим.

Дунё номли кўҳна иморат,
Туйғулардан асли иборат.
«Титаник»да чўқар муҳаббат –
Видо айтар менинг юрагим...



АЙРИЛМА

Дил билан бўл, дил берган
дилдорингдан айрилма,
Тикани мул бўлса ҳам
гулзорингдан айрилма.

Бойликда йўқ оқибат,
камолингга қил диққат,
Дунё истаб, ғанимат
баҳорингдан айрилма.

Қилма касга хиёнат,
қадам босма омонат,
Хуштор гарчи бадавлат,
ўз ёрингдан айрилма.

Айб излама чамандан,
умид қилма душмандан,
Жудо булма ватандан,
мозорингдан айрилма,

Бобур, кечма жонондан,
уксинмагин хижрондан,
Шоир бўлсанг – армондан,
озорингдан айрилма...

1994 й.



ЎХШАМАЙДИ

Дунё билиб юрганинг
 ўхшамайди дунёга,
Кузинг очиб кўрганинг –
 ўхшамайди рўёга.

Кажрафторнинг дастидан,
 зағчаларнинг дастидан,
Булбул карахт, безабон,
 ўхшамайди гуёга.

Кўнгил гули ҳам нолон,
 аниси йуқ меҳрибон,
Бағрига тулиб тикон,
 ўхшамайди раънога.

Ноёб вафо қиссаси,
 бисёр жафо ҳиссаси,
Куплар сузи лоф эрур,
 ўхшамайди маънога.

Мажнунлар ҳам ғалати,
 ўзни севмоқ – санъати,
Лайлолар ҳам, вожаб,
 ўхшамайди Лайлога.

Ишқнинг булмас давоси,
жондан кечмоқ равоси,
Дил хизмати мул, нозик,
ухшамайди савдога.

Бобур, мудом шеърдасан,
бошинг билан ердасан,
Дунё билиб юрганинг
ухшамайди дунёга.

1995 й.



АРЗИМАЙДИ

Гоҳ эркалаб, гоҳо қопар дунё бу,
Ким йўрғалаб, кимлар чопар дунё бу.
Дам йўқотиб, дамда топар дунё бу,
Арзимаиди яхши-ёмон бўлишга,
Улгурмайди Ой ҳам баъзан тулишга.

Эрталаб йўқ, кеча курган одаминг,
Тирикда бил, беҳуда сўнг мотаминг.
Омонатдир гадойинг-у, Ҳотаминг,
Арзимаиди буғдой-сомон бўлишга,
Улгурмайди юлдузлар гоҳ кулишга.

Ким инсондир, ундан яхши ном қолсин,
Диллар дилга муҳаббатдан дом солсин.
Қўллар қўлдан меҳр тула жом олсин,
Арзимаиди гулу тикон бўлишга,
Улгурмайди ғунча ҳатто сўлишга.

Қай дарёлар денгизларга етади,
Не жилғалар қумга сингиб кетади.
Дунё шундай қолиб, одам утади,
Арзимаиди афсус-армон қилишга,
Улгурмайди одам инсон бўлишга...



* * *

Барчага бир чикмаса Ой,
Саодатда саодат йуқ.
Қайишмаса ғарибга бой –
Адолатда адолат йуқ.

Ғар купайса оғзи ботир,
«Соч» деса бош олар шотир...
Кунгил шундан куп хавотир,
Жасоратда жасорат йуқ.

Куз курар не тушса бошга,
Лек айримлар хили бошқа.
Дили бошқа, тили бошқа,
Итоатда итоат йуқ.

Бирда савоб, бирда гуноҳ,
Оқибатда оқибат йуқ.
Топилгайми бирор паноҳ,
Каффоратда каффорат йуқ...



ТАҚДИР

Курдир десанг, кӯзи бордир,
Ширин десанг, тузи бордир.
Асли тақдир узи ҳақдир,
Ҳар кимга ўз сӯзи бордир.

Кимни комил олим этди,
Кимни уғри, золим этди.
Кимни меҳнат – терга берар,
Кимни «бер-у, бер»га берар.

Лайлони ҳам суйдирган у,
Мажнунни ҳам куйдирган у.
Кимни неча эрга берар,
Кимни эрта ерга берар.

Тоғлар ошиб, чўллар очиб –
Булмас ундан сира қочиб.
Кимнинг қулин ошга берар,
Кимнинг йулин тошга берар.

Пешонангда ёзилганин,
Кафтларингда чизилганин –
Уқиб булмас, чигал берар,
Насиб этса, тугал берар...



СОЧГА ОҚ ҚҮНИБ БОРАР

Дилни ғам йуниб борар,
Кўнгил ҳам кўниб борар.
Кун ўтар яхши-ёмон,
Сочга оқ кўниб борар.

Ким чанг-у, ким ун чиқди,
Ким эса бутун чиқди.
Айланмоқда тегирмон,
Сочга оқ кўниб борар.

Хоҳ қаймоқ, хоҳ қирмоч тот,
Йул сунгида ёғоч от.
Манзил аслида аён,
Сочга оқ кўниб борар.

Яшил дала-том балки,
Қизил тонгу шом балки.
Топилгайми лек имкон,
Сочга оқ кўниб борар.

Дилга ғам иниб борар,
Кўнгил ҳам тиниб борар.
Кимда бахт, кимда армон,
Сочга оқ кўниб борар...



ЕРМИШ

Дил кўзинг босиб гўбор,
Кенг оламни этма тор.
Баланд бўлса ҳам девор,
Уни бир кун нам ермиш.

Танҳо кўзлаб олисни,
Ранжитма кўп ожизни.
Худо қўллар ёлғизни –
Қаро тунни шам ермиш.

Қурт ер олма накшини,
Ҳаёт синар яхшини.
Нодон суриб айшини,
Доно еса ғам ермиш.

Зулмат ёвдир зиёга,
Ҳасад очдир риёга.
Ҳайрон боқма дунёга,
Қайси юҳо кам ермиш.

Чирқираб жон қумримиз,
Утиб борар умримиз.
Осмон чорлар руҳимиз,
Ер эса одам ермиш...



ҲАЁТ ҚЎШИҒИ

Пайғамбарлар ўтди, ўтди валилар,
Шоҳу беклар ўтди, ўтди ғанилар.
Улар энди қайда, ахир қанилар –
Ўлмайдиган одам борми дунёда?!

Қазо давосини ўйлай-ўйлай жим,
Ўтди ибни Сино, Лукмони ҳаким.
Қочиб қутулолмас ажалдан ҳеч ким,
Ўлмайдиган одам борми дунёда?!

Мўрт эрур тандаги иссиқ жонимиз,
Бекор бўлур бир кун бор имконимиз.
Тақдирнинг омонат бир инсонимиз,
Ўлмайдиган одам борми дунёда?!

Нуқта қўйилмасдан умр сатрига,
Тирикликнинг етмоқ керак қадрига.
Ким тўйибди ҳаёт гулин атрига,
Ўлмайдиган одам борми дунёда?!

Яшасак – номимиз сўйланиб қолсин,
Меҳримиз, ёдимиз қуйланиб қолсин.
Ўлим ҳам бир лаҳза ўйланиб қолсин...
Ўлмайдиган одам борми дунёда?!



БУ КУНЛАР ҲАМ

Кимдир қомат тутиб ўтади,
Кимдир омад кутиб ўтади.
Кутганга бор битта тасалли –
«Бу кунлар ҳам ўтиб кетади».

Кимнинг қўли мудом ошгадир,
Кимнинг йўли тикан, тошгадир.
Кулган – бошқа, куйган бошқадир,
«Бу кунлар ҳам ўтиб кетади».

Кимда кўза, кимда қумғон бор,
Кимда бўза, кимда ёвғон бор.
Рост туюлган битта ёлғон бор –
«Бу кунлар ҳам ўтиб кетади».

Кимдир боғ-у, кимдир чўлдадир,
Дерлар: «Молу давлат йўлдадир».
Ҳасад эмас, ҳавас дилдадир –
«Бу кунлар ҳам ўтиб кетади».

Ким битказиб, битиб ўтади,
Ким ютказиб, ютиб ўтади.
Умид билан яшайди инсон –
«Бу кунлар ҳам ўтиб кетади».



ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИ

Мунчоқ кузи жовдираб чунон,
Чўчиб юрар ҳар жойда қуён.
Ҳадик уни қуймас бемалол,
Қурқоқлиги шундан, эҳтимол.

Инсонга бу не учун керак?

Юксалмоққа тополмай чора,
Тик юролмай булар овора.
Аламини тутганча пинҳон –
Судралишга маҳкумдир илон.

Инсонга бу не учун керак?

Бури балки тўймас ҳеч қачон,
Шунинг учун очкуз, беомон.
Терисини асраш-чун балки,
Айёрликда устадир тулки.

Инсонга бу не учун керак?

Фаросатда оқсаган эшак,
Қўполлигин курсатар бешак.
Ёмон феъли ҳаммага аён –
Чақмай қуймас, албатта, чаён.

Инсонга бу не учун керак?

Тусланиш хос буқаламунга,
Аммо виждон зарурмас унга.
Курсатмасдан асл юзини,
Ноқулай ҳам сезмас узини.

Инсонга бу не учун керак?

Лаққабалиқ тор келса дарё,
Аямаскан боласин ҳатто.
Табиатнинг азал қонуни –
Ваҳший қилиб қўйгандир уни.

Инсонга бу не учун керак?

Олам кўрки – одам боласи,
Лек ичида унинг оласи.
Жавоб излаб ҳайрондир юрак –
Инсонга бу не учун керак?!
Инсонга бу не учун керак?!



БУ ҲАЁТДА

Турфа одам, турфа йўлдамиз,
Демасманки қув бўлмоқ керак.
Ғоҳи боғ-у, гоҳи чулдамиз,
Бу ҳаётда сув бўлмоқ маъқул.

Ғар тош бўлсанг – тегиб ўтарлар,
Ҳаво бўлсанг – елпиб ўтарлар.
Ҳеч бўлмаса сегиб ўтарлар –
Бу ҳаётда сув бўлмоқ маъқул.

Юмшоқ ёки заифсан гуё,
Тошни тешиб ўтарсан аммо.
Олов ҳам бас келолмас ҳатто,
Бу ҳаётда сув бўлмоқ маъқул.

Айланада айланиб олиб,
Туртбурчакда чордана солиб,
Билганингча барибир қолиб –
Бу ҳаётда сув бўлмоқ маъқул.

Ёмон булсанг – ботқоқ ё селсан,
Олам обод – агар хушфеълсан.
Танла, қайси ниятга элсан,
Бу ҳаётда сув бўлмоқ маъқул.

Тошиб кетмай қирғоқдан, тулиб,
Ва қолмасин ниҳоллар сулиб.
Ҳамма учун керакли бўлиб,
Бу ҳаётда сув бўлмоқ маъқул.

Турфа одам, турфа йўлдамиз,
Демасманки қув бўлмоқ керак.
Майли, боғда, майли, чўлдамиз,
Бу ҳаётда сув бўлмоқ маъқул...



* * *

Бу дунёнинг ўйинлари кўп,
Осонлари, қийинлари кўп.
Ниқоблари, кийимлари кўп,
Бу дунёнинг ўйинлари кўп.

Ҳукмфармо кўнгли гадолар,
Мискиннаво кўнгли адолар.
Кўҳна савдо бизим садолар –
Бу дунёнинг ўйинлари кўп.

Авлиёлар силкиб бар, кетган,
Шоҳлар тўймай бесамар кетган.
Кимлар зер-у, ким забар кетган –
Бу дунёнинг ўйинлари кўп.

Куфр ичра аҳдни дам берган,
Пастларга гоҳ тахтни ҳам берган.
Ғуссани мўл, бахтни кам берган –
Бу дунёнинг ўйинлари кўп.

Надир жилва, надир фироғи,
Қўли гул-у, темир тирноғи.
Ҳар юракнинг бордир бир доғи –
Бу дунёнинг ўйинлари кўп...



ФАҚАТ ЁД ҚОЛАДИ

Кимдан от қолади умр йўлида,
Кимдан дод қолади биров тилида.
Ҳаммаси ўтади, ҳаммаси ўтар,
Фақат ёд қолади инсон кўнглида.

Кўёш чарақлайди фалакда ҳар кун,
Ойни дарақлайди юлдузлар ҳар тун.
Бизни эрмақлайди бу чархи гардун –
Фақат ёд қолади инсон кўнглида.

Чумоли бир донни амаллаб топар,
Хирмон атрофида сичқонлар чопар.
Наҳотки мол-дунё айбингни ёпар?!
Фақат ёд қолади инсон кўнглида.

Омадлар қулидан тутганинг ўтар,
Баъзида дарду ғам ютганинг ўтар.
Кимнидир интизор кутганинг ўтар,
Фақат ёд қолади инсон кўнглида.

Дунёга бир бора келганинг қолар,
Бировга яхши сўз деганинг қолар.
Кимнидир соғиниб, севганинг қолар,
Фақат ёд қолади инсон кўнглида.



* * *

Кимнинг йўқдир отаси –
савлати йўқ, шаҳди йўқ,
Кимнинг йўқдир онаси –
давлати йўқ, бахти йўқ.

Кимнинг йўқдир фарзанди –
исми бор-у, сони йўқ,
Кимнинг йўқдир дилбанди –
жисми бор-у, жони йўқ.

Бир қуш кўрдим ажойиб –
растаси бор, ини йўқ,
Пичоқ кўрдим ғаройиб –
дастаси бор, қини йўқ.

Бир гул кўрдим ғалати –
сурати бор, буйи йўқ,
Булбул кўрдим, водариғ,
ҳасрати бор, куйи йўқ...



* * *

Топдим деманг болапакир, соддасини,
Сопидан ҳам жудо этманг болтасини.
Ишонсангиз қайтар дунё деганига,
Боласига ёмонламанг отасини.

Қирқ йилдамас, қирқ кунда ҳам қайтар ҳозир,
Сиз бировга қози бўлманг, бўлманг нозир.
Узингизга ҳушёр бўлинг, бўлинг ҳазир,
Боласига ёмонламанг отасини.

Этни қандай айирасиз тирноғидан,
Гулни нечук қайирасиз бутоғидан.
Қўрқмайсизми, сиз, виждоннинг қийноғидан,
Боласига ёмонламанг отасини.

Дили кўрлар билолмайди дил сирини,
Инсон такбир қилолмайди тақдирини.
Пайти келиб, англр улар бир-бирини,
Боласига ёмонламанг отасини.

Бола кўнгли фариштадек, шайтон бўлманг,
Хусуматнинг шамолига айвон бўлманг.
Бир кун қайтса ўзингизга, ҳайрон бўлманг,
Боласига ёмонламанг отасини...



ЙИГИТНИ ПИРИ ҚЎЛЛАЙДИ

Санчилса ҳам жабрлар тири,
Пинҳон қолмас макрлар сири.
Таваккалдир танҳо тақдири –
Эр йигитни қўллайди пири.

Ҳаёт мурчми, қанд берганда ҳам,
Кушойиш ё банд берганда ҳам,
Ёру дусту панд берганда ҳам,
Эр йигитни қўллайди пири.

Ёв қошида чўкмас, букилмас,
Паст олдида синмас, тўкилмас.
Номард тутган қулга тикилмас –
Эр йигитни қўллайди пири.

Қашқирдан не мурод суралар,
Арслондан-да арслон туралар.
Ҳақ хоҳиши шундай, журалар,
Эр йигитни қўллайди пири.

Булмаса ҳам чунтакда мири,
Булмаса бас юракда кири.
Икки булар, албатта, бири,
Эр йигитни қўллайди пири!



АФСУС

Хатолардан, қусурлардан,
Жафолардан, гурурлардан,
Пинҳон чоҳу чуқурлардан,
Севги ҳам қарийди, афсус,
Меҳр ҳам арийди, афсус.

Маломат-у, бўҳтонлардан,
Ғийбатлар-у, гумонлардан,
Макру ҳасад, ёлғонлардан,
Севги ҳам қарийди, афсус,
Меҳр ҳам арийди, афсус.

Ҳусни жамол атри утар,
Ҳайрат хаёл сатри утар,
Тоза висол қадри утар,
Севги ҳам қарийди, афсус,
Меҳр ҳам арийди, афсус.

Минг йил окқан Нилга ўхшаб,
Хазон курган гулга ухшаб,
Зада бўлган дилга ухшаб,
Севги ҳам қарийди, афсус,
Меҳр ҳам арийди, афсус.

Тузиб кетган жанда каби,
Бева қолган янга каби,
Ейилган бир танга каби,

Севги ҳам қарийди, афсус,
Меҳр ҳам арийди, афсус.

Дунёга пок қаралмаса,
Дуст корига яралмаса,
Асралмаса, суралмаса,
Севги ҳам қарийди, афсус,
Меҳр ҳам арийди, афсус...



ЁЛҒИЗ ЎТГАН КЕЧАЛАР

Ётибман мен юзтубан,
Бемакон-у, беватан.
Бошга тушди дафъатан,
Ёлғиз ўтган кечалар.

Кўнгил ғунчаси сўлди,
Юракка армон тўлди.
Шоми ғарибон бўлди,
Ёлғиз ўтган кечалар.

Дусту ёр кетди бадар,
Ҳеч кимса олмас хабар.
Ичирди дилга заҳар,
Ёлғиз ўтган кечалар.

Толеим бўлди нигун,
Ёниб-куйдим ким учун.
Чашмим тўкар ашки хун,
Ёлғиз ўтган кечалар.

Бобур айтар: чекма ғам,
Ҳасратинг бўлмайди кам.
Умидларинг бўлсин шам,
Ёлғиз ўтган кечалар...



* * *

«Кўрмагани кўргани курсин...» –
Деган киши қандини урсин.
Семизликни қўй қутарар чин,
Одам эса қутурар лекин.

Ўтган сайин умр дамодам,
Ҳикматига ишонч мустаҳкам.
Йуқликка гар дош беролса ҳам,
Туқликка лек чидолмас одам...



* * *

Бўлди, етар. Тугади бардош,
Қутиласан, олиб кетсанг бош.
Ўз-ўзингга бўлганингча хез,
Сукинасан, кийинасан тез.

Отиласан йўлакка. Шу дам —
Кузинг тушар қизчангга бирдан.
Вужудингда қолмайди кучинг,
Остонадан ҳатламоқ учун...



* * *

Эркин сузавермас ҳар доим кеманг,
Қалб кўрфазини тинч қўймайдилар ҳам.
Эшитилмай қолар: «Дўстим, ғам еманг...»
Мен-ку ғам емайман, мени ейди ғам.

Кимнинг дармони йўқ, кимнингдир дарди,
Бутланмади олам, туқисмас одам.
Замонга кўзгумиз, ҳам унинг гарди,
Мен-да ғам емайман, мени ейди ғам.

Неларни уйладим – осмонда кўзим,
Тиконларга тушди мен босган қадам.
Айтмасам-чи, ҳали айтмаган сўзим?!
Мен ҳеч ғам емайман, мени ейди ғам...



ЙЎҚЧИЛИК

Ғам-ғусса нурагар кунгил турини,
Кузёшинг орттирар замин шўрини.
Мурда топавермас баъзан гурини...
Йўқчилик йиқитар йигит зўрини.

Боланпинг кузига қаролмайсан гоҳ,
Оғайнинг корига яролмайсан гоҳ.
Узингга юз чидаб сўролмайсан гоҳ,
Йўқчилик йиқитар йигит зўрини.

Ташвишлар урайди тўрт томонингдан,
Суюк чиқиб қолар еяр нонингдан.
Узингники ногоҳ утар жонингдан,
Йўқчилик йиқитар йигит зўрини.

Аталага ҳам гоҳ ботмайди тишинг,
Топилмай қолади бир йўқлар кишинг.
Номард-у, пастларга тушади ишинг,
Йўқчилик йиқитар йигит зўрини.

Аламлар сўндирар ҳаёт шамингни,
Елкадан кўясан бир кун ғамингни.
Токай яширгайсан, ахир, камингни,
Йўқчилик йиқитар йигит зўрини.

Туғри, Худо билар ким қачон кетар,
Лек етишмовчилик дилинг хун этар.
Хуснингдан айирар, кунинг тун этар,
Йуқчилик йиқитар йигит зурини.

Орзу боғи дарддан беради ҳосил,
Уйлайвериб охир бўласан-ку сил.
Осилсанг ҳам, Бобур, сал пастроқ осил,
Йуқчилик йиқитар йигит зурини...



ДУНЁНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

Умид уздим дунёдан,
Руҳим қўкка учади.
Айро тушиб тан жондан,
Жисмим ерни қучади.

Ғамсиз бахтни бирор он,
Айтай дейман шеърда мен.
Туш тугайди ногаҳон,
Тириламан Ерда мен.

Келолмайман ўзимга,
Армон ипсиз осади.
Дунё келиб кўзимга,
Кузларини босади.

Йўлимнинг қўп тошлари,
Ишонмайман қучимга.
Дунёнинг кўз ёшлари –
Оқар менинг ичимга...



КУЗГУДАГИ ОДАМ

Бу одамнинг хаёли қизиқ –
Бахтни ҳаммага тенг улашмоқчи у,
Сехргар бўлмоқни қилганча орзу.

Бу одамнинг одати қизиқ –
Йиғлаётган болани кўриб,
Чунтак ковлар,
Ҳеч вақо йўқлигин тушуна туриб.

Бу одамнинг ангори қизиқ –
Башараси доим кулиб турса ҳам,
Йиғлаётган бўлиб чиқар дафъатан.
(Эслатади унинг кулгуси
Глумплен' табассумини).

Бу одамнинг ҳаёти қизиқ –
Уз сафига уни ҳеч ким қўшмайди,
Бу Одам ҳеч қачон «одам» бўлмайди...

* В. Гюго, «Кулаётган одам».



* * *

Ишонаман – ҳали бордир бахт,
Ҳали мавжуд умид ва ишонч.
Йуқолмаган яхши ният, аҳд,
Топилади яхшилик, қувонч.

Ҳали ҳаёт ширин орзулар,
Улмагандир меҳр, оқибат.
Ҳали яшар боқий туйғулар,
Ҳали бордир ҳатто муҳаббат!

Ишонаман...

23.04.2006.



ҲАЁТ ГОҲ

Ҳаёт гоҳ кенг, шафқати бисёр,
Қучай десанг, етмайди қулоч.
Тақдирнинг бир қилиқлари бор –
Кўникмай ё кунмай йуқ илож.

Ҳаёт гоҳ тор, раҳми йуқ ғаддор,
Умринг гўё титилган китоб.
Тақдирнинг бир қилмишлари бор –
Кўнмоқ – қийин, кўникмоқ – азоб...

2006.10.09.



КАРВОН

Боғу чўлни оралаб,
Инсон кетиб боради.
Қай манзилни қоралаб,
Карвон ўтиб боради.

Ўзини Одам атаб,
Бири бирини алдаб,
Хуржунига кўз қадаб,
Карвон ўтиб боради.

Жанда қолар, тахт қолар,
Армон қолар, бахт қолар,
Дунё қолар, вақт қолар,
Карвон ўтиб боради.

Кимни ўйинга солиб,
Кимдир тўзонда қолиб,
Кимни ўзи-ла олиб,
Карвон ўтиб боради...

03.01.2007.



ЎТАДИ

Борнинг борми роҳати,
Йуқнинг йуқми меҳнати,
Эскиларнинг ҳикмати:
Қанд еган ҳам ўтади,
Панд еган ҳам ўтади.

Ким иймонга терс юриб,
Ким шайтонга дарс бериб,
Кимни ёлғон лафз уриб,
Қанд еган ҳам ўтади,
Панд еган ҳам ўтади.

Кимга қолар йиққанинг,
Нима берар уққанинг,
Танимас гоҳ туққанинг,
Қанд еган ҳам ўтади,
Панд еган ҳам ўтади.

Алдаб, алданма инсон,
Қадринг булмасин арзон.
Умр шундай гузарон,
Қанд еган ҳам ўтади,
Панд еган ҳам ўтади.

Ётма ғафлат пойида,
Оқма алам сойида,
Дунё қолар жойида,
Қанд еган ҳам ўтади,
Панд еган ҳам ўтади...

26.01.2007.



ҲАММАМИЗ БИРДАЙМИЗ

Дунё номли келган хонамиз бирдир,
Топган ризқ-рузимиз, донамиз бирдир.
Отамиз бир асли, Онамиз бирдир –
Ҳазрати Одамнинг авлодларимиз.

Тақдир синов берса, гушмаймиз чуққа,
Ногоҳ зарба урса, қараймиз тикка.
Ҳамиша турамиз елкама-елка –
Ҳазрати Одамнинг авлодларимиз.

Баъзан меҳр излаб, меҳр бериб гоҳ,
Ёки сабаб бўлиб, ё бўлиб паноҳ,
Дард-у, бахтимиздан узимиз огоҳ –
Ҳазрати Одамнинг авлодларимиз.

Шодлиқда завқ топиб, ҳасратда бардош,
Заминда яшаймиз мисоли қардош.
Биз учун Ой битта, ягона Қуёш –
Ҳазрати Одамнинг авлодларимиз.

Кимдир отлиқ кезар, кимдир пиёда,
Кимдир камлик сезар, кимдир зиёда,
Ҳаммамиз бирдаймиз асли дунёда –
Ҳазрати Одамнинг авлодларимиз.

Азал тупроқ эди ахир лойимиз,
Орта қолар тоғ-у, оқар сойимиз.

Бир эмасми ҳатто борар жойимиз –
Ҳазрати Одамнинг авлодларимиз.

Қайсидир бир дилнинг дилбандларимиз,
Қайсидир бир гулнинг бол-қандларимиз.
Барчамиз ҳам башар фарзандларимиз –
Ҳазрати Одамнинг авлодларимиз!

20-22.04.2008.



КУЗ ТИКДИНГМИ

*«Устоз-устоз» деб ялтоқланиб,
орқаваротдан иш қиладиган бир
хумпар «шоғирд»га*

Ортимдан елган эдинг,
Ёнимдан келган эдинг,
Сиримни билган эдинг,
Турымга куз тикдингми?

Билардим, феълинг ёмон,
Бол тутган қулим бежон,
Сийлаган ўзим нодон,
Шурымга куз тикдингми?

Менда нетар молу зар,
Мана қинёраp ханжар,
Ёмонсан-ку, баччағар,
Зурымга куз тикдингми?

Дунё қанча турмаган,
Сендай пасткаш кўрмаган,
Ҳали ўзим кирмаган,
Гурымга куз тикдингми?!

2013.05.01.



БОЛАНГНИ СОҒИНИБ

Аччиқ келар экан гоҳ шириин ҳаёт,
Тақдир ҳам кўрсатар гоҳ ғалат уйин.
Иложи топилар ҳар ишнинг, ҳайҳот,
Болангни соғиниб яшаган қийин.

Қандай соғинмайсан, ахир, ўз боланг,
Жонингдан кўкарган чучуксуз боланг,
Дилу жигарпоранг, қорақўз боланг,
Болангни соғиниб яшаган қийин.

Кипригинг ёндираар, куяр қошларинг –
Фарзандингни кўмсаб тўккан ёшларинг.
Ичингга тушмайди ичган ошларинг,
Болангни соғиниб яшаган қийин.

Умидим шумиди оламдан, дейсан,
Оҳ тортсам, ўт чиқар ноламдан, дейсан,
Қандай жудо бўлдим боламдан, дейсан...
Болангни соғиниб яшаган қийин.

Турмуш гоҳ айирар қалбингдан тоқат,
Қадрингни ҳам баъзан айлайди тийин.
Давоси бор балки ҳар дарднинг, фақат,
Болангни соғиниб яшаган қийин...

19.02.2006.



УШАНДА

Ёш эдим ниҳолдайин,
Умидлар илдиз эди.
Дустим бор – хаёлдайин,
Осмон ғуж юлдуз эди.

Яланг булса ҳам оёқ,
Дилда йуқ эди ямоқ.
Ёлғондан қирсам томоқ,
Йулбарслар ожиз эди.

Не сулув кокил тараб,
Йулимга интиқ қараб,
Юрарди кунгил сураб,
Юрак тула ҳис эди.

Бугун ёғлиқдир ошим,
Ётлар ҳам «қариндошим».
Ҳаммага керак бошим,
Бир пайтлар ёлғиз эди.

Адашдим, эсиз, ёмон,
Кузимни тўсди туман.
Қаршимдаги ёсуман,
Ушанда зур қиз эди!..



УЗАТИЛГАН ҚҮЛ ҲАҚИДА

Кимни чорлар олис юлдузлар,
Кимдир Ойга арзини сўзлар.
Қуёшданми меҳрни кўзлар,
Кунга томон узатилган қўл.

Қушга бежиз берилмас қанот,
Яхшилик ҳам сўрайди сабот,
Қукаётган жонзотга нажот,
Унга томон узатилган қўл.

Эй дўст, кўнгил умидга тўлсин,
Шубҳа, ғараз ниҳоли сўлсин,
Холис, одил, ҳимматли бўлсин,
Сенга томон узатилган қўл.

Гулнинг ниши кирди кўзимга,
Лек таскинлар топдим ўзимга.
Ботмаса, бас, ногоҳ бўғзимга,
Менга томон узатилган қўл...

02-03.01.2013.



АТАМАЛАР

Гул суюниб, «гулман» дейди,
Кул куюниб, «кулман» дейди.

Ҳар не номи борлигича,
Масалан, қор «қор»лигича.

Диёнатми, «диёнат»дир,
Хиёнатми, «хиёнат»дир.

Ишқ бошқадир, ҳавас бошқа,
Гул дейилмас, ахир, тошга...

Лек айримлар тан олмайди,
Қилиғидан ҳам қолмайди.

Нодон узин демас «аҳмоқ»,
Бесон демас, «сочим пахмоқ»...

Сўзлар ҳам гоҳ тонадилар,
Ё ор қилиб ёнадилар.

Масалан, «сур» – «сурма» эмас,
Турма узин «турма» демас...

14.01.2013.



БУЮКЛАР УШЛАГАН ЧҮП

Ибрат кўзи бехато,
Урнак учун ҳолат куп.
Дарс бера олур ҳатто,
Буюклар ушлаган чўп.

Аввало ичингга боқ,
Иста маънавий ҳисса.
Беради шундай сабоқ,
Румий суянган ҳасса.

Утар дунёи дунда,
Ножуя босма оёқ.
Сени аяйди шунда,
Машраб таянган таёқ.

Эътибор айла элга,
Суз демагил норасо.
Токи тушмасин белга,
Навоий тутган асо!

14.01.2013.



* * *

«Бас, Аллоҳга қочинглар...»

(«Зариаф» сураси)

Тавба сувин сочмоқ керак,
Қулфи дилни очмоқ керак.
Йироқ бўлиб фитналардан,
Бас, Аллоҳга қочмоқ керак.

Тарк этибон хусуматни,
Фиску ғийбат ҳам ғурбатни.
Қалбдан айлаб хуш ниятни,
Бас, Аллоҳга қочмоқ керак.

Гап уқмаган майдагаплар,
Иймон десанг, терсу чаплар.
Қолаверсин бўлиб дафлар,
Бас, Аллоҳга қочмоқ керак.

Ҳақдан тилаб ҳидоятни,
Ҳифзу нажот, ҳимоятни.
Узидан деб кифоятни,
Бас, Аллоҳга қочмоқ керак.

Олмасидан мубоҳ ураб,
Кетмасидан гуноҳ тураб.
Чин кунгилдан паноҳ сураб,
Бас, Аллоҳга қочмоқ керак...



ЭТОЛМАС

Бургут ўлжасига қумурскалар етолмас,
Арслон насибасин қашқир ёки иг олмас.
Одамзот бировга толе хатин битолмас,
Худо хор қилганни бандаси бор этолмас,
Худо ёр билганни бандаси хор этолмас.

Эй одам, сен учун биров кўрмас тушингни,
Аввало Худо деб, билиб қилгин ишингни.
Золим бўлиб қолма, йиғиб олгин хушингни,
Худо хор қилганни бандаси бор этолмас,
Худо ёр билганни бандаси хор этолмас.

Бу дунё охираат учун пайкалинг булар,
Яхши ё ёмонинг – умр сайқалинг булар.
Пойингда ётган тош балки ҳайкалинг булар,
Худо хор қилганни бандаси бор этолмас,
Худо ёр билганни бандаси хор этолмас.

Ҳасадинг бор бўлса, назардан қолдинг демак,
Қалбингга дўзахдан лаҳча чуғ солдинг демак.
Таваккулни билсанг, Ҳақни тан олдинг демак,
Худо хор қилганни бандаси бор этолмас,
Худо ёр билганни бандаси хор этолмас.

Ой минг озиб-тулиб кўёш жойин тутолмас,
Юлдузлар товланиб Ой урнига ўтолмас.
Ҳар одам сувни ҳам ризқдан ортиқ ютолмас,
Худо хор қилганни бандаси бор этолмас,
Худо ёр билганни бандаси хор этолмас...



ИНСОН ВА ИТ

Замин узра тузғиб излари,
Кезаркан оч, нотавон, дайди.
Гуё сўзлар итнинг кузлари:
«Одам бахти менда булсайди...»

Иродаси гарчи мустаҳкам,
Баъзан чарчаб, истаб тинимни.
Инсон дейди: «Меҳрибон эгам,
Ит бошига солма кунимни...»



ҚҰМСАШ

Гуллар моҳи, диллар оҳи,
Қалбимнинг илк дўст, паноҳи.
Мушкин-мушкин буй таратган,
Анбарларинг борми ҳали?

Қалдирғочлар қўнган чашма,
Қўмсаб хануз дилим ташна.
Қўзларимни зор қаратган,
Ахтарларинг борми ҳали?

Қараганда қўнгим усган,
Тараганда қўнни тўсган.
Қўлим тегмай жон суратган,
Аждарларинг борми ҳали?

Наҳот ҳамон тикиб зарлар,
Оққуш қўллар гул чизарлар.
Ҳам покиза шеър яратган,
Саҳарларинг борми ҳали?

Айтиб бўлмас энди: «Қайтгин...»
Фақат, гулим, танҳо айтгин:
Тукилганим ёшлиқ пайтинг –
Дафтарларинг борми ҳали?!

Моҳи гулим, оҳи дилим,
Ёдимдасан, ёдимдасан.
Гоҳи қўмсар оҳу дилим,
Ёдимдасан, ёдимдасан...



* * *

Меҳринг мисли шабнаммиди,
Соғинганим кукламмиди.
Хазон, қорим билгаймисан,
Ё баҳорим бўлгаймисан.

Ой бўлгум, деб кечалари,
Алдадилар нечалари.
Мунг, озорим билгаймисан,
Ё мадорим бўлгаймисан.

Сахро бўлдим – ҳосил қайда,
Дарё бўлдим – соҳил қайда.
Дил шудгорим билгаймисан,
Ё канорим бўлгаймисан.

Излай-излай юлдузимни,
Йуқотдимми илдимни.
Сарсон, зорим билгаймисан,
Ё қарорим бўлгаймисан.

Кузни ёпсам, дилни топсам,
Узни топсам, гулни ўпсам.
Эй гул, хорим билгаймисан,
Ё гулзорим бўлгаймисан.

Бирга-бирга кетармидик,
Минг бир сирга етармидик.
Йуғу борим билгаймисан,
Ё дилдорим бўлгаймисан?!



* * *

Гарчи дилда саботларим тоғлиқ менинг,
Гарчи тилда баётларим доғлиқ менинг.
Учай десам қанотларим боғлиқ менинг,
Ахир сенсиз ҳаётларим оғриқ менинг.

Беҳудликда оҳлар тортмоқ – одатларим,
Мажнунда ҳам бўлмаган бу ҳолатларим.
Сабрим синиб, тугаб борар тоқатларим,
Гарчи дилда саботларим тоғлиқ менинг.

Исминг айтсам, кўксим тулар оташларга,
Раҳминг йўқми жонингга жон туташларга.
Юрак кўнмас сени ёт деб аташларга,
Гарчи тилда баётларим доғлиқ менинг.

Ёнингда ҳам соғинаман ўзингни мен,
Осмонлардан ахтараман изингни мен.
Юзингни Ой, юлдуз билиб кўзингни мен,
Учай десам қанотларим боғлиқ менинг.

Ишқинг билан жоним бермоқ армонларим,
Жаннат олди хурлар булар дарбонларим.
Ушанда ҳам табассуминг – дармонларим,
Ахир сенсиз ҳаётларим оғриқ менинг...



ЁРИ АЗИЗ

Бирга эдик найсонларда,
Бирга бўлдик тўзонларда.
Ёри азиз, бугун, не тонг,
Бирга бўлсак хазонларда,

Муҳаббатнинг кўчалари,
Қулф уриб дил ғунчалари.
Чузилмасми кечалари,
Бирга бўлсак имконларда.

Сизда юрак бизда юрак,
Гоҳ оташ, гоҳ музда юрак,
Тақдир деган кузда юрак,
Бирга бўлсак мижгонларда.

Ҳосид кўзни басир айлаб,
Дилга ўзни асир айлаб,
Орзуларни қаср айлаб,
Бирга бўлсак армонларда.

Бирга эдик бустонларда,
Бирга бўлдик дostonларда.
Ёри азиз, эрта, не тонг –
Бирга бўлсак осмонларда...



«МАЛИКАМ» ҚҰШИҒИ

Сенинг тенгинг йуқдир, йуқдир посбонинг,
Қуёш булсанг ҳамки булут осмонинг.
Тунлар кафасида кийналар жонинг,
Тонглари дард ила отган маликам,
Оқшомлари ёлғиз ётган маликам.

Тақдирдан не келса, берасан бардош,
Ёнингда йуқдир бир меҳрибон дарддош.
Ҳул булган ёстигинг дардинг айлар фош,
Партушаги тошдек ботган маликам,
Оқшомлари ёлғиз ётган маликам.

Кел, узим бағрингга дармонинг бўлай,
Ҳечдан кеч ушалган армонинг бўлай.
Қадрингни билгувчи султонинг бўлай,
Ҳижрон ғамин обдон тотган маликам,
Оқшомлари ёлғиз ётган маликам...



СУКУТДАГИ ГҮЗАЛ

Ғам букканда қоматим,
Излаганда дил паноҳ,
Қайтганида омадим,
Намоён бўлдинг ногоҳ.

Турардинг жим, меҳрга
Тула эди кўзларинг.
Юрагимни сеҳрга
Чулғарди ой юзларинг.

Тун алмашиб, кун ўтар,
Хаёлимга эга сен.
Бир савол жавоб кутар:
Ҳануз жимсан нега сен?!

Билмам, дилни ёқиб мен,
Зухромисан, Узроми.
Кўзларингга боқиб мен,
Унутаман дунёни.

Кукка чузиб қулимни,
Сукутингни тингладим.
Чўкиб қолган кўнглимни,
Осмонларга тенгладим.

Қалбимга солдинг ғазал,
Авж пардада баётим.
Сенсиз энди, эй гүзал,
Ҳаёт эмас ҳаётим!

Ойдан гүзал, хомушим,
Уйлайман жимлигингни.
Билмайсан, эҳ, Кумушим,
Мен учун кимлигингни...



* * *

Кузларинг мисли денгиз,
Умр хатодир сенсиз.
Бу кунгил давлатида
Сенсан малика тенгсиз.

Дил сени суйган экан,
Ғамларни уйган экан,
«Унут барини» десам,
«Йўқ» дейди, куйган экан.

Севги боғида гуллар,
Исмингни айтиб кулар.
Ошиқлигимни билиб,
Сенга ҳавасда улар.

Гули жаннатдай ўзинг,
Қул қунмаган най ўзинг.
Ташна эдим-у, ёндим,
Лаб тегмаган май ўзинг.

Хаёлинг менга денгиз,
Ҳаёт бемаъно сенсиз.
Бу кунгил давлатида
Сенсан малика тенгсиз...



БУ КҮНГИЛНИНГ

Бу кунгилнинг узи гувоҳ,
Узи айбдор, узи паноҳ.
Савоблари мисли гуноҳ,
Гуноҳлари кароматдир.

Бу кунгилнинг дарди оғир,
Қарғай олмас – гарчи оғир.
Малол олса – дунё охир,
Дуо қилса ижобатдир.

Бу кунгилнинг кори ғалат,
Севар – севги кутмай албат.
Севмаса гар булар ғорат,
Севилса бут иборатдир.

Бу кунгилнинг уволи бор,
Жавоби йуқ, саволи бор.
Кимса билмас аҳволи бор,
Узи ҳолдан иборатдир...



ИНТИЗОРЛИК МАНЗАРАСИ

Сочларимдек оқаради тун,
Кўнглим каби ёришади тонг.
Айлагали борлиқни мафтун,
Унг ён ила, гўзалим, уйғон.

Сув шодланар бетингга тегиб,
Сочингдан маст сочиқдир жинни.
Бағри тилим тароқни эгиб,
Эсламагил, майли, Сен мени.

Узинг билмай айласанг назар,
Оқиб кетар сув бўлиб кўзгу.
Деразадан тўкиб туриб зар,
Кўёш этар чехрангни орзу.

Салом берар гуллар таъзимда,
Соғинтирди уларни юзинг.
Ҳаёт номли тўкин базмда –
Маликасан, гўзалим, ўзинг.

Уйғонишинг шунча дабдаба,
Сенга етмас, албатта, оҳим.
Эшигингни очган паллада –
Оқиб кирар интиқ нигоҳим...

2000 й.



* * *

Мен бугун англадим гулда моҳият,
У асли ғунчанинг заволи экан.
Мен бугун тингладим тошни ниҳоят,
У бизга тупроқнинг саволи экан.

Мен кимман? Дафъатан уйланиб қолдим,
Ботинимга боқиб буйланиб қолдим.
Тиконлар, хазонлар аро ғунчага –
«Кечир, кечикдим...» деб суйланиб қолдим.

Осмонга буй чузиб, заминда усдим,
Дунёни кузимдан, узимдан тусдим.
Илдиз қисматига бойлаб умримни,
Капалакка дедим: «Танҳо сен дустим...»

Мен кимман?!. Шу савол балки тиғ булса,
Жавоб берган инсон арзийди улса.
Тушимда жайронга «севгимсан» дедим,
Унгимда илонга тутаман буса.

Юрагимга қиёс Қуёш, ҳойнаҳой,
Ёниб меҳр сочмоқ булди тақдирим.
Кунглимда ухшайди кукда ёлғиз Ой –
Дарддан тулиб борар, армондан ярим...

1995 й.



ЁДИМДА

Болалик – дунёга дил ошиқ,
Беғубор паллалар ёдимда.
Илк севги, илк азоб, илк қушиқ –
Чуғи бор яллалар ёдимда.

Юлдузли хаёлга ҳамоғуш –
Тунлар зор бедорлар ёдимда.
Кокили дор қизлар фаромуш,
Дили бор дилдорлар ёдимда.

Фаровон пайтимдан йўқ нишон,
Нотавон дамларим ёдимда.
Бахтиёр онларим паришон,
Бепоен ғамларим ёдимда.

Баҳорда ногаҳон қор уриб,
Сулмаган гулларим ёдимда.
Ажални кунда юз бор куриб,
Улмаган кунларим ёдимда.

Кузимга тушган хас эсда йўқ,
Қадримни билганлар ёдимда.
Сотқин ё ҳар нокас эсда йўқ,
Яхшилик қилганлар ёдимда.

Адашиб мен ҳануз йўлда-ю,
У тенгсиз имконлар ёдимда.
Умидлар урчуғи қўлда-ю,
Бу сунгсиз армонлар ёдимда.



* * *

Қулсиз қолдим – бериб бармоғим,
Ёниб турар мудом қулогим.
Давраларга тортмас оёғим,
Эсиз, одам,
Эй сиз, одамлар.

Дил гул эди – сизга аталган,
Гоҳ топталиб, гоҳо мақталган.
Ҳар бандига пичоқ қадалган,
Эсиз, одам,
Эй сиз, одамлар.

Пошнангиздан кучирдим музни,
Юрагимдан учирдим изни.
Аллақачон кечирдим сизни...
Эсиз, одам,
Эй сиз, одамлар.

Эрта бир кун қабримга кирсам,
Жаннатларда оҳиста юрсам.
Жим қоласиз – термулиб турсам,
Эсиз, одам,
Эй сиз, одамлар...

1993 й.



УМР БАҲОРИ

Зар бешикка қуёш беланди,
«Шошма» деб Ой тонгга эланди.
Куну тунлар шундай уланди –
Оқаётир йиллар анҳори,
Қайтармикин умр баҳори?

Тулмай туриб юраклар музга,
Узримиз бор муниса кузга.
Айтарми, дўст, дил розин бизга –
Уртамизда гурур девори,
Қайтармикин умр баҳори?

Сочимизга қировлар инди,
Бахт отига бировлар минди.
Дилда булак суровлар тинди –
Қуламасдан ҳаёт чинори,
Қайтармикин умр баҳори?

Кунгил ҳануз меҳр сурайди,
Соғинчига гуллар урайди.
Муҳаббатим деб йуллар қарайди –
Бобурни ҳам тутди хумори,
Қайтармикин умр баҳори?

Баҳор, баҳор, умр баҳори,
Орзуларим умид наҳори...



ОНАЖОНИМ ҲАЁТ БЎЛСА

Армонларда қолмас эдим,
Кошки бағрим қайтиб тўлса.
Хизматида толмас эдим –
Онажоним ҳаёт бўлса.

Дардларимни билар эди,
Ғамимни даф қилар эди.
Умидларим кулар эди,
Онажоним ҳаёт бўлса.

Тож бўларди орзуимга,
Ҳар маърака, ҳар тўйимга.
Сиғар эдим ўз уйимга –
Онажоним ҳаёт бўлса.

Муштипарим, меҳрибоним,
Балолардан асраб жоним.
Бўлар эди гиргиттоним –
Онажоним ҳаёт бўлса.

Оҳларимга етиб Худо,
Бобур, кўнглим кошки тўлса.
Айлар эдим жоним фидо –
Онажоним ҳаёт бўлса...



* * *

Кимгадир хиёнат — бизнинг муҳаббат,
Кимнингдир офати — бизнинг вафолар.
Кимгадир зарурат — бизнинг уқубат,
Кимнингдир роҳати — бизнинг жафолар.

Кимнидир улдирар бизнинг бўсалар,
Кимнингдир ишончи — бизнинг гумонлар.
Кимнидир кулдирар бизнинг ғуссалар,
Кимнингдир қувончи — бизнинг армонлар.

Кимнингдир қуёши — бизнинг жудолик,
Кимгадир боғлиқдир бизнинг ҳар ният.
Кимнингдир күзёши — бизнинг шайдолик,
Кимгадир оғриқдир бизнинг шеърият!..

1995 й.



* * *

Ким булардим, шоир булмасам,
Амалдорми, балки олимми.
Савдогарми, ёки золимми...
Ким булардим, шоир булмасам.

Йулар турфа. Уз йулим утай,
Сиз пул топинг. Мен қушиқ битай.
Қизғонаман кунглимни, нетай,
Ким булардим, шоир булмасам.

Хаёл яхши, хаёлда юрдим,
Умрим буйи саволда юрдим.
Уйламангки, малолда юрдим –
Ким булардим, шоир булмасам?

Ойга боқсам, қарабман-да бир,
Сизга нима? Суйган мен ахир.
Сиз куюнманг, куйган мен, ахир –
Ким булардим, шоир булмасам.

Сизга бердим ҳавас шаҳрини,
Менга қуйинг ишқнинг заҳрини.
Келтирмайлик Худо қаҳрини –
Ким булардим, шоир булмасам?

Дилдан айтсам, гул рози булсин,
Дардин айтсам, эл рози булсин.
Ким нимадир – Ҳақ қози булсин...
Ким булардим, шоир булмасам.

Мен улардим, шоир булмасам...



* * *

Талпинганим бир умр –
Қафассиз хаёт эди.
Истагим ҳам бўлиб хур,
Топмоқлик қанот эди.

Дердим: «Бу гузал осмон,
Қуёшни қучсам эди.
Кошкийди топсам имкон –
Қуш каби учсам эди».

Мени чорлар кенг само,
Бағрида йуқдир тузоқ.
Парвозга шайман, аммо –
Осмон мендан қуп узоқ.

Кукдек соф булай десам,
Тақдирим мурчдай аччиқ.
Гул каби кулай десам –
Ер экан мунча қаттиқ?!.

Орзуга етгум бир кун,
Осмондан кузланг мени.
Ё Ердан кетгум дилхун –
Остидан изланг мени...



ТОПМАДИМ

Тукилмоқда хазонлар,
Тингламаслар, билмаслар.
Узаймоқда армонлар,
Англамаслар, билмаслар.
 Буйимдек буй топдим-у,
 Уйимдек уй топмадим.

Юрагимнинг боғини,
Талаб кетди ёмонлар.
Кузларимнинг ёғини,
Ялаб кетди илонлар.
 Кузимдек куст топдим-у,
 Узимдек дуст топмадим.

Ғунчага кунгил бердим,
Пинҳон экан тикони.
Булбулга кунгил бердим,
Узга боғда макони.
 Тилимдек тил топдим-у,
 Дилимдек дил топмадим.

Баҳорда боғ гуллайди,
Ким туйибди атрига.
Бобур, жонинг йиғлайди –
Қорнигамас, қадрига.
 Ёнимга ён топдим-у,
 Жонимга жон топмадим...

1996 й.



ҲАЁТГА ТАЛПИНИБ ЯШАЙВЕРАМАН

Гарчи юрак бугун анча улғайди,
Гарчи қалбни минг бир ташвиш чулғайди.
Кунглимнинг бир чети уксиб йиғлайди,
Барибир болага ухшайвераман,
Ҳаётга талпиниб яшайвераман.

Гарчи қизғалдоқни бағримга солдим,
Гарчи гунчалардан бусалар олдим.
Севги армонига боғланиб қолдим,
Нигоҳимни Ойга ташлайвераман,
Ҳаётга талпиниб яшайвераман.

Гарчи ўтиб борар ёшлик чоғлари,
Гарчи эскирмоқда армон доғлари.
Ҳали гулга кирар орзу боғлари,
Умидим этагин ушлайвераман,
Ҳаётга талпиниб яшайвераман.

Гарчи гоҳ чарчатар майда аламлар,
Гарчи баъзан тансиқ дилга малҳамлар.
Сиз билан тирикман, азиз одамлар,
Йулингизга гуллар тушайвераман,
Ҳаётга талпиниб яшайвераман.

Гарчи ҳар кунимиз назм булолмас,
Гарчи кимлар бизни ҳазм қилолмас.
Ҳақдан булак ҳеч зот мени билолмас,
Қўшиғимни қайта бошлайвераман,
Ҳаётга талпиниб яшайвераман...



* * *

Мен кетдим... Кўнглимга келар тор дунё,
Рухимни осолмай қолар дор дунё.
Мендайларга мудом кун бермай ҳаргиз,
Мендайларга яна бўлар зор дунё.

Мен кетдим... Кулмангиз, йиғлаганим йўқ,
Гулбаргнинг лабида юрагим қолди.
Эйвоҳ, ўчмай туриб кўзимдаги чўғ,
Гулим ўзни ўзга гулдонга солди.

Мен кетдим... Вақт ўгиб англарсиз мени,
Кўнглингизни покланг – Ҳақ йўли олис.
Кўкка кўтарилиб тингларсиз мени,
Осмонда яшадим ёлғиздан-ёлғиз.

Мен кетдим... Ҳаммани кечириб сўнг бор,
Ёнган юрагимда на нафрат, на кин.
Кетдим. Очиқ қолди фақат бир савол:
Бу дунё мардликни тушунармикин?!



* * *

Умр ўтар онлари олтин,
Гоҳи севинч, гоҳи ўкинчли.
Кунлар нурли, кечалар ойдин,
Тунлар сирли, тонглар соғинчли.

Маълум эди ёлғончи дунё,
Ўзим билмам истадим нени.
Ўзалларда топмадим вафо,
Алдадилар дўстларим мени.

Кимлар сўзим айтади ёддан,
Кимлар номим айлар маломат.
Барчасига тайёрман, зотан,
Ҳаммасига кўникмоқ – одат.

Бахтлилар ёр зулфин ечдилар,
Ғамда «ишқ муқаддас» деганлар.
Мен севганлар мендан кечдилар,
Мендан жудо мени севганлар.

Лабларимга тортиб табассум,
Жонларимга тикиб жонларни.
Дейман: Ҳаёт гузал ва масъум,
Мен яшайман кутиб тонгларни!..



* * *

Ёр бўлсанг ҳам, жону таним бўлсанг ҳам,
Ёв бўлсанг ҳам, қаттол ғаним бўлсанг ҳам.
Учрашганимиз бу ҳаёт – омонат,
Мен ҳам ғаниматман, сен ҳам ғанимат.

Кимлар юрар шайтон қулин ялашиб,
Кимлар мансаб, кимлар унвон талашиб.
Саваб тугаб борар, гуноҳ қалашиб,
Мен ҳам ғаниматман, сен ҳам ғанимат.

Ҳар ким яшар имкон қушиғин айта,
Йуқотсанг, топмоқни кутмагин қайта.
Лек ожиз бўлмайлик, кетмайлик майда,
Мен ҳам ғаниматман, сен ҳам ғанимат.

Фаришта бўлмасмиз балки, эҳтимол,
Одамдек яшаш ҳам келмасин малол.
Урчимиз – айвонда айланган шамол,
Мен ҳам ғаниматман, сен ҳам ғанимат.

Нетармиз тош отиб, кўнгил оғритиб,
Бу қисқа ҳаётни яна доғ этиб.
Яшасак бўлмасми йўлни боғ этиб,
Мен ҳам ғаниматман, сен ҳам ғанимат.

Одамзод қанчалар юлиб, йиғмасин,
Энг аввал қадрини уйлаб, йиғласин.
Искандар қуллари ёддан чиқмасин,
Мен ҳам ғаниматман, сен ҳам ғанимат...



ҚҰРҚИНЧЛИ ЭМАС

Бу дунё кимга кенг, кимга тор экан,
«Ё, Худо!» деганга толе ёр экан.
Ҳар бошда бир кўрим асли бор экан –
Кулфатлар мен учун қўрқинчли эмас.

«Сиз – устоз» деганим кўролмас гоҳо,
Худодан камолим сўролмас гоҳо.
Йўлимга тош отмай туролмас гоҳо...
Миннатлар мен учун қўрқинчли эмас.

Кимдир шод – йўл қўйсам ногоҳ хатога,
Чоҳлар қазир мендек дили адога.
Қачон дўст бўлибди гадо гадога,
Тўхматлар мен учун қўрқинчли эмас.

Беайб парвардигор, мен бир бандаман,
Гоҳ кўнглим биланман, гоҳо тандаман.
Не бўлсам сиз билан шу Ватандаман,
Фурбатлар мен учун қўрқинчли эмас.

Сернаво булбулман – кўзёшим бордир,
Тошда унган гулман – бардошим бордир.
Шукур, эл дуоси – қуёшим бордир,
Зулматлар мен учун қўрқинчли эмас...



НЕ КУНЛАРНИ

Бу кўнгил, бу бош билан,
Не кунларни кўрмадим.
Кузда пинҳон ёш билан,
Не кунларни кўрмадим.

Чорасиз ҳайрон боқиб,
Аламда дилим ёқиб,
Ёстиққа ёшим оқиб,
Не кунларни кўрмадим.

Номимни гоҳ сотдилар,
Ортимдан тош отдилар,
Қонимни кўп тотдилар,
Не кунларни кўрмадим.

Зор бўлганда паноҳга,
Ёлворганман Оллоҳга.
Қолиб савоб, гуноҳга,
Не кунларни кўрмадим.

Малол олдим, олмадим,
Интилишдан толмадим.
Билганимдан қолмадим,
Не кунларни кўрмадим.

Қадр гўё тийин деб,
Урми ё уйин деб,
Одам бўлмоқ қийин деб,
Не кунларни кўрмадим...



КҮНГЛИМНИ ҚИЗҒОНДИМ

Кунгли буш деб билсалар,
Алдасалар, юлсалар.
Зимдан яна кулсалар –
Ёндим, ичимда ёндим,
Мен кунглимни қизғондим.

Кунглим, дедим, уксинма,
Қолма, ўзингдан тинма.
Ҳасад боғида унма,
Тондим, кибрдан тондим,
Мен кунглимни қизғондим.

Чалғитар дунё, шуҳрат,
Ижодда дарду роҳат.
Ишқ майин ичдим фақат –
Қондим, шаробга қондим,
Мен кунглимни қизғондим.

Боладек софдил, тоза,
Қалбда булмас андоза.
Кетди кукка овоза –
Жондан ортиқроқ, жондин –
Мен кунглимни қизғондим!..



* * *

Кечиб қанча гирдобдан,
Панд еб хаси нобопдан.
Мен ҳаётни шунчаки –
Ўрганмадим китобдан.

Тилни ҳалво айлади,
Дилни яғмо айлади.
Еру дустим деганим –
Мени мулло айлади.

Бағрим айлаб тилимлар,
Дарс берди бетқалинлар.
Фақат менга ёқмади,
Бу шайтоний илмлар.

Иккию икки бешмас,
Оқ ила қора эшмас.
Курганимга ишондим –
Бури қўзига хешмас.

Қалбим қулоқ солмади,
Сабоқдан ҳам толмади.
Минг йил яшадим, гўё,
Билмаганим қолмади.

Шундай дея юрганда,
«Билим» завқин сурганда.
Жавоб тополмай қолдим –
Болам савол берганда.

Хуллас, айтсам арзим куп,
Устозлардан қарзим кўп.
Бу ҳаёт мактабида –
Ҳали чала дарсим кўп!



* * *

Қалбим бир синган қадаҳ,
Бу қадаҳда шароб йуқ.
Мендек юраги зада –
Мендек ҳоли хароб йуқ.

Алдадими ул санам,
Алдандимми ё манам?!
Уртар шубҳа-гумонлар,
Маънили бир жавоб йуқ.

Кўнгил учун суямиз,
Кўнгил учун куямиз.
Ёқар ширин ёлғонлар,
Бундан аччиқ азоб йуқ.

Бағримга етмас ҳаво,
Бўғилди кую, наво.
Паст бўлдими осмонлар,
Ёки наҳот офтоб йуқ?!.

Ошкор айлаб ўзини,
Кўрсатди чин юзини.
Нечун яна армонлар –
Дўстда энди ниқоб йуқ.

Қалбим бир синган қадаҳ,
Бу қадаҳда шароб йуқ...



* * *

Мудом ёлғиз яшадим, аммо,
Яхшилар ҳам, шукур, бор эди.
Атрофимда паст-баланд дунё,
Баъзан кенг-у, баъзан тор эди.

Мудом ёлғиз яшадим, бироқ,
Кимдир севди мени кулмасдан.
Қайлардадир чекканча фироқ,
Утди балки бахтни билмасдан.

Мудом ёлғиз яшадим, лекин,
Тушагимда йиғлар эди ким.
Чопонимга уралиб, секин,
Чиқиб кетдим ташқарига жим.

Ҳамма билан – ҳаммадан жудо,
Яшаб утдим, шу экан тақдир.
Сени танҳо танидим, Худо,
Шунча ғаминг бормиди, ахир?!.



АЙТИНГ

Товуш бердим, садо йўқ,
Чулдаманми ё, айтинг.
Дилда булар адо чўғ,
Кулдаманми ё, айтинг.

Рухим мисли капалак,
Гулдаманми ё, айтинг,
Кунглим куйдирди малак,
Кулдаманми ё, айтинг.

Бош ғурра, елка қадоқ,
Дулдаманми ё, айтинг.
Манзили гум, беадоқ –
Йулдаманми ё, айтинг...



КУЗГУДАГИ КИМ

Кузгудаги ким ўзи,
Мунча танишдир юзи.
Иссиқдир қошу кузи,
Кузгудаги ким ўзи?

Мунча ҳам оғир боқар,
Хаёли қайга оқар.
Не ғам дилини ёқар –
Кузгудаги ким ўзи?

Севган, севилган эди,
Дили ювилган эди.
Бахтдан қувилган энди...
Кузгудаги ким ўзи?

Муҳаббат – хаёл эзгу,
Алдаяпти бу кузгу.
Бу мен эмас, ўзга-ку...
Кузгудаги ким ўзи?!



КУНГЛИМГА НУР БЕР

Тангрим менинг, меҳрибон эгам,
Балки ҳаддан зиёд гуноҳим.
Майли, менга зар бермасанг ҳам,
Кунглимга нур бергин, илоҳим.

Куйга тушмас ёлғон аллалар,
Шеър эмас-да арзон яллалар.
Тозадиллик армон паллалар –
Кунглимга нур бергин, илоҳим.

Ғарқ булмаин ҳасад сойига,
Ботиб кетмай кибр лойига.
Етай дейман аршинг пойига –
Кунглимга нур бергин, илоҳим.

Шаъми сузон – чироқ эт мани,
Таъма, ҳирсдан йироқ эт мани.
Шу дунёда суроқ эт мани!..
Кунглимга нур бергин, илоҳим.

Кухна дунё ичи оладек,
Яшолсайдим бунда боладек.
Майли, чўгдек, майли, толадек –
Кунглимга нур бергин, илоҳим...



ГУЛ

Илдиз қўйиб тупроқни ёрди,
Ниҳол бўлиб қуёшга борди.
Баъзан бўлди – яйради, кулди,
Баъзан бўлди – чарчади, ҳорди.

Синаб кўрди уни саратон,
Қийнаб кўрди уни қаҳратон.
Тошу тўнка аро қисилди,
Селу дўлдан ўтолди омон.

Гулга кириб, ғунчалар очди,
Ифорлари жаранглар сочди.
Эшитганининг ҳаваси келиб,
Кўрган кўздан ҳаловат қочди.

Бир гул бўлди – гулки, мукаррам,
Япроқлари шудринглардан нам.
Тикони ҳам юмшоқ, ёқимли,
Хазонида маъно мужассам.

Шундай – гоҳ буй, гоҳ ранг таратди,
Ҳаммани ҳам ҳайрон қаратди.
Тишгани йўқ. Хулоса шулки –
У узини ўзи яратди!..



ЭЪТИРОФ

Бу дунёда уч-тўрт мард хайрихоҳ бизга,
Уч-тўртта дили бегард дилогоҳ бизга.
Йўқса дунёнинг бизга хуши йўқ асли,
Кун бермасликдан ўзга иши йўқ асли.

Бу дунёда уч-тўрт мард боримиз билар,
Уч-тўртта соҳиби дард зоримиз билар.
Йўқса дунё кучоғи тор эди бизга,
Яна қанча қийноғи бор эди бизга.

Бу ҳаётда уч-тўрт зот кўзи бутундир,
Қалбида меҳри бунёд, ўзи бутундир.
Йўқса ҳаёт кечарди зулмат ичида,
Умр шами ўчарди ғурбат кечиди.

Бу ҳаётда уч-тўрт зот талабгори биз,
Бори учун умрбод миннатдори биз.
Ҳақ деб жойдан жилганлар ҳамроҳдир бизга,
Мард қадрини билганлар паноҳдир бизга...



ОРЗУЛАР ЙҮЛИ

Аллалар эшитган пайтим онамдан,
Ё насиҳат тинглар чоғим огамдан,
Кузларим туймасди ёруғ оламдан,
Ҳали ёғмас эди ташвишлар дули,
Мунча олис экан орзулар йули.

Улғайиб интилдим – қараб турмадим,
Йул излаб адашдим, равон юрмадим.
Меҳр бериб, баъзан меҳр кўрмадим,
Мени бошлаб кетди тақдирнинг чули,
Мунча олис экан орзулар йули.

Гулоб деб турганинг шароб чиққанда,
Обод деб қурганинг хароб чиққанда,
Бахтим деб юрганинг сароб чиққанда,
Билинар бардошнинг ками ё мули,
Мунча олис экан орзулар йули.

Топганда тутганим харидим емас,
Авлиё билганим муридим демас,
Шунчаки яшамоқ умидим эмас,
Қунглимни тортмасин армонлар қули,
Мунча олис экан орзулар йули.

Ҳаёт – ҳа, ёт экан – фикр айладим,
Гул берса ё тикан – шукр айладим,
Умид-ла Ҳақни ман зикр айладим,
Қўлимдан тутарми омаднинг қули,
Мунча олис экан орзулар йули...

06.03.2006.



КУЛСАМ ҲАМ

Дунёга ўзимча келмадим,
Келиб ҳам қойил иш қилмадим.
Чехрамга не бўлган, билмадим,
Кулсам ҳам юзимда ғам менинг.

Билинди балонинг анчаси,
Совумас аламлар таңчаси.
Қолмади десам ҳам, қанчаси –
Кулсам ҳам изимда жам менинг.

Ғунчанинг заволи гулга хос,
Тиканга, айтинглар, гулми мос.
Севгидан сўз очманг, илтимос,
Кулсам ҳам кўзимда нам менинг.

Кўнгилми, меҳрми, ёки зар,
Илиндим барчага баробар.
Фақат бахт дегани, биродар,
Кулсам ҳам ўзимда кам менинг...

06.01.2007.



БИЗГА

Найсону жола эмас,
Бевафо лола эмас,
Бирга қуриб тукилган –
Хазонлар дўст бўлдилар.

Ланжу «қийин»лар эмас,
Гирром уйинлар эмас,
Кунглимизни туқ қилган –
«Осон»лар дўст бўлдилар.

Пухта китоблар эмас,
Сохта хитоблар эмас,
Титраб-титраб уқилган –
Достонлар дўст бўлдилар.

Қурук ваъдалар эмас,
Аччиқ зардалар эмас,
Кунгил учун туқилган –
Ёлғонлар дўст бўлдилар.

Жони йўқ гуллар эмас,
Бедил булбуллар эмас,
Йиғлаб туриб, шўх кулган –
Жононлар дўст бўлдилар.

Зинҳор бедардлар эмас,
Лоқайд, номардлар эмас,
Юрагини чуғ тилган –
Инсонлар дуст бўлдилар.

Инсонийлик фаслида,
Киммиз узи аслида?!
Бизсиз узни йуқ билган –
Ёронлар дуст бўлдилар...

10.10.2007.



* * *

Заргар дилим зари талош,
Жонқушимнинг пари талош,
Умрим йули тош бўлса ҳам,
Қири талош, жари талош.

Күзим ёгин ялаганлар,
Күксим доғин қалаганлар,
Уялишни билмадилар,
Кўнглим боғин талаганлар.

Тоғ синдирган дардларимни,
Сой тиндирган гардларимни,
Айтай десам бировига –
Тополмадим «мард»ларимни.

Талош айлаб йуғу борим,
Тинчимади дусту ёрим.
Ҳаммасини билиб турган –
Оллоҳ билан бўлди корим.

Одам билиб мени ҳам гоҳ,
Чин ҳолимдан булиб огоҳ,
Яхши ҳамки яхшилар бор –
Дуолари булган паноҳ...

23.06.2008.



ЎР

Не топсам-йўқотсам, шукур, кунглим тук,
Чузилар қўлимга ўзим қўйдим чуғ.
Бандаси олдида букилганим йук,
Тиз буксам, букканман Эгам қошида.

Саркашни эголмас на дук, на фармон,
На зурдан хавотир, на зардан хирмон.
Баъзан ором топиб, баъзида армон,
Бош эгсам, эгганман санам қошида.

Қайсарлигим асло кибрдан эмас,
Балки омадлиман, балки «нонемас».
Ҳеч кимса лек мени «таъмагир» демас,
Чук тушсам, чўкканман Отам қошида.

Тақдир тегирмони эзса тошида,
Йиғламадим – оғу берса ошида.
Чук тушиб, бош эгиб қабри бошида,
Ёш туксам, тукканман Онам қошида...

23.01. 2013.



БЕГОНА

Аслида маконим дил,
гаҳи жону тандаман,
Жаннат эди лойиғим,
дил ила гулхандаман.

Ҳайрон айлар қисматим,
билмам, нечук бандаман,
Ёндирса ҳам дард қалбим,
ҳамиша лабхандаман.

Дунё куйи бошқача,
мен бошқа оҳангдаман,
Ҳамма гул ўзгачадир,
ўзга буй-у, рангдаман.

Оддийликда майсадек –
номус ила шаъндаман,
Тилломан – қадри пинҳон,
ким билса – ушандаман!..

Мен бир гулман,
кибор гуллар бустонига бегона,
Мен бир куйман,
бенаволар достонига бегона.

Мен бир қушман,
кибру ҳаво осмонига бегона,
Топишмоқман –
кўҳна дунё чистонига бегона...



ЯРИМ ТУНДА

Кук – дастурхон, ой – патир,
Безовтасан, о, юрак.
Мен деб кимдир қайдадир –
Уйғонган булса керак.

Нима қилсанг қайтадир,
Чидар булдинг, о, юрак.
Мени кимдир қайдадир –
Қарғаган булса керак.

Ғамнинг тиши майдадир,
Санчаверма, о, юрак.
Мен деб кимдир қайдадир –
Йиғлаган булса керак.

Сув ичсам ҳам май татир,
Булди, етар, о, юрак.
Мени кимдир қайдадир –
Йуқлаган булса керак...



ЁМҒИР ЁҒДИ

Ёмғир ёғди, биринчи ёмғир,
Соф севгимиз тимсоли бўлиб.
Яшаш учун ҳақлимиз, ахир,
Ҳақнинг ошиқ инсони бўлиб.

Бизнинг масрур хаёлий дамлар,
Осмон бизни зимдан кузатди.
Чақмоқ чақиб, ёндирди шамлар,
Гулоб қуйиб, бизга узатди.

Шодлансин деб муҳаббат халқи,
Нигоҳлардан нигоҳлаб қўйди.
Яратганнинг амри-ла, балки –
Осмон бизни никоҳлаб қўйди.

Лаззатли дам, яйрайди бадан,
Қўнғил доим шодликка тўлсин.
Бағримдаги, эй тоза шабнам,
Сизга ёмғир муборак бўлсин!



НИМА БҮЛДИ

Нима бўлди, бугун менга нима бўлди?
Ҳисларимни олмам енга, нима бўлди?
Гузаллардан қизгонардинг узингни сен –
Қайсар кунглим, ахир сенга нима бўлди?

Аввалим-у, охиридан кунглим тукдай,
Куз келса ҳам баҳор каби атроф чўғдай.
Дунё гузал, ҳамма яхши – ҳеч гап йўқдай,
Юракдаги озоримга нима бўлди?

Дустлар қолиб, ғанимлар ҳам саломлашар,
Боз устига ҳатто қучиб, ачомлашар.
Билмам, недан хурсанд улар, айёмлашар,
Менинг касод бозоримга нима бўлди?

Аччиқ-аччиқ чақар эди, чақмай қўйди,
Йўқ айбимни тақар эди, тақмай қўйди.
Балки билди – фойдаси йўқ, балки тўйди,
Қўйнимдаги ул ёримга нима бўлди?

Хаёлида мени уйлаб, оҳлар чекар,
Ҳовлисига менга атаб гуллар экар.
Уз-ўзидан кўзларидан ёшлар тукар –
Кунглимдаги нигоримга нима бўлди?

Бу дунёга ҳушим йуқдир ё бутунлай,
Ҳеч ким билан ишим йуқдир – қандай қулай.
Ёзим билан қишим йуқдир, нима қилай,
Кузда қулган баҳоримга нима бўлди?

Нима бўлди, сиздай қизга нима бўлди?
Мен-ку, майли, гузал, сизга нима бўлди?
Бирда кулиб, бирда йиғлар бўлдик бизлар,
Жоним, айтинг, ахир бизга нима бўлди?!.



* * *

Насиб этса бир кун бир бахтли оним,
Кўнгил яна қайта ғунчалар девдим.
Лек мунча бўлишин кутмовдим, жоним,
Мунча сени севдим, мунчалар севдим?

Кўнгил ғунчалабмас, гуллаб юборди,
Бу дунёни ҳечга пуллаб юборди.
Соғинчларин бахтга улаб юборди –
Мунча сени севдим, мунчалар севдим?

Сен билан бахтимга кўзлар тегмасин,
Осмоний аҳдимга сўзлар тегмасин.
Энди бу кўнглимга қизлар тегмасин –
Мунча сени севдим, мунчалар севдим?

Икки олам қолиб, талпиндим сенга,
«Бағримдан кетма» деб ялиндим сенга.
Бир умр соғинар бахт бердинг менга –
Мунча сени севдим, мунчалар севдим?

Наво бўлиб оқдим, жуш урди қоним,
Севсам – юрагим бир куй чалар девдим.
Мен шунча бўлишин кутмовдим, жоним,
Мунча сени севдим, мунчалар севдим?!.



ҚҰРҚАМАН

Ажойибсиз, ажойиб,
Жамолингиз ғаройиб.
Қурқаман, бир кун булманг –
Кузларимдан сиз ғойиб.

Дунёдан қул ювибман,
Эрка оҳу қувибман.
Сиз паризод малакни –
Шу ҳолимга севибман.

Қайсар кунглим урланиб,
Қолди сизга урганиб.
Қурқаман, бир кун савил –
Қолмасайди уртаниб.

Ишқим илғаб кўзимдан,
Кулиб шеъру сўзимдан.
Қурқаман, бир кун келиб –
Зерикасиз ўзимдан.

Сезги уқдай учганда,
Севги чўғдай учганда.
Қурқаман, бир кун улгум –
Сиз ўзгани қучганда.

Ажойибсиз, ажойиб,
Хаёлингиз ғаройиб.
Қурқаман, бир кун булманг –
Ҳаётимдан сиз ғойиб...



СЕВГИ

Куксимни куйдирган ҳис экан севги...

(Г.Ж.)

Ихтиёрим ёнар, бардошим эриб,
Куксимни куйдирган ҳис экан севги.
Оромим урнига шайдолик бериб,
Борлигим туйдирган ҳис экан севги.

Беармон уриб гоҳ армон панжасин,
Бағримни уйдирган ҳис экан севги.
Дуч айлаб азобнинг яна қанчасин,
Жонимдан туйдирган ҳис экан севги.

Бахтсизлигим десам, бахтимдай суюк,
Бошга уй уйдирган ҳис экан севги.
Арзимас умримга шаън бериб буюк,
Ҳаётни суйдирган ҳис экан севги!..

21.01.2006.



НИГОҲЛАРИМ

Нигоҳларим нуқта топмишдир,
Топганда ҳам пухта топмишдир.
Шу нуқтада ёдим ёпмишдир,
Нигоҳларим нуқта топмишдир.

Оппоқ варақ кабидир қалбим,
Не хаёллар тикибдир лабим.
Топиларми яна мен кабим,
Нигоҳларим нуқта топмишдир.

Шум ҳолимдан арз этар нолам,
Чидай олмай дарз кетар олам.
Кипригимни сабз этар жолам,
Нигоҳларим нуқта топмишдир.

Бу не жоду, бу не синоат,
Шовқин аро сокин қаноат,
Ўзим – имом, ўзим – жамоат...
Нигоҳларим нуқта топмишдир.

Қароғимда армон яшар жим,
Қароғимдан уммон тошар лим.
Нигоҳимни тортаётган ким?!
Нигоҳларим нуқта топмишдир...

19.02.2006.



СИЗГА ЁҚМАЙ

Уйлаб-уйлаб хормоқдаман,
Уйлаб, бошим ёрмоқдаман.
Уйимга ҳеч етмай, билсам,
Сизга ёқмай бормоқдаман.

Яйрар эдим шух булбулдай,
Авайлардим сизни гулдай.
Энди эса арзон қулдай,
Сизга ёқмай бормоқдаман.

Кўзларингиз қулмайди ҳеч,
Кўнгилчангиз тўлмайди ҳеч.
Аввалгидек бўлмайди ҳеч,
Сизга ёқмай бормоқдаман.

Айтинг, жоним, нима қилай?
Не истайсиз – қандай билай?
Мен ўзимга сабр тилай,
Сизга ёқмай бормоқдаман.

Ёқмай борар сўзим менинг,
Сизни истар кўзим менинг.
Ёмонман-да ўзим менинг...
Сизга ёқмай бормоқдаман.

01.03. 2006.



ҚАЙДА ЭНДИ

Гулоб десам, кунглим менинг майда энди,
Кунглим чеккан оху зорлар найда энди.
Булбул эмас, бургут эдим осмондаги,
Мағрур эдим, мағрурлигим қайда энди?

Жамолингиз – кўзим нури, севинчлари,
Дийдорингиз – шайдо қалбим илинжлари.
Синдирдими қошларингиз қиличлари –
Мағрур эдим, мағрурлигим қайда энди?

Тинч кўринган асов сойга ўшар эдим,
Не парига рўйхуш бермай утар эдим.
Ўр эдим мен, саркаш эдим, ўжар эдим,
Мағрур эдим, мағрурлигим қайда энди?

Сизни кўриб, кунгил бериб қолдим, нетай,
Ишқ дардидан қочиб энди қандай кетай;
Бир вафодор итдай бўлиб садо этай –
Мағрур эдим, мағрурлигим қайда энди?

Тақдир экан – тикан қўшмай, гул бермаган,
Нечун аввал Сизга томон йўл бермаган,
Бобур эдим – охуларга дил бермаган,
Мағрур эдим, мағрурлигим қайда энди?..

05.03.2006.



* * *

Кунгилсизлик кунгилни-да йуқ қилади,
Кузларимдан соғинганим уқилади.
Мойчечакдай қалбим бир-бир тукилади,
Севасанми, севмайсанми, гузал ёрим?

Ярим тунлар исминг айтиб уйғонаман,
Яраланган йулбарс янглиғ тўлғонаман,
Яна минг бир гумонларга чўлғонаман,
Севасанми, севмайсанми, гузал ёрим?

Сени ҳеч ким мендай севиб «мунглим» демас,
Севиб ақлим адашгандир, кунглим эмас.
Бу оламда бир сир қолган – маълум эмас,
Севасанми, севмайсанми, гузал ёрим?

Бепарвосан, майли, жоним, мени дема,
Кунглим менинг армонларда синган кема,
Шундай бўлсанг, шундай бўлсам, кимга нима,
Севасанми, севмайсанми, гузал ёрим?!

Муҳаббат ҳам қуриб кетсин – йиғлатади,
Ўз дардинг-ла ўзингни-да тиглатади,
Чўғдай умид юрагимни чўғлатади,
Севасанми, севмайсанми, гузал ёрим?

20.03.2006.



МЕНДАН РОЗИ БУЛИНГ

Яхшининг сози бўлинг,
Сунг, майли, қози бўлинг.
Ким эдим, нима эдим,
Сиз мендан рози бўлинг.

Умр югурик экан,
Ҳаёт бир кўрик экан,
Меҳрли тирик экан,
Сиз мендан рози бўлинг.

Балки Ойдай тўлмайман,
Қўрқманг, гулим, сўлмайман,
Мен ёмонман – ўлмайман,
Сиз мендан рози бўлинг.

Ҳар не кўрдим купу кам,
Розиман то сунги дам.
Дўстлар-у, дўстмаслар ҳам,
Сиз мендан рози бўлинг.

Титратмасин ғам саси,
Ўтиб кетар ҳаммаси.
Яхши эдим, чамаси,
Сиз мендан рози бўлинг...

02.04.2006.



ДЕГИН

«Жоним» дегин, «асалим» дегин,
«Асалдан ҳам мазалим» дегин.
«Даволайман ўзим хасталаб,
Сиз ўзингиз касалим» дегин.

«Менга жондай ёқасиз» дегин,
«Фақат менга боқасиз» дегин.
«Бағрингизда дарёман ўзим,
Бағримда Сиз оқасиз» дегин.

«Бегим» дегин, «хаёгим» дегин,
«Танҳо Сизда хаёлим» дегин.
«Осмонларга бирга кетайлик,
Сиз бўласиз қанотим» дегин.

«Сиз ўшасиз, ўшасиз» дегин,
«Бахтимга бахт қўшасиз» дегин.
«Меҳрим берай Сизга бир умр,
Севгим билан жушасиз» дегин.

«Борим» дегин, «борлигим» дегин,
«Сиз ҳаммадан ортигим» дегин.
«Пешонамга яхши-ёмонми,
Қисмат битган ёрлигим» дегин...

Қулоғимга тутиб лабларни,
Шивирлаб қўй яхши гапларни.
Токи топай яшашдан маъно,
Кўзимга тор келмасин дунё!..

16.04.2006.



ЎЙЛАТАР МЕНИ

Фидодир йўғу борим,
Лек ёрим билмас зорим.
Парво ҳам қилмас ёрим –
Хаёл ўйлатар мени.

Отамнинг ули эдим,
Йигитнинг гули эдим...
Қадрим қолмади дедим –
Малол ўйлатар мени.

Не сулув эгиб бошлар,
Мени деб тукар ёшлар.
Чимрилиб қолар қошлар –
Увол ўйлатар мени.

Ёрда ҳамон хаёлим,
Ундан завқу малолим.
Йўқми менинг уволим?! –
Савол ўйлатар мени...

19.04.2006.



БУ ИШҚ

Юрагимга тўқилди бу ишқ,
Кўзларимдан ўқилди бу ишқ.
Икки дунё сени бор айлаб,
Мени мендан йўқ қилди бу ишқ.

Билмам, кимдан хатолар ўтди,
Еру кўкка садолар кетди.
Жонларимни адолар этди,
Мени мендан йўқ қилди бу ишқ.

Бургут эдим, йўлбарс эдим мен,
Балоларга нотарс эдим мен.
Қайсар эдим, асов, чарс эдим мен,
Мени мендан йўқ қилди бу ишқ.

Сен эмасми кўзларим нури,
Сен эмасми сўзларим дури.
Сен жаннатнинг гузали, хури,
Мени мендан йўқ қилди бу ишқ.

Бу ишқни мен сўраб олганман,
Жоним ичра ўраб солганман.
Қолган бўлсам, сенда қолганман...
Мени мендан йўқ қилди бу ишқ.

Юрагимга тўқилди бу ишқ,
Кўзларимдан ўқилди бу ишқ.
Икки дунё сени бор айлаб,
Мени мендан йўқ қилди бу ишқ...

30.10.2006.



* * *

Севгим менинг, севгилим,
Қайғумда ҳамдам бўлдинг.
Ожиз қолган чоғимда –
Енимда бардам бўлдинг.

Севгим менинг, севгилим,
Зулматимда шам бўлдинг.
Сулган кўнгил гулимга –
Ҳаётбахш шабнам бўлдинг.

Севгим менинг, севгилим,
Толеимда кам бўлдинг.
Кутилган бахтим десам,
Кутилмаган ғам бўлдинг...

05.06.2006.



* * *

Қайтолмаймиз бирга бахтли дамларга,
Нима қилса қилди энди шум тақдир.
Юрагимни едирдим мен ғамларга,
Нега сени мунча севдим мен ахир?

Аёл зотин хуш кўрмаган зот эдим,
Кимлар учун армон эдим, дод эдим.
Дил бўлмаса вужуд учун ёт эдим,
Нега сени мунча севдим мен ахир?

Ақлим айтар: «Утгин эди гул териб,
Нима кўрдинг гул чехрага дил бериб...»
Қайсар қалбим ёнар ҳамон йўл кўриб,
Нега сени мунча севдим мен ахир?

Девонаман, телбаларга даво йўқ,
Аtringсиз ҳеч нафас йўқдир, ҳаво йўқ.
Кўнглим учун исмингсиз ҳам наво йўқ,
Нега сени мунча севдим мен ахир?

Қайга боқмай – сен ўзингсан намоён,
Нетай, гулим, кетолмаймиз ёнма-ён.
Бу ҳолимни Оллоҳ билар, сен – аён,
Нега сени мунча севдим мен ахир?!

28.05.2006.



ЁМҒИР

Дунё дунё экан – маккор, ёлғончи,
Ошиғим отгандим, тушмади олчи.
Кўзимдан қуюлиб келади ёмғир,
Юрагимга томиб ёндираар томчи.

Бизни учраштирди куздаги ёмғир,
Бизни ажраштирди куздаги ёмғир.

Танҳо сенга кўнглим ром бўлди, жоним,
Изингда кундузлар шом бўлди, жоним.
Ёниб-қуйсам ҳамки ишқингда ўзим,
Урмимиз савдоси хом бўлди, жоним.

Бизни учраштирди куздаги ёмғир,
Бизни ажраштирди куздаги ёмғир.

Сендан айрилганда жон ила таним,
Чақмоқлар чақилди қалбимда маним.
Муаллим ҳаётнинг севги дарсида –
Армон бўлди менинг англаган фаним.

Бизни учраштирди куздаги ёмғир,
Бизни ажраштирди куздаги ёмғир.

Ғам тоши тегдими адашмай қаттиқ,
Шунданми сочда оқ, юракда санчиқ.
Кўзим ўзимники эмасми, ахир,
Ёмғири шунчалар бўларми аччиқ?!

Бизни учраштирди куздаги ёмғир,
Бизни ажраштирди куздаги ёмғир...

21.06.2006.



ХАЁЛ

Қуш бўлсам-у, деразанг чертсам,
Шикаста шу қанотим билан.
Ахир, нетай, Сени мен севсам –
Дил деган бор бисотим билан...

Осмондаги олтинчи қават,
Қалбим айтар: «Уч, ахир, қушсан...»
Учиб чиқиб, майли, берухсат,
Эшигинга гул илиб тушсам...

Хаёл, хаёл, бошламас қайга,
Дил ноласи ўхшайди найга.
Зор-зор йиғлаб остонангда, ёр,
Майдан келиб, кетаман майга...

Шамолдаги қамишга ўхшаб,
Эгиларман, синмасман лекин.
Ва бегона танишга ўхшаб –
Ҳаётингда ўтарман секин...

Қуш бўлсаму, деразанг чертсам,
Шикаста бир қанотим билан.
Ахир, нетай, Сени мен севсам –
Юрак деган бисотим билан...

Хаёл, хаёл – бошламас қайга...

22.06.2006.



ЯХШИМИДИМ

Алдагани яхшисиз...
(Г.Ж.)

Ай бераҳм, вафойинг йўқ,
алдагани яхшимидим?
Кипригингдан кўксима ўқ
қадагани яхшимидим?

Эслаб ширин пайтларимни,
битар бўлдим байтларимни,
Узимни-да ўзим алдаб,
яна яъни яхшимидим?

Юзинг эди ки жаннатим,
курмоқ эди ғаниматим,
Ул чехрани гул чехра деб
атагани яхшимидим?

Шаробингдан мастонаман,
девонаман, афсонаман,
Эл наздида ёмон бўлдим –
севиб сани, яхшимидим?

Нима деса десин мардум,
яхши-бадим сенга маълум,
Энди ўзинг, чин бир сўзинг,
айтгин қани – яхшимидим?!

02.07.2006.



ЛАЙЛИМ, ҚАЙДАСАН?

Кўзларимдан ёғади ёмғир,
Ғам булутин қандай ҳайдасам?
Сенсиз менга жудаям оғир,
Мажнун бўлдим, Лайлим, қайдасан?

Меҳр бериб юрак юракка,
Ўшар эди севги эртакка.
Сигмадик сўнг еру фалакка,
Мажнун бўлдим, Лайлим, қайдасан?

Минг найга куй мендаги наво,
Бир қамишча қадрим йўқ аммо.
Қадрим майли, дардим бедаво,
Мажнун бўлдим, Лайлим, қайдасан?

Бошим олиб, чўлга кетсайдим,
Балиқлар дўст кулга кетсайдим.
Сенга элтар йўлга етсайдим,
Мажнун бўлдим, Лайлим, қайдасан?

Кўзларимдан ёғади ёмғир,
Ғам булутин қандай ҳайдасам?
Сенсиз менга жудаям оғир,
Мажнун бўлдим, Лайлим, қайдасан?!

13.08.2006.



ҚАЙСАР КҮНГИЛ

Күзига күзларим тушмасин девдим...
(Г.Ж.)

Айрилиқ ақлингни пешласин девдим,
Узга ёр қалбингни хушласин девдим.
Учрашиб қолсак ҳам ҳаёт йулида –
Күзингга күзларим тушмасин девдим.

Сендан мен шундайин кетдим йироқлаб,
Келсанг ҳам баъзида мени суроқлаб,
Эшигим очмадим, ғурурим сақлаб,
Күзингга күзларим тушмасин девдим.

Мен сени унутдим, унутдим, ахир,
Муҳаббатим қолди бағримда сағир.
Фақат... учраштириб қолганда тақдир –
Күзингга күзларим тушмасин девдим.

Йиллар утиб кетди мисли эрмақдай,
Яшадим кимгадир гуё керақдай.
Учрадинг йулимда яна эртақдай,
Күзингга күзларим тушмасин девдим.

Күзингга күзларим тушди ногаҳон,
Бир зумда... бир зумга... узгарди жаҳон.
Сунг тагин йулимда этдим мен давом...
Күзингга күзларим тушмасин девдим.

04.01.2007.



ЭСЛАБ ҚҮЙ

Эслаб юрадиган одатим йўқ.
(Г.Ж.)

Эртак бўлди гузал муҳаббат,
Керак бўлди тарки садоқат.
Майли, айлаб меҳрни қаҳат –
Эслаб юрма, эслаб қуй фақат.

Сен бағримда эрка юрардинг,
Асралганча гулдай турардинг,
Аёл бахтинг балки кўрардинг...
Эслаб юрма, эслаб қуй фақат.

Майли, мендан йироқ кетавер,
Бахт билганинг бўлса – етавер.
У кунларни унут этавер,
Эслаб юрма, эслаб қуй фақат.

Мен қалбимни кўмиб ташладим,
Бўлмас энди рашку, ғашларим.
Суйишларим, эркалашларим –
Эслаб юрма, эслаб қуй фақат.

Ногоҳ алам дилга солса из,
Ё уйғонса соғинч деган ҳис.
Сен ўзингни сезмагин ёлғиз –
Эслаб юрма, эслаб қуй фақат.

Ёдимдадир барча-барчаси,
Юрагимнинг сенда парчаси.
Очиқ қолди бахтим дарчаси,
Эслаб юрма, эслаб қўи фақат...

02.09.2006.



* * *

Кипригимга томчи ашк илиб,
Юрагимни қўйди ғаш тилиб.
Ўзимдан ҳам ёрни рашк қилиб –
Жаннат севгим бўлди жаҳаннам,
Кўнглим, сени нима қилсам кам.

Ёрим дилкаш, гузал, гулбадан,
Чехраси гул, сочлари суман.
Қизғонаман уни ҳаммадан –
Жаннат севгим бўлди жаҳаннам,
Кўнглим, сени нима қилсам кам.

Рашк олови қалбимни ёқиб,
Хаёл кетди тўрт томон оқиб.
Келмасми, ёр, вафоли боқиб,
Жаннат севгим бўлди жаҳаннам,
Кўнглим, сени нима қилсам кам.

Ёрни менга суйдирган кўнгил,
Кўзларимни куйдирган кўнгил.
Ишқ азобин туйдирган кўнгил...
Жаннат севгим бўлди жаҳаннам,
Кўнглим, сени нима қилсам кам...

06.09.2006.



* * *

Сенинг ишқинг яшар қалбим ичида,
Сенинг мухаббатинг жоним ичра бор.
Айрилиқ кунда, ҳижрон кечда –
Хаёлим ўзингга қайтаверар, ёр,
Юрагим исмингни айтаверар зор.

Севги рўмол эмас – ранги учмайди,
Меҳр кўйлак эмас – тукмайди оҳор.
Сендан икки дунё кўнглим кечмайди –
Хаёлим ўзингга қайтаверар, ёр,
Юрагим исмингни айтаверар зор.

Сени кўргим келса – қайга борайин,
Қайга чорлай сени – бўлсам интизор.
Бу дарди дилимни кимга ёрайин –
Хаёлим ўзингга қайтаверар, ёр,
Юрагим исмингни айтаверар зор.

Шафқатинг умиди куч берар менга,
Раҳминг йўқлигидан орзуларим хор.
Оламда қайси йўл элтмайди сенга –
Хаёлим ўзингга қайтаверар, ёр,
Юрагим исмингни айтаверар зор.

Сенинг малоҳатинг кўзим олдида –
Қишда очилган гул, ёзда ёкқан қор.
Сенсиз йўқман, ахир, Худо ёдида!
Хаёлим ўзингга қайтаверар, ёр,
Юрагим исмингни айтаверар зор...

02.11.2006.



УХЛАСАМ

Қайдан топай сендай Лайлини,
Саҳроларда ҳарчанд йиғласам.
Айтгин, ахир, жоним, майлими –
Қучоғингда қирқ кун ухласам?

Соғинаман васлингги хумор,
Шод кимсага кошки ўхшасам.
Тонги отмас кечада бедор –
Қучоғингда бир тун ухласам.

Ҳаёт пойга – шому эргалаб,
Илож топиб қани тўхтасам.
Севиб-севиб сени эркалаб –
Қучоғингда бир зум ухласам...

02.11.2006. Ангрени



СОҒИНАР

Сени ўзим эмас – кўзим соғинар...
(...)

Сени ўзим эмас, кўзим соғинар,
Исмингга айланган сўзим соғинар.

Келмасанг, гўзалим, дилга доғ инар,
Кел, жоним, келмасанг, кўнглим оғринар.

Оҳим етмас наҳот сендай малакка,
Бўғзимда титраган бўзим соғинар.

Қайдан даво олай куйган юракка,
Баҳори адашган кўзим соғинар.

Қайда у нафасинг – жонимга эрка,
Соғинчдан сарғайган юзим соғинар.

Юрагим йиғлайди овунмай якка,
Қалбимда бетоқат тўзим соғинар.

Сени ўзим эмас, кўзим соғинар...

09.11.2006.



ГУЗАЛЛАР ФАРҚИ

Ёлғони кўп экан ширин розида,
Вафо бўлар экан асли озида.
Бир-бир суйиб, билдим эски ҳикматни –
Гўзалларнинг фарқи экан нозида.

Ушал қош, ушал кўз, ушал киприклар,
Ушал карашмаю, гўзал шўхликлар.
Алар париларга азал шериклар –
Гўзалларнинг фарқи экан нозида.

Ҳар бири узича жилвалар этар,
Нозига қўшимча ҳийлалар этар.
Ақлу ҳушинг олиб телбалар этар –
Гўзалларнинг фарқи экан нозида.

Маили, кўнгил сўраб келгани қолар,
Ҳатто ёлғонми-чин севгани қолар.
«Сиз яхши экансиз...» дегани қолар –
Гўзалларнинг фарқи экан нозида.

Кўп севдим, севилдим, мастона бўлдим,
Эл ичра «ошиқ» деб афсона бўлдим.
Лек бир ёр ишқида девона бўлдим –
Гўзалларнинг фарқи экан нозида.

Ул санам ҳеч кимга асло ўхшамас,
Соғинганда кўзда ёшим тўхтамас.
Гўзал кўп, ҳеч бири аммо ўшамас –
Гўзалларнинг фарқи экан нозида...

12.11.2006.



ҚАЛБИМ, АЙТ

Дилим, йиғлаб-йиғлаб тўлмагин зорга,
Юрагим, сен энди ғамлардан кечгин.
Қалбим, тош булгин-у, бориб айт ёрга –
«Менга Сиз ҳеч кимсиз, Сизга мен ҳеч ким».

Уйлардим – ёрнинг ҳам менда кўнгли бор,
Ҳар қандай тушнинг ҳам баъзан унги бор.
Қалбим, айт, пойига чуқиб сўнги бор –
«Менга Сиз ҳеч кимсиз, Сизга мен ҳеч ким».

«Муҳаббат дардлари эскирди», дегин,
«Айрилиқ шамшири кескирдир», дегин.
Қалбим, айт, «менга ҳам эс кирди», дегин,
«Менга Сиз ҳеч кимсиз, Сизга мен ҳеч ким».

Соғинтирмай энди севги ҳам ўлсин,
Бизни унутганга омонлик бўлсин.
Қалбим, айт, ул ёрнинг кўнгли ҳам тўлсин –
«Менга Сиз ҳеч кимсиз, Сизга мен ҳеч ким».

Дилимни ўтмоқда дард тиғи йуниб,
Юрагим кетмоқда шам каби сўниб.
Қалбим, айтолмайсан нега сен кўниб –
«Менга Сиз ҳеч кимсиз, Сизга мен ҳеч ким...»

14.11.2006



* * *

Ҳамон кўзим қароғида сен,
Ёдим яқин-йироғида сен.
Қоронғуда ёрқин нур бўлиб –
Ёнган қалбим чироғида сен.

Оро бериб дил бустонига,
Маъно бўлдинг ишқ достонига.
Чорласам ҳам бахт осмонига,
Қолдинг алам тупроғида сен.

Сен малаксан, сенга таъриф кам,
Сенда Ойнинг курки мужассам.
Инжу бўлиб товланган шабнам –
Орзугулим япроғида сен.

Хаёлимсан юрган йулимда,
Ҳаётимсан жону дилимда.
Эрка эдинг кеча қўлимда,
Бугун кимнинг оёғида сен?!

Ҳамон кўзим қароғида сен...

23.11.2006.



* * *

Сен – тувакда уртанмаган гул,
Мен – қафасга урганмаган куш.
Эркисизликка кўникмоқ буткул –
Иккимизга асло келмас хуш.

Кимларгадир бунинг фарқи йўқ,
Писанд қилмас ҳеч қандай ҳисни.
Гоҳ ялиниб, гоҳо уриб дўқ –
Кўндирмоқчи булишар бизни.

Тувакларни зарҳалга бўяб,
Тилла айлаб қафасларни ҳам.
Узиники қилмоқчи булар –
Бизлар олган нафасларни ҳам.

Лек мумкинми чекламоқ йўлни,
Санаб барча қадамларни ҳам.
Ўзгартириб буларми дилни –
Яшириб бор рақамларни ҳам.

Чин ошиқлар етганлар сирга,
Оҳлари ҳам ўтар ҳисобга.
Улар балки кўнар тақдирга,
Лек кўнмайди сохта азобга.

Кимлар бундан беҳабар буткул,
Ё беписанд, хато кўрар туш.
Сен – тувакда уртанмаган гул,
Мен – қафасга урганмаган куш...

24.11.2006.



ЖОДУГАР ҚИЗ

Жодугарман, билмайсизми..

(Г.Ж)

Билувдима, билувдим,
Билиб, яна келувдим.
Афсунинг не бўлар, деб –
Парво қилмай, кулудим.

Жодугар қиз, жодулаб,
Олдинг ақлу хушимни.
Денгиз кетди ловуллаб,
Сувга айтсам тушимни.

Лочиндай парвозланиб,
Юрганимда созланиб.
Тушдим булбул кўйига,
Гулдай кулсанг нозланиб.

Жодугар қиз, жодулаб,
Олдинг мағрур кўнглимни.
Қолдим, ҳайҳот, ёхулаб,
Топмай ўнгу сўлимни.

Бу дунё нима энди,
Чўлдаги кема энди.
Нигоҳинг жон йўлига –
Ташланган нина энди.

Жодугар қиз, жодулаб,
Олдинг дилу жонимни.
Чўққилар кетди қулаб,
Тошга уйсам номингни.

Бу оламда ҳеч пари,
Булолмас сен сингари.
Аксинг тушса дарёга,
Сувлар оқди тескари.

Жодугар қиз, жодулаб,
Олдинг йўғу боримни.
Энди дилга ўт қалаб,
Тингламайсан зоримни...

15.12.2006.



ЯРАЛГАНМИ

Отмоққа шай найзаларин,
Камон қошдан яралганми?
Сезмайсан дил ларзаларин,
Қалбинг тошдан яралганми?

Кузим йиғлаб тухтамас ҳеч,
Чашма ёшдан яралганми?
Раҳми борга ухшамас ҳеч,
Қалбинг тошдан яралганми?

Тилим лол-у, севгим ошкор,
Нигоҳ фошдан яралганми?
Интизорим бари бекор,
Қалбинг тошдан яралганми?

Бобур айтар: Наҳот тақдир,
Шундай, бошдан яралганми?
Айт, гузалим, айтгин, ахир,
Қалбинг тошдан яралганми?!.

25.12.2006.



ҚАЙДАНАМ

Куйида ғамгин наво,
Ором йуқдир найданам.
Бевафо, о, бевафо,
Сени курдим қайданам.

Кузим тушиб кузинга,
Алданиб шуҳ сүзинга,
Дил боғланар узинга,
Сени курдим қайданам.

Сендан кунгил узсайдим,
Майли, танҳо кезсайдим,
Уз қадримни сезсайдим,
Сени курдим қайданам.

Жафо гарчи эмас кам,
Ошиқ куйдим демаскан,
Кунгил кулда эмаскан,
Сени курдим қайданам.

Наводан ҳам йуқ даво,
Таскин йуқдир майданам.
Бевафо, о, бевафо,
Сени курдим қайданам!

04.01.2007



ИЗЛАМАНГ

Сизни севиб жон-дилдан,
Қизғониб ҳар булбулдан,
Кўнгил уздим сиз – гулдан,
Энди мени изламанг.

Келмадингиз, кутганда,
Жоним алам ютганда,
Сизни мен унутганда –
Энди мени изламанг.

Адашган нигоҳлардан,
Савобу гуноҳлардан,
Афсусу «эвоҳ»лардан –
Энди мени изламанг.

Умид қолмай вафодан,
Кетдим сизнинг дунёдан,
Бир кун еру самодан –
Энди мени изламанг.

Муҳаббат саҳросида,
Оқибат дарёсида,
Ўзга ёр сиймосида –
Энди мени изламанг...

04.01.2007.



* * *

Қучоғимда Ой тулди,
Наҳотки сен тулмасанг.
Юлдуз кулди, гул кулди,
Наҳотки сен кулмасанг.

Қошинг камон-ёй келди,
Ишқ жафога бой келди,
Дардим сұраб сой келди,
Наҳотки сен келмасанг.

Куксингдаги оқ мәрмәр,
Бир жуфт гүзал кабутар,
Соғинчин кимга айтар,
Наҳотки, ёр, билмасанг.

Жоним, сенга айтай сир,
Қучоғимга яйраб кир.
Менга икки дунё бир –
Бағримда сен булмасанг...

04.01.2007.



* * *

Сувсиз қайтган каби дарё қирғогидан,
Ҳайдаламан энди севги чорбоғидан.
Менга ёрнинг юрагидан жой бўлмади,
Тутган бўлсам тутган эдим бармоғидан.

Ишқида чин ёнганимни билмадилар,
Мен ошиқни ё назарга илмадилар.
Қўймадилар охири бор кўргани ҳам,
Муҳаббатим ҳурмагини қилмадилар.

Ишқ боғига энди қандай бўйланаман,
Севганимми хато бўлди, уйланаман.
Ёр-ку, балки кетар бўлди қиё боқмай,
Мен кунглимни овутолмай қийналаман.

Умидим йўқ шум тақдирнинг паноҳидан,
Парвоси йўқ ёрнинг ҳам ўз гуноҳидан.
Юрагидан жой бўлмади менга ёрнинг,
Упган бўлсам, упган эдим нигоҳидан...

07.01.2007.



КЕЧИРДИМ МЕН

Ким булибман – кечмас биров гуноҳин,
Ким булибман – танимаган паноҳин.
Ушал ёрни – билмаган дил огоҳин,
Кечирдим мен, сен ҳам кечир, Оллоҳим.

Уюб-уюб, камон айлаб қошларин,
Билиб-билмай отди таъна тошларин.
Ушал ёрни – туккан кўзим ёшларин,
Кечирдим мен, сен ҳам кечир, Оллоҳим.

Муҳаббатда балки бахтим кулмаган,
Оқибатда омадим ё келмаган.
Ушал ёрни – кунгил нима, билмаган,
Кечирдим мен, сен ҳам кечир, Оллоҳим.

Ишонибман асли дилсиз сувратга,
Дуч келмасин ҳаётида кулфатга.
Ушал ёрни – арзимаган нафратга,
Кечирдим мен, сен ҳам кечир, Оллоҳим.

Кечир – кунглим куйса каму мулингда,
Тақдирим-ку аввал-охир қулингда.
Ушал ёрни – севганимни – йулингда...
Кечирдим мен, сен ҳам кечир, Оллоҳим!

25.01.2007.



АДАШДИМ

Билмам, қайси кезде адашдим,
Баҳор ўтиб, кузда адашдим.
Кулиб туриб ёлғон сўзлаган –
Қаро-қаро кўзда адашдим.

Сендан ўзга бўлмайди деган,
Сенсиз кўнглим тўлмайди деган,
Сен-ла бахтим сўлмайди деган –
Ушал ширин сўзда адашдим.

Жоним, қўйгин ёлғонларингни,
Ёлғон «оҳ»у фиғонларингни.
Билдим қайда қолғонларингни...
Сен адашган изда адашдим.

Ўзимданам тонганим билан,
Қадрим йўқдир, қалбимда тикан.
Эримади ёнганим билан –
Қалбингдаги музда адашдим.

Қисқа экан муҳаббат фасли,
Кўнгилга зор одамзот насли.
Кўнгил эмас, жоним, мен асли –
Манглайдаги тузда адашдим...

26.01.2007.



УШАЛ КУНЛАР

Севги – гузал, меҳр – мунис,
Юракларда дилбар унлар.
Хаёл ичра яшар олис,
Ушал кунлар, ушал кунлар.

Орамизда бугун дарё,
Ўртамизда бугун қумлар.
Бизлар билан бирга, аммо,
Ушал кунлар, ушал кунлар.

Тақдирга ҳам кундик гуё,
Кузлар энди тукмас хунлар.
Фақат ёдда тушми, рўё,
Ушал кунлар, ушал кунлар.

Алвон-алвон отмоқда тонг,
Ортда қолиб қора тунлар.
Ёритади дилни ҳамон,
Ушал кунлар, ушал кунлар...

2007 й.



АЙТОЛМАЙМАН ДАРДЛАРИМ

Дардимни тошга айтсам,
Тоғлар юриб кетмасми,
Дарё ё қулга айтсам,
Суви қуриб кетмасми,
Бебош шамолга айтсам,
Ерга кириб кетмасми –
Куринг рангим зардларин,
Айтолмайман дардларим.

Дардимни тунга айтсам,
Оромидан қолмасми,
Қизиган кунга айтсам,
Баттар оташ олмасми,
Булутга – шунга айтсам,
Йиғлаб, уввос солмасми –
Тукмай ҳатто гардларин,
Айтолмайман дардларим.

Муҳаббатдан шикоят,
Қилармиди ошиқлар,
Вафо нима, ниҳоят,
Билармиди маъшуқлар,
Созлар чидаса, шояд,
Булармиди қушиқлар –
Куринг кунгил шартларин,
Айтолмайман дардларим.

Бир гузалга бемалол,
Унут булган бир тушман,
Айламайман арзи ҳол,
Майли, балки, хомушман,
Англаб қолса – булиб лол,
Ҳайрон қолар дуст-душман,
Аяб ҳатто мардларин,
Айтолмайман дардларим...

11.02.2007.



КЕРАКМИДИ?

«Севдим» деган юракмиди?
Ишқ ёнмоқдан даракмиди?
Суйдим мана, куйдим мана,
Ёр, сенга шу керакмиди?

Дилни ўтга солиб кетдинг,
Хаёлимни олиб кетдинг,
Нигоҳимда қолиб кетдинг –
Ёр, сенга шу керакмиди?

Кетавердинг раҳм қилмай,
Бобур ҳолин асло билмай,
Соянг каби қолдим жилмай –
Ёр, сенга шу керакмиди?

Бошим қуйдим остонангга,
Қарамадинг мастонангга,
Айландим-ку афсонангга...
Ёр, сенга шу керакмиди?

«Севдим» деган юракмиди?
Жондан кечмоқ даракмиди?
Суйдим мана, куйдим мана,
Ёр, сенга шу керакмиди?!.

23.02.2007.



* * *

Нигоҳимни тортар гупроқ,
Юрак – хазон бўлган япроқ.
Бандага дил бердим, бироқ,
Аллоҳ севди мени купроқ.

Хуш куриб хуш хандасини,
Севган эдим бандасини.
Билдирди арзандасини,
Аллоҳ севди мени купроқ.

Севар эдим вафо билан,
Кунгил тула наво билан.
Синаб-синаб жафо билан,
Аллоҳ севди мени купроқ.

Рашк айлаб дил берганимдан,
Бирга шодон юрганимдан.
Айирди хуш курганимдан,
Аллоҳ севди мени купроқ.

Кумиб ғамнинг гардларига,
Ишқни берар мардларига.
Чидар бўлдим дардларига,
Аллоҳ севди мени купроқ.

Гарчи дилда алам чуғдир,
Армон занглаб ётган уқдир.
Бандасидан гинам йуқдир,
Аллоҳ севди мени купроқ...

21.04.2007.



МЕҲРИНГ КЕРАК

Сенсиз нафас нафас эмас,
Сени севган юрак, ахир.
Дунё эмас, ҳавас эмас –
Менга меҳринг керак, ахир.

Терак қаддим дол айладинг,
Ипак қалбим шол айладинг,
Йиғит қадрим чол айладинг –
Менга меҳринг керак, ахир.

Огаш дилни музга бердим,
Ширин тилни тузга урдим,
Қирққа етмай юзга кирдим –
Менга меҳринг керак, ахир.

Юрагимга доғ индирдинг,
Хабар олмай – оғрингирдинг.
Жоним, мунча соғинтирдинг –
Менга меҳринг керак, ахир.

Ёлғизман ишқ саҳросида,
Оқдим алам дарёсида.
Севгисизлар дунёсида –
Менга меҳринг керак, ахир...

27.11.2007.



* * *

Тушимдасан ҳатто ёз оқшомида,
Ҳаловат қолмади дил оромида.
Исминг уқиб ҳар бир юлдуз номида –
Чиройинг топмадим тулин Ойда мен.

Узрим бор дардимдан безор найлардан,
Лек маъни йуқ тарки наво айлардан.
Утишингни билсам ахир қайлардан –
Бесас қолмайманми ушал жойда мен?!

Чеҳрам кулса ҳамки нигоҳим маҳзун –
Барчага ёд бўлди ушбу табассум.
Қурқаман юмгани кўзимни бир зум –
Аксингни асрайман гуё сойда мен.

Бесабаб гоҳ тукиб чашмим ёшини,
Эритай десамда қалбинг тошини.
Беҳуда бу ишнинг англаб фошини –
Ҳайрон кулол каби қолдим лойда мен.

Дил уйига армон пешайвон бўлди,
Ишқни билмаганлар хушхандон бўлди.
Севиб, топганларим пушаймон бўлди –
Афсусдан қурмадим гарчи фойда мен...

2008 ил, январь



* * *

Марварид осуда оқшомда Ҳилол –
Нурин таратади беғубор, зилол.
Майин нурларида(н) тутиб бир кўзгу,
Юракдаги ёрни эслатади у.

Гузал эди ўшал қошлари камон,
Дилда муҳаббати то ҳануз омон.
Уни эслаганда кўз топар зиё,
Ким билади у ҳам соғиндимми ё?!

Дераза олдида сурганча хаёл,
Кимни уйлар энди шуҳ соҳибжамол.
Мунис кўзларида порлаб нам инжу,
Соф меҳримни менинг эслармикин у?!

Нигоҳин оҳиста солиб Ой томон,
Балки унутмаган ёр мени ҳамон.
Кунгил ойнасини чертар дилрабо,
Дарз кетмасми дилим – боқмаса қиё?!

Марварид осуда оқшомда ҳилол –
Нурин таратади беғубор, зилол.
Майин нурларида(н) тутиб бир кўзгу,
Юракдаги ёрни эслатади у...

03.02.2008.



ОНАМ

Ёстиққа бошин қўйиб,
Хайрлашди жон билан.
Оқди кўздан ёшларим –
Тўхтамасдан, қон билан.

Онам борида кўнглим,
Уксимасди кам билан.
Ана энди билинди,
Дил оғриғи ғам билан.

Эдик онам борида,
Хоннинг ўғил-қизидай.
Биз онамдан айрилиб,
Қолдик етим кўзидай.

Волидамиз борида,
Не истасак бор бўлди.
Сўнг онамдан айрилиб,
Кенг уйимиз тор бўлди.

Етим боши тош келар,
Дийдасига ёш келар.
Дарё бўлди кўзларим,
«Она» деса бошқалар.

Онагинам борида,
Билмай қолдим қадрини.
Мен онамдан айрилиб,
Кимга айтай дардимни...

03.02.2008.



ОМАД

Омад келса – олчи тушар ошиғинг,
Омад кетса – тополмайсан қошиғинг.

Омад келса – қариндошдир ётлар ҳам,
Омад кетса – эшаклашар отлар ҳам.

Омад келса – ёринг сендан розидир,
Омад кетса – боланг сенга қозидир.

Омад келса – «жоним» дерлар мастона,
Омад кетса – сотадилар «дустона».

Омад келса – фазилатдир хатоинг,
Омад кетса – нарх кутармас матоинг.

Омад келса – туширмаслар турдан ҳеч,
Омад кетса – қолиш мумкин гурдан кеч.

Омад келса – салом қолмас беалик,
Омад кетса – ҳатто суяк беилик.

Омад келса – омад сенга улфатдир,
Омад кетса – бахтинг чала кулфатдир...

15.02.2008.



ДАРДЛАШГИМ КЕЛАР

Беном қайғу бағримни тилар,
Буни фақат Худойим билар.
Кимдир пинҳон, ким ошкор кулар,
Менинг баъзан дардлашгим келар.

Дустдан куриб ногоҳ хиёнат,
Омонатми дедим диёнат,
Ё келдими охир қиёмат,
Менинг баъзан дардлашгим келар.

Юрак зада, юрак яродир,
Ёниб-куйиб тугаб бородир,
Меҳр курмай меҳр беродир,
Менинг баъзан дардлашгим келар.

Нега кукси доғдир лоланинг,
Нега кузи ёшли боланинг,
Нега мунги купдир ноланинг,
Менинг баъзан дардлашгим келар.

Ёш туголмай қийналар кузим,
Ҳасрат булди куйлаган сузим,
Кимни балки йиғлатдим узим,
Менинг баъзан дардлашгим келар...

15.02.2008.



КЕЧИРИМ

Худонинг эркаси, мени кечиринг,
Қолдирманг юракда мен сабаб тугун.
Нима қолган бўлса – дилдан учиринг,
Кечиринг, мен сизни севганим учун.

Уйлабман – тулар деб дарз кетса ҳам хум,
Меҳр-ла эласам зар булар деб қум.
Яхши-ёмонимни унутинг бир зум,
Кечиринг, мен сизни севганим учун.

Кеча бебош эдик, шўх эдик балки,
Газга яқинлашган чўғ эдик балки.
Оқибатни билган йўқ эдик балки,
Кечиринг, мен сизни севганим учун.

Ажабки, бахтлисиз – кулмасангиз ҳам,
Менга энди вафо қилмасангиз ҳам,
Шу кетганча қайтиб келмасангиз ҳам...
Кечиринг, мен сизни севганим учун.

Жавобим йўқ экан – йўқдир саволим,
Ва бундан гард каби йўқдир малолим,
Балки сизни тутмас, ахир, уволим,
Кечиринг, мен сизни севганим учун.

Нимани уйладим, айладим нени,
Барини сурайди эртами, бугун.
Эркасиз-ку, айтинг, кечирсин мени –
Худо ҳам, мен сизни севганим учун!

Худонинг эркаси, мени кечиринг...

21.02.2008.



МЕНГА ҲАМ УРГАТИНГ

Менга ҳам ургатинг соғинмасликни...
(...)

Менга ҳам ургатинг соғинмасликни,
Барин унутмоқни ургатинг менга.
Ургатинг гоҳ уйлаб оғринмасликни,
Ва бу ишқни қандай олмоқни енга.

Менга ҳам ургатинг ташлаб кетишни,
Ва айта олмоқни аччиқ сўзларни.
Ургатинг аямай ёшлаб кетишни –
Изингиздан қараб қолган кўзларни.

Менга ҳам ургатинг, садқаси бўлай
Ишқингиз ургатган ҳар бир сабоқнинг.
Ургатинг, англатинг: мен нима қилай –
Хумори уртаса оташ дудоқнинг.

Менга ҳам ургатинг суйинмасликни,
Бепарво бўлмоқни – агар суйсалар.
Ургатинг ҳеч қачон куйинмасликни –
Ишқингизда ёниб-ёниб, куйсалар.

Менга ҳам ургатинг лаззат олишни,
Ўзгани севдириб, ўзи севмасдан.
Ургатинг бир умр ёдда қолишни,
Ва келмай кетмоқни бир сўз демасдан.

Менга ҳам ургатинг... соғинмасликни...

21.02.2008.



* * *

Гуссалар унут бўлди,
Дилда бир сукут бўлди.
Осмонлар булут бўлди –
Ёмғир бўлиб тўкилдим.

Яна хуморман бу тун,
Сабрим қолмади бутун.
Юрак эдим бир бутун –
Чок-чокимдан суқилдим.

Ёрдан кетиб зор бўлдим,
Ёрга кетиб бор бўлдим.
Ёрга етиб ёр бўлдим –
Мен узимни йўқ қилдим.

Келиб-кетар баҳорлар,
Оқиб ётар анҳорлар.
Аҳли ушшоқ такрорлар –
Китоб бўлиб ўқилдим...

01.02.2011.



ТАҚДИР ҚАЙДА

Тақдир балки йулдадир,
Тошми, сувми, гилдадир.
Тақдир ёки чулдадир,
Ё дарёйи Нилдадир.

Тақдир балки қулдадир,
Кафтинг аро гулдадир.
Тақдир ёки ҳулдадир,
Ёки қуруқ кулдадир.

Тақдир – тақвим вароғи,
Кун-у, ойу йилдадир.
Балки тақдир суроғи –
Қандай ният дилдадир.

Қарайди балки тақдир,
Одам қандай феълдадир.
Инсон учун барибир,
Тақдир аввал элдадир.

Тақдир балки манглайда,
Узи ёпган қилдадир.
Тақдир ёки танглайда,
Аниқроғи тилдадир.

Нишон айлаб кўзимни,
Ғаним қўли милдадир.
Тақдир, англанг сўзимни –
Рақиб берган чилдадир!..



ДУСТГА ТИЛАК

Сизга, дуст, айтсам тилак –
Ёзда ёққан қор бўлманг.
Ҳар дамнинг гашти булак,
Куз келган баҳор бўлманг.

Нури кетса оламнинг,
Дарди бўлмас беғамнинг.
Сиз ҳам ундай одамнинг –
Ёнида зинҳор бўлманг.

Заҳри ёмон қамчининг,
Қили мул арғамчининг.
Мунофиқ, алдамчининг –
Қулидаги тор бўлманг.

Дилингизни тилса гар,
Йиғлатиб ҳам кулса гар.
Қулингиздан келса гар –
Ёмонга даркор бўлманг.

Ёмонга яхши бўлинг,
Яхшилар нақши бўлинг.
Шоирми, бахши бўлинг...
Асло дилозор бўлманг.

Умри қисқа ёлгоннинг,
Юки оғир бўҳтоннинг.
Юзин кўрманг нодоннинг –
Суҳбатида бор бўлманг.

Одам учун ёр азиз,
Ёрдан олдин ор азиз.
Бўлсин, майли, дор азиз...
Ор билмасга ёр бўлманг.

Купдир гуноҳнинг ози,
Камдир савобнинг сози.
Аввало бўлманг қози,
Сўнг беайб айбдор бўлманг.

Сизга, дўст, айтсам тилак –
Бекорда бедор бўлманг.
Ҳаётни севсин юрак,
Бедорда бекор бўлманг...



ОВОЗ БОБИДА

Табиат билгувчи, табиат доно,
Ҳар бир жилвасида мукамал маъно.

Мисол учун дейлик овоз бобида,
Кимга суст улашган, кимга тобида.

Ишлашга яралган жонвор бебаҳо –
Эшакка не ҳожат ёқимли садо.

Шундоқ ҳам чиройли товус бечора,
Қилмаган авж билан уни овора.

Куримсиз булса ҳам бетакрор булбул,
Ҳеч жонзот тенг келмас шу қушга буткул.

Қарғами, турғайми, тутими магар –
Ҳар бир қуш куйлагай имкони қадар.

Жонли айтаман деб чиранган хуроз,
Йуқ овозидан ҳам айрилар, холос...



БЕЧОРА

Шоир А.К.за

Ушбу шўриш, ушбу савдони
Ўз бошига ўзи солганди.
Нодон пайти, вақти замони –
Бир итни у боқиб олганди.

Илон бўлса, майлийди, дейди,
Қутуларди бир чаққанида.
Инсоф берса қанийди, дейди,
Маломатдан дур таққанида.

Ўтиб борар умр дамодам,
Ҳоли ҳануз барибир ёмон.
От минса ҳам, туя минса ҳам –
Ити уни қўймайди омон...



86 Ёшли аммапошшанинг деганларидан

Режиссёр Музаффар Эркиновга

Пойгага тушганди анча бедовлар,
Саманлар қирилди, эшаклар қолди.
Беҳабардир яна қанча бировлар –
Бедалар урилди, хашаклар қолди.

Ҳаёт одамзордир, дунё – бири кам,
Яхшилар – омонат, ёмонлар – омон.
Дунё экинзордир, болам, ҳали ҳам –
Буғдойлар буғдойдир, сомонлар – сомон...



УМИДИМ ШУЛ

Балки гарчи музлар бор ҳали,
Ёки аччиқ тузлар бор ҳали.
Умидим шул: баҳор ўтса ҳам,
Қишдан олдин кузлар бор ҳали.

Балки ғамда адашган йўллар,
Соғинч узра сочилган чўллар.
Лекин қумни сидирар қўллар,
Кўнгил сари излар бор ҳали.

Балки дарров илғамас нигоҳ,
Чиройда ҳам балки эмас моҳ.
Лекин очиқ, лекин хайрихоҳ,
Кўнгил истар юзлар бор ҳали.

Балки зебу зийнат илмаган,
Ҳиммат билиб, қиймат билмаган.
Меҳрини лек мўннат қилмаган,
Кўнгилсевар қизлар бор ҳали.

Балки асло қайтмас яхшилик,
Балки айбдир куйлаш, бахшилик.
Барибир дил – ҳаёт нақши лек...
Кўнгил яйрар кезлар бор ҳали.

Умидим шул...

09.10.2011.



* * *

Эй одамзод, сен ажиб хилқат,
Неларни гоҳ қилмайсан ҳавас.
Узлигингга тополмай тоқат,
Туғёнларинг билмайди абас.

«Булбулман» деб, безаб сўзингни,
Бургутни гоҳ кўрасан аъло.
Шер-у, филга менгзаб ўзингни,
Илонни гоҳ биласан доно.

Уйламай гоҳ ор-номусингни,
Тунғизликка бўласан мойил.
Ўзгартириб баъзан тусингни –
Буқаламун бўласан, қойил.

«Бўридай сур», «тулкидай айёр»,
«Қуйдай ювош», «итдай вафодор»...
Билолмадим, сенда, эй инсон,
Яна қанча жонзот феъли бор.

Яшар экан табиат аро,
Дарранда-ю, парранда бисёр.
Ҳаммаси ҳам ўзича дунё,
Барчасига тақлид не даркор.

Сумбатига назар солгин-у,
Айиқликка шайланиб қолма.
Чумолидан ибрат олгин-у,
Қумурсқага айланиб қолма.

Шак келтирма ҳақ кулолига,
Яратувчи, билгувчи уша.
Махлуқларни қўйгин ҳолига,
Одамсан-ку, одамдек яша!

09.10.2011.



УШАНДА

Ушанда уртада аҳдлар бор эди,
Хиёбонда бизга «тахтлар» зор эди.
Ой ҳам, юлдузлар ҳам эди бизники,
Ушанда омаду бахт ҳам ёр эди.

Ўтиб борган сари умр беимкон,
Яшамас экан ҳеч одам беармон.
Энди хомуш эрур кўнгил безабон,
Ушанда тилларда изҳор бор эди.

Япроқлар шивирлаб айтарди розлар,
Ғунчалар қикирлаб айларди нозлар.
Энди булбул қалбга бегона созлар,
Ушанда гулларда ифор бор эди.

Юракда ёнарди севги гулхани,
Яшнарди товланиб меҳр гулшани.
Энди оташ қани?! Энди гул қани?!
Ушанда дилларда баҳор бор эди.

Ушанда уртада аҳдлар бор эди,
Хиёбонда бизга «тахтлар» зор эди.
Ой ҳам, юлдузлар ҳам эди бизники,
Ушанда омаду бахт ҳам ёр эди...

09.10. 2011.



ОМОН БҮЛСА

Кимга юлдуз маъқул, ким офтобсевар,
Кимдан омад қочар, кимни бахт қувар.
Кунгил доғларини қаноат ювар,
Зулмат ҳам чекинар – Ой омон бўлса.

Суюнма каму ё мулдан етса ҳам,
Куюнма нимадир қўлдан кетса ҳам.
Тошлоқдан ўтса ҳам, чўлдан ўтса ҳам –
Дарёлар тулғуси сой омон бўлса.

Купкари ё сувдан кечув маҳали,
Кимгадир етмас гоҳ от сурмоқ гали.
Бойчибор, Ғиркўклар туғилгай ҳали –
Яйловда бирорта той омон бўлса.

Умр акси аён лаҳзалик елда,
Баднафс нақди зиён, оқади селда.
Хатар йуқ бахилдан, магарким элда –
Юраги, иймони бой омон бўлса.

Ҳаёт – бу кимга ўт, кимга тутундир,
Ҳатто сув кимга қўл, кимга ютумдир.
Инсоннинг, ҳарқалай, бахти бутундир –
Дилда Ватан деган жой омон бўлса...

11.10.2011.



МЕНДАЙ ЁЛГИЗ БИЛАН

Кузлаштирдинг қанча зебо, гулюз билан,
Сузлаштирдинг яна Ойу юлдуз билан.
Эй Худойим, розидирман, кечир аммо,
Учраштиргин мени мендай ёлғиз билан.

Менга кучоқ очиб, боқди бойга бойлар,
Менга сувлар сочиб, оқди сойга сойлар.
Чин кунгилдан менга зордир ҳойнаҳойлар,
Учраштиргин мени мендай ёлғиз билан.

Қадах тутсам, ғам қуйдилар денгиз қилиб,
Не балолар кўйлак тутди енгсиз қилиб.
Кўнглим ҳаққи, бир дўст бергин тенгсиз қилиб,
Учраштиргин мени мендай ёлғиз билан.

Ким билади: кимман узи, хуш, қайдаман?!
Ҳар кимларга тўлиб бориб, бўш қайтаман.
Онт ичмайман, суз бермайман, дил айтаман,
Учраштиргин мени мендай ёлғиз билан.

Ёқмасам ҳам, бир амаллаб эллашардим,
Энг аввало, нигоҳимда тиллашардим.
Йиғлаб-кулиб, дардим айтиб, диллашардим,
Учраштиргин мени мендай ёлғиз билан.

Бўлмаса ҳам, майли, менинг у адойим,
Тоқай қийнар мени ундан бу жудойим?!
Ишинг йуқ-ку сенинг мен-ла, эй Худойим,
Учраштиргин мени мендай ёлғиз билан...



МЕНГА СЕН КЕРАКСАН

Менга сен кераксан, сенга мен керак...
(Ошиқ Эркин)

Мехр қайдан олам Ой-Қуёшида,
Нега булбул сайрар гулнинг қошида,
Ким ҳам ошиқ булмас севги ёшида,
Ажиб сирдан кунгил беради дарак –
Менга сен кераксан, сенга мен керак,
Сенга мен керакман, менга сен керак.

Муҳаббат қушигин куйлар бахшилар,
Севишган қалблар ҳам гулгун нақш илар.
Бахт тилаб олқишлар бизни яхшилар,
Ёвлар қолсин айлаб бошини сарак –
Менга сен кераксан, сенга мен керак,
Сенга мен керакман, менга сен керак.

Мехру муҳаббатдан топиб дармонлар,
Дил аро қолмасин сира армонлар.
Кузимга кўринмас узга ёронлар,
Сени дейди фақат, сени бу юрак –
Менга сен кераксан, сенга мен керак,
Сенга мен керакман, менга сен керак.

Қушиғимиз тинглаб лол қолсин дунё,
Бу жаҳон яралган биз учун гүё.
Беғубор ишқимиз булмагай рўё,
Иккимизда жону диллар муштарак –
Менга сен кераксан, сенга мен керак,
Сенга мен керакман, менга сен керак.

04.01.2013.



* * *

Тақдир ишлари ҳам ғалати ўйин,
Кеча қиммат нарса бугундир тийин.
Ва бир ҳақиқатга эгамиз бўйин –
Унутилиш – осон, унутиш – қийин.

Кеча дилда ҳатто севги бор эди,
Кўнгил ажиб ҳисдан бахтиёр эди.
Бизга ҳам кимлардир балки зор эди...
Унутилиш – осон, унутиш – қийин.

Омад келганида тўрда эдик биз,
Гоҳи зар-у, гоҳи зўрда эдик биз.
У дамларни эслаб энди дедик биз:
Унутилиш – осон, унутиш – қийин.

Ўлмаган қул яшар, ўтмас дам йўқдир,
Тузалмас дард билан, кетмас ғам йўқдир.
Умидли юракда битмас кам йўқдир –
Унутилиш – осон, унутиш – қийин.

Баҳор-куз, ёз-қишлар келиб, кетади,
Маломат, олқишлар келиб, кетади.
Қора ўнг, оқ тушлар келиб, кетади,
Унутилиш – осон, унутиш – қийин.

Тақдир ишлари ҳам ғалати ўйин,
Бугун қиммат нарса эртадир тийин.
Ва бир ҳақиқатга эгамиз бўйин –
Унутилиш – осон, унутиш – қийин...

22.01.2013.



ЎЗИНГСАН

Кечикдинг баҳоримга,
Ёзу қишим ўзингсан.
Айланма озоримга,
Орзу қушим ўзингсан.

Кунлар ўтар йилдайин,
Елкамда юк зилдайин.
Туғрими, йуқ – билмайин,
Кунгил ишим ўзингсан.

Сен ҳам «севдим» дединг-да,
«Сизни дедим» дединг-да...
Шакар хаёл эдинг-да,
Ширин тушим ўзингсан.

Кунглим тулиқ кунглимдан,
Ҳам тушим-у, унгимдан.
Эрта бир кун сунгимдан,
Йуқлар кишим ўзингсан...

23.01.2013.



ОШИҚ БЎЛСА ҲАР КИШИ

Ошиқ бўлса ҳар киши,
Девона бўлдим дейди.
Адашиб унгу туши,
Равона бўлдим дейди.

Ошиқ йўқ мендан узга,
Ягона бўлдим дейди.
Ақл-ҳушу ҳам сузга,
Бегона бўлдим дейди.

Сайраб гоҳ мисли тути,
Булбулдай гоҳ чоғланар.
Ёндириб севги ўти,
Парвона бўлдим дейди.

Шоҳман демас, ё ғариб,
Юрак-бағри доғланар.
Уз-узини ахтариб,
Ҳайрона бўлдим дейди.

Гоҳ ишониб, гоҳ тониб,
Яширолмай рашкини.
Куйиб-куйиб, оҳ ёниб,
Бирёна бўлдим дейди.

Бобур каби гирифтор,
Тухтатолмай ашкини.
Ёниб-ёниб, йиглаб зор,
Гирёна бўлдим дейди.

29.01.2013.



СЕН-ЛА СЕНСИЗ

Ерга қараб толиб кетдим,
Кукка қараб нолиб кетдим.
Сен келмадинг. Олиб кетдим,
Ишқим охир Ойларга мен.

Ой огринар савдолардан,
У – узига шайдолардан.
Умидландим дарёлардан,
Ишқим одим сойларга мен.

Дарёларга етиб бормай,
Кумлар аро кетиб, ҳормай.
Кузёшимга бахтни қормай,
Ишқ-ла ботдим лойларга мен.

Кузларимни юмиб олдим,
Дилим тагин ўтга солдим.
Қара, қандай тушиб қолдим,
Сен-ла сенсиз жойларга мен...

17.06.2014.



ОШИҚ

Туғённи ҳам жуш қилган,
Армонни ҳам қуш қилган,
Уммонни ҳам нуш қилган,
Ё сахро экан ошиқ.

Бағритошни соғиниб,
Дарди кумми, оғриниб,
Гоҳо тошиб, гоҳ тиниб,
Ё дарё экан ошиқ.

Ишониб гоҳ тушига,
Қулга қунмас кушига,
Ухшаб бахтли кишига,
Бепарво экан ошиқ.

Мумланиб иликлари,
Жонидан пиликлари,
Шам каби қилиқлари,
Бедаво экан ошиқ.

Кунмай Бобур «хой»ига,
Кунгли тушмай жойига,
Бош қўйиб ёр пойига,
Босафо экан ошиқ...

20.06.2015.



ЭТАР ИШҚИНГ

Дилга ғам, жонга хатар,
Не бало этар ишқинг.
Унутаи десам, баттар –
Мубтало этар ишқинг.

Васлингда рашк ўлдирур,
Ҳажринг қалбим сўлдирур.
Дард узра дард бўлдирур –
Бедаво этар ишқинг.

Бузиб тоқат ромини,
Тукиб роҳат жомини.
Менга ҳаёт комини,
Нораво этар ишқинг.

Нурни олиб кўзимдан,
Адаштириб сўзимдан.
Жудо айлаб ўзимдан –
Мосуво этар ишқинг.

Сени эрка, шўх этиб,
Кўнглингни ҳам тўқ этиб.
Бобурни ё йўқ этиб,
Ё пайдо этар ишқинг...

20.01.2016.



* * *

Кабулар учадн томингдан,
Ҳавога бағишлаб ҳузурлар.
Мактублар келади номингдан,
Ҳол сураб, ё айтиб узурлар.

Ишонч-у, ишқда жон таслими,
Умид ҳам тобора сунмоқда.
Топилмас булса-да таскини,
Кунгил кун курмоққа кунмоқда.

Дустидай кутади жуфт кузим,
Кабулар туширган патларни.
Узимга ёзаман мен узим,
Сен менга ёзмаган хатларни...

8.12.2016.



* * *

Булишдим мен топганимда нонимни,
Булишдим мен керак пайти қонимни.
Булишдим мен ҳатто ёлғиз жонимни,
Сени асло булишмайман ҳеч қачон.

Бир гуллар бор кўз-кўз қилар баданин,
Булбуллар бор мақтайдилар чаманин.
Кўнгиллар бор баҳам кўрар Ватанин,
Сени асло булишмайман ҳеч қачон.

Майли, мени хасис, бахил десинлар,
Ёки рашкчи, қолоқ, жоҳил десинлар.
Нима деса десин, майли, есинлар,
Сени асло булишмайман ҳеч қачон.

Молим йўқдир, холим йўқдир – борим бор,
Боримни бор қилиб турган орим бор.
Борим бўлган, орим бўлган ёрим бор,
Сени асло булишмайман ҳеч қачон...

02.01.2017.



* * *

Ҳеч қачон «алвидо» демагин...
(Амир Худойберди)

Юракка кумилди муҳаббат,
Дедингки: «Энди ғам емагин».
Не десанг дегин-у, сен фақат,
Ҳеч қачон «алвидо» демагин.

Топишиб қайтади турналар,
Ишқилиб, бепарво келмагин.
Бу кунглим умиддан тирналар,
Ҳеч қачон «алвидо» демагин.

Демагин: ««Хайр»да хайр бор»,
Ҳеч кимни шунчаки севмагин.
То уриб тураркан дил бедор –
Ҳеч қачон «алвидо» демагин...

28.2.2017.



* * *

Чехрам менга дўст эмас,
Нигоҳингдан яшнайти.
Меҳрим менга дўст эмас,
Сенга ўзин ташлайди.

Қўлим менга дўст эмас,
Тераверар рақаминг.
Йўлим менга дўст эмас,
Излаб кетар қадаминг.

Ақлим менга дўст эмас,
Топгани хаёлингдур.
Қалбим менга дўст эмас,
Орзуси висолингдур.

Кўзим менга дўст эмас,
Соғинчидан колмайди.
Ўзим менга дўст эмас –
Сенсиз яшай олмайди...



* * *

Бошга солиб малоллар кўчин,
Ҳам курсатиб аламлар кучин.
Тақдир мендан олади ўчин,
Севмаганни севганим учун.

Кўрганмисиз, билганмисиз, оҳ,
Қудуқ қазиб, сув олмаганни.
Хато менда, мендадир гуноҳ,
Севдим, нетай, севолмаганни...



ЎЗИ БИЛМАЙ

Бизни тақдир оқизади ҳар томонга,
Елган билан булармидик олам тожи.
Қадрим қани жондан яқин қадрдонга,
Ўзи билмай оқармоқда укам сочи.

Эслаганим – рўзғор дея тингани йўқ,
Эртаю кеч меҳнат қилган содда жоним.
Умр кунди, ҳаёт кунди, кунгани йўқ –
Ўзи билмай қаримоқда отажоним.

Шеър битардим ёна-ёна, ошиқ бўлиб,
Дилдан дилга кўчиб кетди у ғазаллар.
Куйлар эдим исмларин қўшиқ қилиб,
Ўзи билмай эслар ҳали не ғўзаллар.

Азиздайман дўст-ку, майли, ғанимга ҳам,
Еримга ҳам, боламга ҳам керақдайман.
Шерик қилмай ҳеч кимни ҳеч ғамимга ҳам,
Ўзи билмай уриб турган юракдайман.

Дардлар тинглаб, дард айтолмай ҳолсиздурман,
Дилдан ўзга ҳеч вақога йўқман эга.
Танҳо эмас, якка эмас, елғиздурман,
Ўзи билмай оғримоқда кўнглим нега?!

11.06.2014.



ПУЛГА

(Кўхна Шарқ ҳикмати)

Пулга уй оларсан, хонадон эмас,
Партушак оларсан, лек ором эмас.

Китоб олиб булар, одоб бўлмайди,
Дори-дармон келар, соғлиқ келмайди.

Амал амалланар, ҳурмат – муаммо,
Қон харид килинар, ҳаётмас аммо.

Соат олмок мумкин, бироқ вақтнимас,
Мол-дунё оларсан, омад, бахтнимас.

Уйнашса ҳам булар, севги топилмас,
Бу ҳикмат эшиги асло ёпилмас...

24.07.2014.



* * *

Утмиш узрин айта-айта,
Эшик чертар қайта-қайта.
Шовқин солиб, баъзида жим,
Кирмоқ истар, бузиб тинчим.

Яхшиликлар қилар ваъда,
Кўнглим эса хануз зада.
Дил бутлолмас ҳеч хотира,
Ишонмайман унга сира.

Урса ҳамки бошин тошга,
Мен биламан – йуллар бошқа.
Синган кўнгил тўлмайди ҳеч,
Аввалгидек бўлмайди ҳеч...

30.07.2014.



КУЛИБ ТУРИБ

Кулиб туриб, баъзан йиғлаганим бор,
Кулиб туриб, бағрим тиғлаганим бор.

Кулиб туриб, ғамга бермам ихтиёр,
Кулиб туриб, кўринаман бахтиёр.

Кулиб туриб, яшираман дардимни,
Кулиб туриб, поклагайман гардимни.

Кулиб туриб, билинмагай чарчоғим,
Кулиб туриб, нурга тулар кучоғим.

Кулиб туриб бекор этгум ўчимни,
Табассумда ошкор этгум кучимни!

31.07.2014.



* * *

Мен кучлиман, чамаси,
Йўқдир кунгил таъмаси.
Яхши, дейман, ҳаммаси –
Ҳеч нарса бўлмагандай.

Ҳаёт керади қомат,
Гоҳ қувонч, гоҳ надомат.
Келиб-кетади омад,
Ҳеч нарса бўлмагандай.

Тиғ экилган курагим,
Чин тукилган юрагим.
Мен сезаман керагим,
Ҳеч нарса бўлмагандай.

Кимдир излар баҳона,
Кимдир яна парвона.
Айтадирман шукрона,
Ҳеч нарса бўлмагандай.

Уша-уша бахшиман,
Давраларнинг нақшиман.
Яхши, дейман, яхшиман,
Ҳеч нарса бўлмагандай...

31.07.2014.



БУ ҚАРҒА

Бу қарғани бошқа қарғалар,
Лойга булаб, тепишди жуда.
Учмай қолиб, аранг йурғалар,
Парвоз – хаёл, хаёл – бехуда.

Чуқир экан зоғ кузини зоғ,
Елғиз қолди мана не кунки.
Тополмади зотдошдан ардоғ,
Оқиш эди бу қарға чунки...

14.08.2014.



УКАМ БАҲРИДДИННИ ЭСЛАБ

Йуқлаб борсам, укам қабри қошида,
Жим тураман, чўкиб кўзим ёшида.
Овутолмас мени асло йиллар ҳам,
Чексиз ҳасратимга гувоҳ гуллар ҳам.

Гуллар айтар: «Бунда ғунча кўмилган,
Кўзлари дунёга тўймай юмилган.»
Эрта хазон бўлган ғунчани ушал,
Эслаб, дунё бўлмас кўзимга гўзал...

20.08.2014.



ОТА ВА ЎГИЛ

Отани ўйлаб содда,
Ўғил дер: «Айтинг, ота.
Барно бўлса ўғлингиз,
Қандай эрур кўнглингиз?!»

Ота дейди: «Мен айтмай,
Ўғил бўлишин қандай.
Олдига бориб тонгдан,
Сўраб кўргин бобонгдан...»

21.08.2014.



ДУСТИМ ОТГАН ТОШ

Мен томон ногаҳон тошлар отишди,
Айбимни билмадим анигин лекин.
Дўк уриб, камситиб, қаргаб, сотишди,
Мени кимдир арзон, ким эса текин.

Тош отган касларга қарар эдим жим,
Жонларим оғриди, қалбим қўрқди сал.
Бирдан куриб қолдим – тош отди дустим,
Тоши кичик эди, тегди лек дағал.

Вақт угар кузимдан артиб ёшларни,
Неларни кўрмади мендаги бу бош.
Унутдим бировлар отган тошларни,
Юракда ётибди дустим отган тош...

02.07.2015.



ДУО БИЛАН КУКАРДИМ

Ёлғизгина ғариб бош,
Не савдолар уткардим.
Ёғилса ҳам қанча тош,
Дуо билан кукардим.

Гоҳ аламлар қучса ҳам,
Омад қуши учса ҳам.
Мингта болта тушса ҳам,
Дуо билан кукардим.

Пуписа, дўқлар, бироқ,
Бекор момоқалди роқ.
Ёмғирлардан наф купроқ,
Дуо билан кукардим.

Бир узимга минг хатар,
Гоҳ ҳалокат, гоҳ зафар.
Юксалдим қадрим қадар,
Дуо билан кукардим.

Одамлик мулким шайлаб,
Ору шаъним авайлаб.
Ҳаётни устоз сайлаб,
Дуо билан кукардим.

Яхши-ёмондан ибрат,
Туртки ҳам берар рағбат.
Кечириб барин фақат,
Дуо билан кукардим.

Нурни жойлаб дилимга,
Дурни боилаб тилимга.
Хизмат айлаб элимга,
Дуо билан кукардим.

Мен отилган тошлардан,
Бахт қасрини кутардим.
Кузим намлаб ёшлардан,
Дуо билан кукардим...

02.11.2015.



ТОБОРА

Ишонган боғларда соялар кўрдик,
Тоғларда нураган қоялар кўрдик,
Эс кирмай эскирган ғоялар кўрдик,
Топмоқдан йўқотмоқ мўлдир тобора.

Кўнгил кўниб борар лоқайд равишга,
Чинорлар титрайди ўхшаб қамишга,
Дўстлар ҳам айланиб қолар танишга,
Атроф бекасликдан чўлдир тобора.

Бизга яқин келар йўқликнинг сайди,
Кам қолар тақдирнинг аталган қайди,
Пайт келди, шекилли, тавбанинг пайти,
Киприklar афсусдан хўлдир тобора...

26.12.2015.



* * *

Билмам, нега қимирлайди ер,
Нега ҳаво жойида эмас?!
Гоҳ ёз ўта ёндираман дер,
Гоҳ қиш қорин ёғдирай демас.

Машойихлар не келса бошга,
Демишларки, одам феълидан.
Ором кетиб, дарз тушар тошга –
Маъсиятнинг оғир селидан.

Неъмат кетар маъсият сабаб,
У туфайли келар мусибат.
Вайрон бўлар диёрлар, ажаб,
Кимсасиздир юртлар оқибат.

Яхшиликлар тарк этиб ерни,
Дил қовжирар мисоли майса.
Нафи бўлмас тукилган терни,
Барака йуқ – гуноҳ купайса.

Маъсиятнинг барин мабодо,
Ёзай десанг, дoston бўлар шеър.
Буғилмасми шундан сўнг ҳаво,
Титрамасми шундан кейин ер?!

Одам қилган ишларнинг барин,
Кўриб турган, билиб турган Зот.
Аямасдан раҳмат назарин,
Сабрдадир янаям, хайхот.

Огоҳ этиб бизларни ул Зот,
Узи яна асрар барқарор.
Шояд топсак тавбадан нажот,
Шояд бўлсак, балки тақводор!..

13.01.2016.



БИР ДАВРАДА

Жаноблару, хонимлар,
Саломлар булсин биздан.
Дуст, бетараф, ғанимлар,
Битга илтимос сиздан.

Рақамламанг, жилолаб,
Истеъдодни, кўпми-кам.
Ва ўлчаманг килолаб –
Оллоҳ берган файзни ҳам.

Дарёдан сўранг дарё,
Чашмадан эса чашма.
Ҳар биридир бир дунё,
Ҳар бирига бор ташна.

Сохтакорга ишим йўқ,
Тақлидчи ўз иулига.
Нохолисга ҳушим йўқ,
Қамчи берманг қулига.

Улар адолат қилмай,
Бермасин навбат, рақам.
Аслнинг фарқин билмай,
Булмасинлар сур ҳакам.

«Охирги», ё «биринчи»,
«Бебаҳо», ёки «машҳур».
Ахир, уйлаб қуринг-чи,
Ноёб-ку, илоҳий нур.

Уни чақиб бўлмас ҳеч,
На унвон-у, на пулга.
Қадр топар эрта-кеч,
Қулоқ солсак, бас, дилга.

Дерларки, рол бўлса, бас,
Шунга яраша ўйин.
Машҳур бўлмоқ чут эмас,
Севимли бўлмоқ қийин.

Икки бир хил барг бўлмас,
Ҳатто қум дона-дона.
Ўхшаш ё тенгин билмас –
Истеъдод ҳам ягона.

Табиат шундай азал,
Яратган бизни сирли.
Инсон борки, у гузал,
Инсон борки – қадрли!

16.01.2016.



АЙЛА

Куёш сизсин десанг гар,
Қалбингни само айла.
Ё узинг нур тукиб зар,
Чиройли имо айла.

Одамийлик – зийнатинг,
Иймон ила қийматинг.
Софдур асли тийнатинг,
Узингга вафо айла.

Маккор дунё аттори,
Молин ўтказмоқ – кори.
Булма ҳамма қатори,
Майлига, хато айла.

Кунгил топиб, бул одам,
Суннат эрур меҳр ҳам.
Муҳаббатни этма кам,
Фарзингни адо айла.

Гарчи висол олисдур,
Аммо ният холисдур.
Жондан кечиб, эй Бобур,
Ишқ дея садо айла...

21.01.2016.
«Бухоро – Тошкент»,
138-рейс



ХАВОТИР

Ҳар кимга ҳаётда ўз қўрқуви ёр,
Ким гуллашдан чўчир, кимдир сўлишдан.
Мени ранжитмоқдан қўрқмаганлар бор,
Қўрқаман бировдан хафа бўлишдан.

Кўп нарса айтмайман, айта олсам ҳам,
Кўп нарсадан гарчи бўламан огоҳ.
Кимнидир узрини қайта олсам ҳам,
Қўрқаман кечирмай қолмоқдан ногоҳ.

Бандаман, хавфдаман ҳар бир ишимдан,
Худодан умидим – лутфу марҳамат.
Қачондир кўнглимга яқин кишимдан –
Қўрқаман норози кетмоқдан фақат...

27.01.2016.



КЕКСА СОҚЧИ ҚИССАСИ

Дустлар, сўзлай сизга ривоят,
Бу воқеа ибратли ғоят.
Булиб ўтган қадим замонда,
Эшитганлар қолмас армонда.

Омон қолиб жони хатардан,
Қайтар эди подшоҳ сафардан.
Қаср сари қўяркан қадам,
Қузи тушди соқчига бир дам.

Юпун эди кийими ғоят,
Тирикчилик ўтса деб шояд,
Қоровуллик – шу эди иши,
Соқчи эди кекса бир киши.

Қиш кунда совуқ ҳукмрон,
Соқчи сақлар бир амаллаб жон.
Фидолиги подшоҳга ёқиб,
Сўз бошлади соқчига боқиб:

«Қуринишинг жасур, довжюрак,
Лек барибир совқотсанг керак?»
Тавозени унутмай шу тоб,
Кекса соқчи айлади жавоб:

«Совқотаман, эгним сал юпун,
Лек лафзим бор, иймоним бутун.
Суз берганман – токи бор кучим,
Адо қилмоқ хизматни – бурчим».

«Фармон бергум, фарз булди менга,
Почапустин беришар сенга!» –
Деб, қасрга кириб кетди шоҳ,
Ва ваъдани унутди, эвоҳ...

Эртасига тарқалди хабар,
Жон берганмиш соқчи тонг-саҳар.
Топибдилар ёнидан нома,
Номада ёш қотибди тома.

Уни ёзмиш, бағри булиб доғ,
Кекса соқчи жон узилар чоғ:
«Шоҳим, булсин умрингиз узун,
Шу пайтгача булсам ҳам юпун.

Узун тунлар хизматим ўтаб,
Келар эдим совуққа чидаб.
Кийим ҳақда ваъдангиз оқшом,
Қувватимни олди батамом.

Ҳам умидим бағрин айлаб чок,
Охир мени айлади ҳалок...»
Ким наздида кичкина қисса,
Лек кичикмас қиссадан ҳисса.

Бир курайлик уйлаб узимиз,
Бировларга айтар сўзимиз –

Аҳамият, маъноси қанча,
Лафзимизнинг баҳоси қанча.

Ким истаса иймонин обод,
Сўздан олдин ушбу бўлсин ёд:
«Айтма, сенга яхшидур балки,
Айтгач, бажар не бўлса ҳамки.

Қасам ичиб, қушма ёлғонни,
Бекор бузма аҳду паймонни.
Ваъдага ҳеч айлама хилоф,
Инсон учун лафзи эрур соф!»

07.03.2016.



НЕ УЧУН ОТАМНИНГ ЁНИДАМАСМАН

Кўнглим атрофида парвонаман мен,
Дономан узимча, девонаман мен.
Не балоким, гўё бегонаман мен –
Не учун Отамнинг ёнидамасман?!

Ундан ҳам яқинроқ кимим бор, ахир,
Бош қўйсам, беминнат қадрдон бағир.
Йироқларда ичган сувларим тахир,
Не учун Отамнинг ёнидамасман?!

Бор булсам, бас унга, дуойим қилар,
Соғиниб, баъзида садойим тилар.
Дарду армонимни Худойим билар –
Не учун Отамнинг ёнидамасман?!

Элнинг хизматида, дейди, ўғлини,
Фахрда кўтариб қўяр кўнглини.
Мендаги худбинлик шунча бўлдимми...
Не учун Отамнинг ёнидамасман?!

Меҳнаткаш, жафокаш падарим менинг,
Шавкатим, давлатим, зафарим менинг.
Мен ҳам ота, бордир хатарим менинг,
Не учун Отамнинг ёнидамасман?!

Умр утиб борар, қандай кор этдим,
Дунёнинг қай ишин қойил, бор этдим.
Аттангдан қўрқаман, наҳот зор этдим –
Не учун Отамнинг ёнидамасман?!

Гарчи ташвишларим уни қаритар,
То ҳануз роҳатин мен деб тарк этар.
Дуо ила мандан ғамни аритар,
Не учун Отамнинг ёнидамасман?!

Узи ўргатгандай яшаш ҳол менга,
Рози бўлса мандан – шу камол менга.
Ғанимат дейман-у, бир савол менга:
Не учун Отамнинг ёнидамасман?!

23.02.2016.



* * *

Учрашмадик. Туғри келдик биз,
Фавқулодда бир-биримизга.
Ҳамда туғри қабул қилдик биз,
Не ёзилса тақдиримизга...

Туғри келдик. Келгандек туғри,
Осмонга қуш, ерга ёмғирдек.
Ташландиқ ганж олдида уғри
Каби қолдик – ҳайрон, оғир, тек...

Учрашмадик. Кўришдик, холос,
Унда-бунда, гоҳи-гоҳида.
Топишгандек тут билан гилос,
Ёзда ногоҳ урик шоҳида.

Учрашмадик. Учрашмай севдик,
Билиб-билмай савоб-гуноҳни.
Соғинчдан дил оқарар девдик,
Худо берар девдик паноҳни...

Учрашмадик. Ажрашмаймиз ҳам...

03.07.2016



* * *

Ажри магар хузурли,
Синовлар ҳам шукурли.
Утиб кетар, узурли,
Фурсати бордир дўлнинг.

Заррада бор коинот,
Бирлашган топар нажот.
Қара, қатрадан бунёд,
Ибрати бордир қулнинг.

Тур берамиз келганга,
Ош тутамиз еганга.
Лек «юрт бузгум» деганга,
Нафрати бордир дилнинг.

Чаён феъли тузалмас,
Уй миннатдан безалмас.
Таъма ила узалмас,
Меҳнати бордир қулнинг.

Ризқ деб, унгу сул чопар,
Бошоқ туйиб, нон ёпар.
Сабр ила хайр топар,
Раҳмати бордир элнинг.

Дуст, бошимиз ҳам эмас,
Биз бировдан кам эмас.
Четда турар дам эмас,
Қудрати бордир мулнинг.

Сарбон йўлдан толмагай,
Карвон йўлда қолмагай.
Юрак ҳадик олмагай,
Шиддати бордир йўлнинг!

05.09.2016.



* * *

Шоқолларга, ахир, нима бор,
Шеру йўлбарс, бўри ичинда.
Каламушлар изғийди бадкор,
Туп сичқонлар қури ичинда.

Сохта обру истарлар ночор,
Ул-бул гаранг гури ичинда.
Бирга кейин қоларлар абгор,
Надоматлар тури ичинда.

Бермоқ булиб мардларга озор,
Алар дарднинг зури ичинда.
Алам билан титарлар мозор,
Қўймай ҳатто гури ичинда.

Бад нияти қалбин этар тор,
Қурум каби мури ичинда.
Умрлари утади бекор –
Қилмишларин шури ичинда...

05.09.2016.



МЕНДАН ЙИРОҚДАСАН

Мендан йироқдасан, мендан йироқда,
Кутиб утиб борар умрим фироқда.
Парвона соғинчи фақат чироқда,
Мендан йироқдасан, мендан йироқда.

Айрилиқда инсон севаркан купроқ,
Дардга осмон гувоҳ, кўзёшга тупроқ.
Дилда ғамдан болта, умиддан япроқ.
Мендан йироқдасан, мендан йироқда.

Ёмғирлар ёгади дардларин айта,
Меҳр истаб қуёш чиқади қайта.
Ёмғиру қуёшда қолганим пайтда –
Мендан йироқдасан, мендан йироқда.

«Келасанми, ахир?!» – саволим бордир,
Биласанми, ахир, уволим бордир.
«Қанийди боролсам...» – хаёлим бордир,
Мендан йироқдасан, мендан йироқда.

Мендан йироқдасан, мендан йироқда,
Парвона соғинчи фақат чироқда.
Кутиб утиб борар умрим фироқда,
Мендан йироқдасан, мендан йироқда...

11.09.2016.



ЯНА КЕЛДИ КУЗ

Узгарётган атрофга боқиб,
Кузлар уйчан, нигоҳлар маъюс.
Салқинлари ёқмай, ё ёқиб,
Бизни йуқлаб, яна келди куз.

Баҳор ўтди айлаб турфа ноз,
Иссиқ пуркаб утиб кетди ёз.
Аста солиб заррин пояндоз,
Бизни йуқлаб, яна келди куз.

Күзёш тукиб бошимизда гоҳ,
Ҳолимиздан эмасми огоҳ.
Эски дардни янгилаб, эвоҳ,
Бизни йуқлаб, яна келди куз.

Қалбимизда ётар уқ синиб,
Қачонлардир дуст отган, афсус.
«Муҳаббат бор», дея ўксиниб,
Бизни йуқлаб, яна келди куз...

19.09.2016.



* * *

Ажаб сирлар, ғалат синоат,
Уйғотар гоҳ турфа гумонлар.
Солар бизни ҳайратга ғоят,
Ўзга қадр, бошқа инсонлар.

Мардлар – якка, довдирлар – гала,
Самимийлик эмас идеал.
Ҳислар – сохта, туйғулар – чала,
Муносабат аксар виртуал.

Қайда энди тунларни гоҳо,
Тонгга улаб китоб ўқишлар.
Анвар берган саволга зукко –
Раъно каби жавоб тўқишлар.

Мокиёнлар жужани очиб,
Боладан кўп ўзин эъзозлар.
Ташвиш ёқмай, аразлаб, қочиб,
Масъулият билмас хўрозлар.

Меҳрни гоҳ ўзи қарз олган,
Ўзигадир қизлар маҳдиё.
Садоқат ҳам исмида қолган –
Соғинади қизларни ҳаё.

Лафзи озиб, қолмай тайинлик,
Мушаклари бўртган йигитлар.
Феълида ҳам қиздай майинлик,
Инжиқлиги ортган йигитлар.

Билмам, бўлмай ҳолидан огоҳ,
Шайтон сувин ичганда аёл.
Қошин териб, сочин бўяб гоҳ,
Эркак нени қиларкин хаёл?!

Учрайди гоҳ қизиқ томоша,
Зурга ночор қолади яраб.
Оти қурқоқ андиша оша,
Қуйлар хурар бурига қараб.

Кўзойнакни, хуллас, артиблар,
Недир дедик, бўлиб овора.
Пайдо бўлмиш булак тартиблар,
Булак ҳаммом, булак тоғора.

Одамидан қиммат кийими,
Қуриб, бўлдиқ баттар ҳайронлар.
Лол этмоқда ҳаёт уйини,
Бошқа давр, узга давронлар.

21.09.2016.



ВАҚТ ҚАДРИ

Ҳаёт – неъмат, умр – ғанимат,
Иймондадур инсон камоли.
Асл умид аслида жаннат,
Энг чин орзу – Аллоҳ жамоли.

Ақл учун насиба – фикр,
Не қолдириб, не-ла кетармиз.
Қалб лойиғи – илоҳий зикр,
Вақт қадрига шояд етармиз.

Яшамаслик имконсиз экан,
Ўлмасликнинг ҳам йўқ чораси.
Бу – намози йўқ азон билан,
Азони йўқ намоз ораси...

23.11.2016.



* * *

Болалар: «Улғайиб, бош бўлсам», дейди,
Қарилар: «Қанийди ёш бўлсам», дейди.

Бўйдоқда бир хаёл – тезроқ уйланса,
Тезроқ тўйи бўлиб, «ёр-ёр» куйланса.

Уйланганлар эса огринади гоҳ,
Бўйдоқлик гаштини соғинади, оҳ.

Камбағал: «Қанийди бой бўлсам», дейди,
Бой эса: «Яшасам хотиржам», дейди.

Соғлар дейди: «Давру давронлар сурсам»,
Беморлар дер: «Соғу саломат юрсам».

Гоҳи тирик дейди: «Улсам, қутилсам»,
Улган дер: «Тирилиб, чин ҳаёт қилсам».

Шундай, бизда йўқдир қаноат асли,
Умрнинг ғанимат, ахир, ҳар фасли...

4.12.2016



ТАНҚИДЧИГА

Умид билан яшайди ҳар ким,
Умидсиз ҳам лекин ўлмайди.
Омад гулин узса ҳам, балким,
Бахт чиптаси текин бўлмайди.

Мумтозмасман, йўқмас кам-қўстим.
Оддий қўзда қўзатса бўлар.
Муҳими, сен яхшисан, дўстим,
Мени эса... тузатса бўлар...

6.12.2016.



АЙРИМ КҮЗЁШЛАР

Бордир шундай кузёшлар,
Етиб бормас кузгача.
Улар дилдаги тошлар,
Улар дарди узгача.

Сочдаги бевақт оқлар,
Юракдаги дарз улар.
Хурсиниқ, ажин, доғлар,
Айтилмаган арз улар...

9.12.2016.



ЖАҲОН АДАБИЁТИ МУТОАЛАСИ

Қиз ширин орзуда сурганча хаёл,
Учрашувда сурар йигитдан савол:

«Сиз мени севарсиз, балки (бу тайин),
Жулеттани севган Ромеодайин?»

Йигит дер: «Яхши қиз, минг бора узр,
Бу китобни ўқиб, олмабман ҳузур...»

Романтик қиз ҳайрон, қошини уйиб,
Сурар кўзойнагин бурнига қўйиб:

«Отгеллодай балки севарсиз, яъни,
Қизгонгани каби Дездемонани?»

Йигит яна дейди атай хотиржам:
«Ўқимабман, афсус, бу китобни ҳам...»

Қиз сал араз ила айлар хитобни:
«Ўқигансиз ўзи қайси китобни?!»

Йигит ўйланиб ҳам утирмай шартта,
Жавоб берар секин қулини арта:

««Му-му» – мен ўқиган ягона асар,
Чўктириб юборгум, ирилласанг гар...»

12.12.2016.



ТЕАТРДА

Айрим ишлар бўлгунича ҳал,
Томошадан четда эдим сал.
Бўлмоқда зўр ўзгаришлар, деб,
Биров гапга бериб қолди зеб.
Ишонайми, йўқми, деб аста,
Камтаргина жойлашдим пастда.
Ўзгаришлар бордай туйилди,
Дилга умид суви қуйилди.
Мисол, сахна бошқача бўлиб,
Бағри анча қолибди тўлиб.
Ўзгарибди парда, ниқоблар,
Талаффузу зарда, хитоблар.
Лекин боқиб тепага ногоҳ,
Бўлдим эски ҳикматдан огоҳ.
Хаёл – ҳаёт, ушал зиддият,
Ўзгармайди азал моҳият...

19.12.2016.



* * *

Йиғлашни ҳам унутиб қўйиб,
Кузларида ёш қотган бола.
Уйнамаган, қулмаган тўйиб,
Болалигин йўқотган бола.

Одам, ахир, одамни емас,
Бу ОАВлар нималар демас.
У бола-ку, бегона эмас –
Болалигин йўқотган бола.

Кузни очинг, қулоқни ёпинг,
Ҳақиқатни узингиз топинг.
Кутаяпти, тез бўлинг, чопинг,
Болалигин йўқотган бола.

Меҳр беринг, бошини силанг,
Дуо қилинг, умрини тиланг.
Уруш қўрган, истамайди жанг–
Болалигин йўқотган бола...

20.12.2016.



* * *

Худойим, ночор қилма,
Ночорга дучор қилма.
Аввало, бемор қилма,
Ё дардим ошкор қилма.

Қадр билмас йўлига
Юзлатиб, бекор қилма.
Ҳимматсизнинг қўлига
Кузлатиб, беор қилма.

Суйкатиб суймаганга,
Ошиқни абгор қилма.
Куйганда куймаганга
Мени ҳам даркор қилма.

Гуноҳкорман, умидвор,
Зору шармисор қилма.
Сендан ўзга кимим бор,
Бобурни инкор қилма...

20.12.2016.



* * *

Чехраси йуқ юзлардан,
Садоси йуқ сузлардан,
Маъноси йуқ кўзлардан,
Кетай десам, раво йуқ.

Куниб дунё шартига,
Дуч келмадим мардига.
Малҳам қуйиб дардига,
Утай десам, даво йуқ.

Пок отсин тонглари деб,
Уйғонсин онглари деб,
Янграб нур бонглари деб,
Битай десам, наво йуқ.

Ёриб карахтлик турин,
Ювиб лоқайдлик шуриин,
Туйиб ҳур нафас зуриин,
Ютай десам, ҳаво йуқ..

22.12.2016.



* * *

Йул буйида, девор ортида,
Бир манзара кўзим олдида.
Мозор аро кўяркан қадам,
Ўтганларни уйларкан одам.
Қочолмасдан ажалдан зинҳор,
Ердан парча жой олиб, қатор –
Сал берирок, ёки сал нари,
Ётибдилар ёнма-ён бари:
Оқу қора, шоҳу гадолар,
Хунуклар-у, нозик – адолар.
Очу тўқлар, «хас»у «маъдан»лар,
Билинганлар, билинмаганлар.
Жабрдийда, айбодуру қози,
Ҳақу ноҳақ, рози-норози.
Бесаводлар, гўллар, олимлар,
Ақли пастлар, ақли солимлар.
Тани соғлом, тани майиб ҳам,
Қавми жаллод, аҳли табиб ҳам.
Уламолар, беклар, машшоқлар,
Савдогарлар, бойлар, қашшоқлар.
Даҳрийлар ҳам, художуйлар ҳам –
Бари-бари бунда бўлмиш жам.
Дунёдан қул ювганлар шунда,
Қочганлар-у, қувганлар шунда.
Ҳаёт пайти бўлганлар ҳалол,
Бунда балки ётар бемалол.

Ожизга ким бермиш ҳимоя,
Энди балки бошида соя.
Тирикликда булганлар чаён,
Бунда холи узига аён.
Кишини қурт ҳисоблаган зот,
Қуртларга ем булмоқда, ҳайҳот.
Инсон умри учётган уқдир,
Улим майин тотмаган йуқдир.
Хаёлларнинг қолдим куйида,
Девор орти, йулнинг бўйида...

29.1.2016.



ЭРКАК ВА АЁЛ

Эркак дейди: «Аёл булса бекаму куст,
Малаксиймо, фариштафеъл, жонимга дуст.»

Аёл дейди: «Эркак булса бекамчилик,
Чироқ булиб порласа-ю, бўлсам пилик.»

Эркак-аёл, ҳолбуки, тенг қаралгандир,
Бир-бирини тўлдиргали яралгандир.

Табиатан асли шундай эркак-аёл –
Фақат бирга бахтли булар, ҳам баркамол...



* * *

Нима дейди итнинг нигоҳи,
Нега ғамгин боқади маъсум?
Булмагандай бахтдан огоҳи,
Кўзларида йўқдир табассум.

Алданганми менга ўхшаб ё,
Сотганмикин уни ҳам инсон.
Тор қуриниб кўзига дунё,
Ишончлари бўлганми яксон.

Балки тушар эсига катак,
Садоқатин этгани аён.
Эвазига ногоҳ еб калтак,
Бошин олиб кетгани қаён.

Умрим бўйи мен ҳам кезаман,
Узимга ҳеч ором кўрмай эп.
Ҳушёрликка ҳожат сезаман –
Итга ўхшаб адашмайин деб...



ИХЛОС БИЛАН

«Эшик йўқ-ку, кираман қандай?»—
Деманг асло, нолиб туну кун.
Кутилмаган тарафдан атай,
Очилади эшик сиз учун...

«Йўл қолмади», – деманг бетоқат,
Деманг: «Етар, умидим улди...»
Очилади чин йўллар фақат,
Банда оёқ кутарса, бўлди...

Ихлос билан сиз суранг йўлни,
Ихлос билан қилинг илтижо.
Ўзи томон чузилган қўлни,
Ҳали қуруқ қўймаган Худо!



* * *

Атрофга назар сол, қизик табиат,
Тошбақа судралар, чумоли чопар.
Насиб қилганича, айлаб ҳаракат –
Тирик жонзот борки, ризқини топар.

Заҳмат чекмай, биров фароғат демас,
Ҳар нарсанинг бордир вақти, соати.
Ҳеч ким эътибордан ташқари эмас,
Ҳар инсоннинг ёрдир бахти, омади.

Сабр ила шукур – қўрқувга завол,
Умид борки, одам собит бахтида.
«Қачон?» ҳамда «Нега?» – бўлмағур савол,
Бари яхши булар, фақат вақтида!



БАҲОР КЕЗАР

Сабза бўлар ўту ўланлар,
Ўйилгандек қирга гиламлар.
Кўнгил бошлар янги ўланлар,
Дил топиб сув, жон кирар тошга –
Баҳор кезар,
Бу баҳор бошқа.

Қўшиқ айтар жилға, ирмоқлар,
Ўмғирлардан яйрар тупроқлар.
Оғочлар ҳам ёзар япроқлар,
Тол попугин илади бошга –
Баҳор кезар,
Бу баҳор бошқа.

Юракларда уйғонади дард,
Янги умид, янги орзу-аҳд.
Йигитларнинг қадамида шахд,
Ўсма қўяр келинлар қошга –
Баҳор кезар,
Бу баҳор бошқа.

Ҳамалгача ҳутлаган элим,
Ниятларин бутлаган элим.
Бир-бирини қутлаган элим,
Бирдай азиз кексаю ёшга –
Баҳор кезар,
Бу баҳор бошқа.

Баракали, хушқадам кўклам,
Юртим кўрки янада кўркам.
Яшаради қадимий улкам,
Ватан кирар навқирон ёшга –
Баҳор кезар,
Бу баҳор бошқа.



ТУРТЛИКЛАР

* * *

Салом, Армон! Омонмисан, Ғам?
Дард, бормисан, қадрдон дўстим!?.
Меҳр, агар сени тополсам,
Бутланарди бутун кам-кўстим...

* * *

Ҳаётда маъни йўқ – асли маъни шу,
Бефойда таажжуб, беҳуда ғингшув.
Тирикчилик ғами – кундалик оғу,
Умр – бу ўзинг-ла сўнгсиз олишув...

* * *

Таним қолар тақдир чўлида,
Рухим юрар Сомон йўлида.
Қадах бўлсам май тўла, кошки,
Титраб турсам жонон қулида.

* * *

Май ичдим, бўлдим ғам дастидан озод,
Кўрган-кўрмаганим қилдим бир-бир ёд.
Дунё дунёлигин англадим, ҳайҳот,
Мен майга шогирд-у, май менга устод!

* * *

Фалак иши шундайдир азал,
Ҳаёт ногоҳ ўтади тугал.
Кимдир бу дам бошлайди ғазал,
Кимга шу дам етади ажал.

* * *

Юлдуз учди – кимдир кетди, вожаб,
Кимдир манзилига етди, вожаб.
Дунё уша-уша: на ортиқ, на кам,
Келиб, билмам, нима этди, вожаб?!.

* * *

Бу дунёда шошиб нетармиз охир,
Белгиланган жойга етармиз охир.
Ҳаёт йулдир. Биз бир эшиқдан чиқиб,
Бошқасига кириб кетармиз охир.

* * *

Тақдир ҳукмин бажо этармиз,
Манзил томон тезда етармиз.
Ранжу қувонч бари бефойда,
Йуқдан келиб, йуққа кетармиз.

* * *

Фам қулининг кунглимдир гули,
Ношукрлик қилмайман фақат.
Мен Худонинг эрка бир қули –
Дард беради, берар муҳаббат.

* * *

Мен ҳам бир кун етгум ушал эшикка,
Ушал остонадан бир куни утгум.
Белангандай гуё қайта бешикка,
Туган билмас бахтли оромга кетгум.

* * *

Виждонда улчанар инсон ишлари,
Эркда асил лаззат, ҳаётдан баҳра.
Армоннинг мустаҳкам булар тишлари,
Улимда булади энг сокин чехра...

* * *

Улуғ инсонларда бўлмайди миллат,
Ватан танламайди асил муҳаббат.
Масофа айирмас яқин кунгиллар,
Чин дўстлик билмайди сарҳад ва фурсат.

* * *

То ҳаётда пайдосан,
Бўл ҳаётга шайдо сан.
Билгин: Шоҳсан, гадосан,
Вақтинг етса – адосан.

* * *

Гул узардим ҳали кун бўлмай адо,
Қулоғимга етди ажиб бир садо:
«Танлаб-танлаб гулни узарсан бунда,
Лекин гулчин эрур аслида Худо...»

* * *

Кузни очдим, йулим келди кузимга,
Кузни юмдим, кунглим келди кузимга.
Ҳақни истаб, кечдим кулбайи ҳечдин,
Сўзни дедим, улим келди ўзимга...

* * *

Банда обод булдим деб харобга кетар,
Даре лабидан гуё саробга кетар.
Қайда қачон адашдим деб хижолатда,
Англагунча то, хоки туробга кетар.

* * *

Ким мақтанар куйдим деб узукка тешик,
Ким лоф урар очдим деб осмонга эшик.
Мен бир ҳолга ҳайронман, бир хил ёғочдан –
Кимдир тобут ясайди, ким эса бешик.

* * *

Торни қуйиб, кенгни олади,
Пастни қуйиб, тенгни олади.
Куйган сари куйдим тақдирдан –
Бирни бериб, мингни олади...

* * *

Сўзламай дегандим, ахир бўлмади,
Тақдирим бир танти тақдир бўлмади.
Тилло ёшлигимни алдаб олди-ю,
На бой бўлмади, на фақир бўлмади...

* * *

Ким кўз-қошинг соғинар,
Ким нон-ошинг соғинар.
Кимсалар бор, вожаб,
Кузда ёшинг соғинар...

* * *

Ҳаёт гоҳ йўл-у, гоҳ йўлакча экан,
Бахт кимга кўл, кимга қўлмакча экан.
Саломим беалик эмас юртда, лек,
Уйда қадр кўрмоқ бўлакча экан...

* * *

Дарди жонга топмай даво,
Кўрдим, булбул айлар наво:
«Тикан севсам бўлмасмиди,
Бевафо гул севгунча то...»

* * *

Улгуришим керак, қутмайди руҳим,
Эрк истаб талпинар жон қушим – қумрим.
Улгуришим керак. Худо хоҳласа –
Умримдан қўп узун бўлади умрим...

МУНДАРИЖА

Шоирнинг олами.....	5
Сен наҳот.....	15
Ватан бу.....	16
Худо берган ўзбекка.....	17
Абдулла Қодирий.....	19
Чулпон.....	20
Усмон Носир.....	21
«Қодирий, Чулпон, Фитрат...».....	22
Аҳмад Ясавий.....	23
«Кўзимдаги гавҳарим ўзинг...».....	24
Шу халқ учун.....	25
Ватан.....	26
Менга азиз.....	28
Туморингга арзит мени.....	29
Яғонамсан.....	30
Оқ булутлар.....	31
Соғиндим.....	32
Омон бўлайлик.....	33
«Гоҳо дейдилар: «Офтоб»...».....	34
Ўз голибини кутган аёл.....	35
Ёлғиз қолган аёл.....	36
Аёл макри.....	37
«Нима истар аёл баҳорда...».....	38
«Суроқ қилди Одам Атони...».....	39
«Ҳар эркак ҳам бўлолмас...».....	40
«Юзлар ой-у, қошлар ҳилолий бўлсин...».....	42
Жиннининг ихтироси.....	44
Энг гузал аёл.....	46
Аёл кунгли.....	47
«Севаман» денг.....	48
Меҳрибон онанг бўлса.....	49
Отани асраш керак.....	50

«Эй фарзанд, кузингни оч...».....	52
Бухоро.....	53
Тарк қилмагин.....	55
«Кунглим қуши Бухорога учай дейди...».....	56
Бухоро соғинчи.....	57
«Ассалом муҳаббат, хайр муҳаббат...».....	58
Менга муҳаббат бер.....	59
Ёшлиқдаги муҳаббат.....	60
«Чидамади азобга қалбим...».....	61
«Рухимга нопоклик қайдан илашди...».....	62
«Дилимда зада, ёқаси вайрон...».....	63
«Кетаяпсиз...».....	64
«Сиз ўшами...».....	65
Найлади ишқинг мани.....	66
«Ўзим учун эгилмаган бош...».....	67
Кургим келар.....	68
Кечиккан кўнгил.....	69
Чиннигуллар.....	70
Муҳаббат.....	71
«Сокин хиёбонда қалбимни кўндим...».....	73
Кечиккан алёр.....	74
Бизнинг муҳаббат.....	75
Тушимдаги қиз.....	76
«Баҳоримсан кузда етган...».....	77
Булбул хати шикоятдир.....	78
«Муҳаббат турига диллар илинди...».....	79
Жим севаман.....	80
Сизни соғинмай.....	81
Қайдалигинг айтайми.....	82
Бир савол.....	83
«Биллур илиб, зар пояндоз...».....	84
«Титаник».....	85
Айрилма.....	86
Ухшамайди.....	87
Арзимамайди.....	89
«Барчага бир чиқмаса ой...».....	90
Тақдир.....	91
Сочга оқ кўниб борар.....	92
Ермиш.....	93
Ҳаёт қўшиғи.....	94
Бу кунлар ҳам.....	95

Инсон экологияси.....	96
Бу ҳаётда.....	98
«Бу дунёнинг уйинлари куп...».....	100
Фақат ёд қолар.....	101
«Кимнинг йуқдир отаси...».....	102
«Топдим деманг...».....	103
Йигитнинг пири қўлайди.....	104
Афсус.....	105
Ёлғиз ўтган кечалар.....	107
«Кўрмаганини кўргани курсин...».....	108
«Бўлди, етар...».....	109
«Эркин сузавермас ҳар доим кеманг...».....	110
Йуқчилик.....	111
Дунёнинг куз ёшлари.....	113
Кузгудаги одам.....	114
«Ишонаман...».....	115
Ҳаёт гоҳ.....	116
Карвон.....	117
Ўтади.....	118
Ҳаммамиз бирдаймиз.....	119
Куз тикдингми.....	121
Болангни соғиниб.....	122
Ушанда.....	123
Узатилган қўл ҳақида.....	124
Атамалар.....	125
Буюклар ушлаган чўп.....	126
«Тавба сувин сочмоқ керак...».....	127
Этолмас.....	128
Инсон ва ит.....	129
Қўмсаш.....	130
«Меҳринг мисли шабнаммиди...».....	131
«Гарчи дилда саботларим тоғлиқ менинг...».....	132
Ёри азиз.....	133
«Маликам» қўшиғи.....	134
Сукутдаги гузал.....	135
Кузларинг мисли денгиз.....	137
Бу кўнгилнинг.....	138
Интизорлик манзараси.....	139
«Мен бугун англадим гулда моҳият...».....	140
Ёдимда.....	141
«Қўлсиз қолдим...».....	142

Умр баҳори.....	143
Онажоним ҳаёт бўлса.....	144
«Кимгадир хиёнат – бизнинг муҳаббат...».....	145
«Ким бўлардим, шоир бўлмасам...».....	146
«Талпинганим бир умр...».....	147
Топмадим.....	148
Ҳаётга талпиниб яшайвераман.....	149
«Мен кетдим...».....	150
«Умр ўтар онлари олтин...».....	151
«Ёр бўлсанг ҳам...».....	152
Қўрқинчли эмас.....	153
Не кунларни.....	154
Кўнглимни қизгондим.....	155
«Кечиб қанча гирдобдан...».....	156
«Қалбим бир синган қадах...».....	158
«Мудом ёлғиз яшадим, аммо...».....	159
Айтинг.....	160
Кўзгудаги ким.....	161
Кўнглимга нур бер.....	162
Гул.....	163
Эътироф.....	164
Орзулар йўли.....	165
Кулсам ҳам.....	166
Бизга.....	167
«Заргар дилим зари талош...».....	169
Ур.....	170
«Бегона».....	171
Ярим тунда.....	172
Ёмғир ёғди.....	173
Нима бўлди.....	174
«Насиб этса бир кун...».....	176
Қўрқаман	177
Севги.....	178
Нигоҳларим.....	179
Сизга ёқмай.....	180
Қайда энди.....	181
«Кўнгилсизлик кўнгилни-да йуқ қилади...».....	182
Мендан рози бўлинг.....	183
Дегин.....	184
Ўйлатар мени.....	185
Бу ишқ.....	186

«Севгим менинг, севгилим...».....	187
«Қайтолмаймиз бирга бахтли дамларга...».....	188
Ёмғир.....	189
Хаёл.....	190
Яхшимидим.....	191
Лайлим, қайдасан.....	192
Қайсар кунгил.....	193
Эслаб қуй.....	194
«Кипригимга томчи ашк илиб...».....	196
«Сенинг ишқинг яшар қалбим ичида...».....	197
Ухласам.....	198
Соғинар.....	199
Гузаллар фарқи.....	200
Қалбим, айт.....	201
«Ҳамон кўзим қароғида сен...».....	202
«Сен – тувақда ўртанмаган гул...».....	203
Жодугар қиз.....	204
Яралганми.....	206
Қайданам.....	207
Изламанг.....	208
«Қучоғимда ой тўлди...».....	209
«Сувсиз қайтган каби дарё қирғоғидан...».....	210
Кечирдим мен.....	211
Адашдим.....	212
Ушал кунлар.....	213
Айтолмайман дардларим.....	214
Керакмиди.....	216
«Нигоҳимни тортар тупроқ...».....	217
Меҳринг керак.....	218
«Тушимдасан ҳатто ёз оқшомида...».....	219
«Марварид осуда оқшомда ҳилол...».....	220
Онам.....	221
Омад.....	222
Дардлашгим келар.....	223
Кечирим.....	224
Менга ҳам ўргатинг.....	226
«Ғуссалар унут бўлди...».....	227
Тақдир қайда.....	228
Дўстга тилак.....	229
Овоз бобида.....	231
Бечора.....	232

86 ёшли аммапошшанинг деганларидан.....	233
Умидим шул.....	234
«Эй одамзод, сен ажиб хилқат...».....	235
Ушанда.....	237
Омон бўлса.....	238
Мендай ёлғиз билан.....	239
Менга сен кераксан.....	240
«Тақдир ишлари ҳам ғалати уйин...».....	241
Узингсан.....	242
Ошиқ бўлса ҳар киши.....	243
Сен-ла сенсиз.....	244
Ошиқ.....	245
Этар ишқинг.....	246
«Кабутар учади томингдан...».....	247
«Булишдим мен топганимда нонимни...».....	248
«Юракка кумилди муҳаббат...».....	249
«Чехрам менга дўст эмас...».....	250
«Бошга солиб малоллар кучин...».....	251
Узи билмай.....	252
Пулга.....	253
«Ўтмиш узрин айта-айта...».....	254
Кулиб туриб.....	255
«Мен кучлиман, чамаси...».....	256
Бу қарға.....	257
Укам Баҳриддинни эслаб.....	258
Ота ва уғил.....	259
Дустим отган тош.....	260
Дуо билан кўкардим.....	261
Тобора.....	263
«Билмам, нега қимирлайди ер...».....	264
Бир даврада.....	266
Айла.....	268
Хавотир.....	269
Кекса соқчи қиссаси.....	270
Не учун отамнинг ёнида эмасман.....	273
«Учрашмадик...».....	275
«Ажри магар ҳузурли...».....	276
«Шоқолларга, ахир, нима бор...».....	278
Мендан йироқдасан.....	279
Яна келди куз.....	280
«Ажаб сирлар, ғалат синоат...».....	281

Вақт қадри.....	283
«Болалар: «Улғайиб бош бўлсам», дейди...».....	284
Танқидчига.....	285
Айрим кўзёшлар.....	286
Жаҳон адабиёти мутоаласи.....	287
Театрда.....	288
«Йиглашни ҳам унутиб қўйиб...».....	289
«Худойим, ночор қилма...».....	290
«Чехраси йуқ юзлардан...».....	291
«Йул бўйида, девор ортида...».....	292
Эркак ва аёл.....	294
«Нима дейди итнинг нигоҳи...».....	295
Ихлос билан.....	296
«Атрофга назар сол...».....	297
Баҳор кезар.....	298
Тўртликлар.....	300

Адабий-бадиий нашр

БОБУР БОБОМУРОД

КЎРГИМ КЕЛАР СИЗНИ НЕГАДИР

Шеърлар

Муҳаррир *Жавлон Яхшибоев*
Бадий муҳаррир *Иззат Йулдошев*
Техник муҳаррир *Хосият Ҳасанова*
Мусахҳиҳ *Шохруҳ Жаҳонов*
Саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

Нашриёт лицензияси рақами АИ № 290. 04.11.2016
2020 йил 20 февралда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 ^{1/32} Palatino Linotype гарнитураси.
Офсет босма. 16,38 шартли босма табоқ. 9,2 нашр табоғи.
Адади 5000 нусха. 64 - рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128 Тошкент, Лабзак кучаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz info@gglit.uz

L. 700 c.

БОБУР

БОБОМУРОД

КУРГИМ КЕЛАР
СИЗНИ НЕГАДИР



16+



ISBN 978-9943-



9 789943 61